

**МАХПИРАТ НОМИДАГИ ЎРТА ОСИЁ ХАЛҚЛАРИ  
ТАРИХИ ИНСТИТУТИ**

**АМОНИЙ АРАБОНИЙ**

# **ИСМИДУР ОБИРАВОН**

**Нашрга тайёрловчи, сўз боши,  
табдил ва изоҳлар муаллифи –  
Маҳмуд ҲАСАНИЙ**

**Тошкент  
Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси  
«Фан»  
нашриёти  
2003**

Қўлингиздаги китобда Фурқатнинг шогирди, араб ва форс тиллари, шариат илмлари ҳамда адабиёт билимдони Амоний Арабонийнинг (1870–1946) шеърлари берил–моқда. Амоний Фарғона музофотида яшайдиган шоирлар ҳамда ўзининг шеърларини тўплаб, 1912 йилда Тош–кентда «Баёзи маҳбуб ал–маҳбуб» номи билан нашр қилдирган. Унинг баёздаги шеърлари ва қўлёзма дево–идаги газаллари биринчи марта эълон қилинмоқда.

Рисола кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

Масъул муҳаррирлар — Ҳамидулла БОЛТАБОЕВ,  
филолгия фанлари доктори.  
Маҳкам МАҲМУД,  
филолгия фанлари номзоди.

А 4702620102–3–690 Рез. 2003  
М 355(04)–2003

SBN 5–648–02916–0

© Ўзбекистон Республикаси  
ФА «Фан» нашриёти,  
Махпират номидаги Ўрта  
Осиё халқлари тарихи  
институти, Маҳмуд  
Ҳасаний, 2003 йил.

# АМОНИЙ АРАБОНИЙ

Марҳамат шаҳри билан Ўш шаҳри орасида қадимий бир қишлоқ бўлиб, бу қишлоқ obu ҳавосининг мусаф—фолиги, табиатининг чиройлилиги билан кишиларни асрлардан буён мафтун этиб келади. Унинг номи — Аравондир.

Аравоннинг эрамиздан аввал ҳам мавжудлигига Дулдул Ота тоғига чизилган дулдул от расми гувоҳ бўлиб, у эрамиздан аввал Давон деб аталган шаҳарда (ҳозирги Марҳамат шаҳрининг ўрни) мавжуд бўлган "самовий" отларнинг расмидир. Дулдул Ота тоғи Аравон қишлоғига файз бериб туради. Қишлоқни иккига бўлиб оқадиган сой эса қишлоққа янада кўрк бағишлайди. Кексалар Аравон сўзи «оби равон» деб аталган шу сойдан олинган, дейдилар. Марҳаматлик муаррих олим Махдум Восилий (Мулла Ҳасанхон Махдум ибн Мулла Муҳаммад Иброҳим, 1989—1979) нинг фикрича, Аравон сўзи «араб» ҳамда «бон» сўзларидан иборат бўлиб, араб аскарлари жойлашган жой (лагерь)ни билдиради. Араб аскарлари бу ерга келгач, унинг сўлимлиги ва қулайлигини кўриб, шу ерга жойлашганлар.

1870 йилда шу сўлим қишлоқнинг Марғилон маҳалласида дурадгор ва косиб Ўринбой оиласида бир фарзанд туғилди. Унга Амон деб от қўйдилар. Ўринбой ўз ўғлининг илм олишини ва мулла бўлишини хоҳларди. Ёш Амон Аравонда ўша пайтда мавжуд бўлган мадрасада таҳсил олишга киришади. У мадрасада ўша даврнинг кучли олимларидан дарс олади. Кейинчалик ўз исмидан тахаллус сифатида фойдаланган Амоний 1912 йилда ёзган «Аравон» шеърида:

Бор эрур бўлган бино бир мадраса олий макон,  
Жонишин ҳоло ичида бир неча ахёрлар.

Нақш ўлуб тоқу равоқи таркибидин доимо,  
Сарнигун таъзим учун бу гунбази давворлар, —

деб ёзган эди.

Амоний мадрасада араб ва форс—тожик тилини

ўрганади. Қуръон, тафсир, фикҳ ва адабиётга оид асарларни шу тилда мутолаа қилади. Девонида арабий байтларнинг ҳамда форс–тожик тилларидаги газалларнинг мавжудлиги шундан гувоҳлик беради. Аморий туркий тиллардаги асарларни ўқиш билан бирга хитой тилини ўрганишга ҳам ҳаракат қилган. Марҳаматлик олим ва шоир Маҳдум Восилий унинг хитойча ширу шакар шеърини ўқигани ва унда “йешин шин духу” жумласи бўлиб, бу “янги тўнимни кийиб олай” дегани экани ҳақида сўзлаб берган эди.

Аморий мадрасада ўқиб юрганида шубҳасиз, шеърят билан қизиққан. У ўзбек тилидаги шеърлардан ташқари форс тилидаги газалларни ҳам аслида ўқиб тушунган. Бу эса унинг оҳиста шоирлик сари етаклаган ва шеърлар машқ қила бошлаган. Хаттотликка қизиқиб, бу санъатни ҳам мукамал эгаллашга муваффақ бўлган. Шу билан бирга ота касби аравасозлик билан шуғулланган.

## АМОНИЙ МАРҒИЛОНДА

Аморийдаги илмга чанқоқлик уни Марғилон сари етаклаган. Марғилон ўша пайтларда илм марказларидан бири бўлиб, Ҳазиний бошлиқ шоирлар ва тасаввуф аҳллари бу ерда жамланган эди. Аморийнинг Марғилонга қайси йили келгани номаълум, бироқ 1895 йилларда Марғилонда бўлгани тахмин қилинади.

Аморий Марғилонга келиб, Хонақоҳ мадрасасига жойлашади. Унинг мақсади аввало илм олиш бўлса, бошқа томондан тариқат йўлини босиб ўтиш эди. «Баёзи маҳбуб ал – муҳбуб»га кирган газалларидан бирида у:

Келибман Марғилон ичра азизлар остонига,  
Талаб айлаб, Худовандо, манга илми уло бергил.  
Бўлубман толиби ушбу шариф йўлни нажот истаб,  
Кўруб лойиқ бу ожизни кўнгилга сан зиё бергил, –

деб ёзган эди.

Аморий шу йилларда Ҳазиний Эшон билан учрашади

ва ундан файзлар топади. Ҳазиний Қўқон атрофидаги Кенегас қишлоғидан бўлиб, исми Зиёдхон тўра эди. У хонақоҳ қуриб, унда муридларни тарбиялаш билан машғул бўлган. 1904 йилларда у машҳур шайх ва шоир сифатида ном қозонган эди. 1926 йилда вафот этган<sup>1</sup>. Амоний Ҳазиний Эшоннинг «Кошки» радифли ғазалига мухаммас боғлайди. Мухаммас унинг 1912 йилда чоп эттирган «Баёзи маҳбуб ал — маҳбуб»ига киритилган. Мухаммаснинг охириги банди қуйидагича:

Хуни дил бирла киши жондин кечиб юз бор — бор,  
Мисли Яъқубдек агар ёд айласа лайлу наҳор,  
Файз олур билсанг Амоний ишқида бўлса қарор,  
Кимки дарёи муҳаббатга чўмар ғаввосвор,  
Мен Ҳазиний толиби дийдор бўлсам кошки.

Амонийнинг тариқат йўлидаги пири, бизнингча, Намангандан бўлган. У ўзининг бу устозини Домлои Намангоний деб атади. Мазкур домланинг Аравонга келиши ҳақида Амоний тожикча ғазал битган. Бошла — ниши қуйидагича :

Омад ҳазор жонам фидо шоҳаншоҳи рўйи замин,  
Бар қасабаи ин хастагон ғавси замон шуд муқтарин.  
(Рўйи заминининг шаҳаншоҳига мингта жоним бўлса фидо,  
Бу хасталарнинг қишлоғига замона ғавси келди).

Амонийнинг иккинчи пири Фарғонанинг Таҳтак қишлоғидан бўлган. Унинг исми ҳазрати Искандар халифа бўлиб, Амоний унга бағишланган ғазалида:

Дидам он шайхи замон чун кошифи асрорҳо,  
Як суҳбати он авлиё фахри кунам бисёрҳо.  
(Замона шайхи, сирларни кашф этувчи бу шайхнинг,  
Суҳбатини кўрдим, бунга кўп фахрлар қиламан), —

---

<sup>1</sup> Пўлотжон Домулла Қайюмов. Тазкираи Қайюмий. Тошкент, 1998, 3 — жилда, 562 — бет.

деб ёзган эди.

Мағилондаги Хонақоҳ мадрасасида Амонийга катта таъсир кўрсатган мударрис ва мутасаввифлардан бири Ҳазин тахаллусли Муҳаммад Юсуфхон ал – Марғиноний бўлган. Амоний бу шоир ва мударрис ҳақида тўлқинла – ниб ёзади, у билан шеърий мактублар ёзишиб турган. «Баёзи маҳбуб ал – маҳбуб»да Амоний унинг бир қанча шеърларини келтирган. Шеърларда уни устоз ҳамда шайх ул – ислом номлари билан тилга олади.

Жаноби ҳазрати устоз, сарвари ахйор,  
Чароғи дини расули Муҳамад Мухтор.  
Кўрунса номи Муҳаммад, ахийри Юсуфхон,  
Тилимда бўлса муборак, дилимда ҳам такрор, –

деб ёзади у устози ҳақида. Амонийнинг мазкур устози 1336/1917 йилда вафот қилган бўлиб, вафот йили абжад ҳисоби бўйича «Фарғона» сўзидан чиқади. Пўлотжон домланинг Муфаззалхон исми кишидан эшитишича, Ҳазин 1924 йилда Марғилондаги Хонақоҳда вафот этган.<sup>1</sup>

Амонийнинг устозларидан яна бири Мулла Қобил Охунд Андижоний бўлган. Амоний унинг вафотига ба – гишлаб «Устозуно» («Устозимиз») номли марсия ёзarkan, унинг илмда пешво эканини таърифлайди.

Ходими дини Набий, устози кулл дар Андижон,  
Фавт шуд моро ниҳода дарду ғам устозуно.  
(Набий динининг ходими, Андижонда барчанинг устози,  
Вафот этиб, бизларга дарду ғам қолдириб кетди), –

деб ёзади у. Бу устознинг вафот йилини Амоний шеърда кўрсатган бўлиб, 1353/1934 йилга тўғри келади.

Амоний Аълам Домла лақабини олган Муҳаммад Аййуб Охундни ҳам ўз устози сифатида тилга олган. Амоний бу домлага ёзган мактубининг насрий муқад – димасида тушунтиришича, Аълам Домла асли аравонлик бўлиб, “замоннинг носозворлиги”дан қочиб, Тошқўй

---

<sup>1</sup> Тазкираи Қайюмий, 348 – бет.

деган жойга 1351/1932 йили кўчиб кетган. Аморий Аълам Домлага ёзган мактубида замонанинг бузилгани, ҳеч кимда оқибат қолмагани, олим кишиларнинг қадри топталганини баён қилади:

Чунончи бўлса жигарлар ё биродарлар,  
Ўзини жойида қилмас бири бирини ёд.  
Агарчи бўлса ўзини атоси ёки ано,  
Камоли соддалигидан қилур аларга жиҳод, —

деб ёзади у.

Кўришиб турганидек, Аморий Марғилонда етук ус — тозлардан таълим олган, нафақат мадраса дарсларини эгаллаган, балки шеърят ва тариқат йўлларини ҳам ўрганган. Устозларининг барчаси деярли шоирлар бўлиб, ўзбек ва тожик тилларида баравар ижод қилганлар.

Аморий Марғилонда истеъдодли толиби илм ва етук шоир даражасида ҳаёт кечиргани ва катта — кичик орасида машҳур бўлгани аниқ. Ҳатто ўша даврда яшаган илм аъллари уни марғилонлик деб хаёл қилганлар. Бир куни замонамизнинг фозил олими, академик Азизхон Қаюмов билан суҳбатлашиб қолдим. Азизхон ака отаси томонидан тузилган "Тазкираи Қайюмий" асарини нашрдан чиқараётган эдилар. Азизхон акадан тазкирада Аморий борми ёки йўқлиги ҳақида сўрадим. Эртасига Аморийнинг бир ғазалини кўчириб келиб, менга берди — лар. Тазкира муаллифи Аморийни марғилонлик шоир деб ёзган эканлар.<sup>1</sup> Ўша пайтда мен Аморийнинг Марғилонда яшагани ва ўқиганидан беҳабар эдим. Аморийнинг ҳаёти билан чуқурроқ танишгач, ўша марғилонлик дейилган шоир асли аравонлик Аморий экани маълум бўлди. Азизхон Қаюмов келтириб берган ғазал қуйидагича бошланар эди:

Ишқинг солиб, шайдо этиб, ман хастаи бемор учун,  
Раҳм этмадинг парво қилиб бул аҳқари афғор учун.

---

<sup>1</sup> Тазкираи Қайюмий, 418 — бет.

Бу ғазал Амонийнинг «Баёзи маҳбуб ал – маҳбуб»ида ҳам мавжуд.

## АМОНИЙ ТОШКЕНТДА

Амоний Марғилонга келиб Муқимий, Завқий, Фурқат каби демократик шоирлар ҳамда тасаввуф намоянадалари бўлган Ҳазиний Эшон, Муҳаммад Юсуф Ҳазин ва унинг издошлари ҳаёт кечираётган илмий ва адабий муҳит ичига тушиб қолади. Уларга эргашиб шеърлар ёза бошлайди. Айниқса Фурқат билан учрашуви унинг ҳаётида катта ўзгаришлар ясайди.

Зокиржон Фурқат (1858 – 1909) 1875 – 76 йиллардан сўнг Марғилонга келиб, савдо ишлари ҳамда мирзолик билан шуғулланган. 1890 йилларнинг бошида Қўқонга қайтган. Амоний шу йиллар ичида Марғилонда Фурқат билан учрашади. Н.Қобуловнинг ёзишича, Фурқат ёш истеъдод соҳибига эътибор билан қараб, шеърийат соҳасида устозлик қилган.

Амоний Тошкентга қачон ва нима мақсадда келгани номаълум. Бироқ Фурқат Тошкентга келган вақтида (1891 йил) Амоний шу ерда бўлган. Бу ҳақда Фурқат Амонийга йўлаган шеърий мактубида шундай ёзади:

Издадим Тошкентни кунжу бурчларин,  
Айтдилар, кетди (шошиброқ) Андижон.

Мактубдан маълум бўлишича, Фурқат Тошкентда шоир Камий ҳузурида Амонийни учратади. Бошқа куни эса уни тополмайди. Уни қидиршдан мақсад эса у Амоний учун босмахонадан иш топган бўлади:

Хислатий бирлан Камийга ваъда бор,  
Топдилар тошбосмасидан бир макон.

Амонийнинг Андижонга кетганини эшитган Фурқат мазкур шеърий мактубни ёзиб, Амонийнинг поччаси Мулла Маллага беради ва Амонийни Марғилонга келишга чорлайди:



Мунтазирман Марғилонга келсангиз,  
Чойфурушлик растасида бир дўкон.  
Кўкмозор машҳур экан бир мадраса,  
Қирсангиз масжидга ҳужрам ёнма — ён.

Мактубдан маълум бўлишича, Фурқат Амонийни жуда яхши кўрган, унга меҳрибонликлар кўрсатган. Ҳатто у билан учрашиш умидида атайлабдан Марғилонга келган:

Фурқатий бечора излаб дарбадар,  
Кўз тутиб келдим бу ерда Марғилон.

Фурқат Амонийни кўришдан доимо хурсанд эканини қуйидагича ифодалайди:

Тез келинг, жоним укам, мулла Амон,  
Ҳар қачон кўрсам бўлурман шодимон.

Шундай қилиб, Фурқатнинг Хислат ва Камийга қилган илтимоси орқали Амоний Тошкентдаги Х.Орифжонов босмахонасига хаттот сифатида ишга жойлашади. Унинг қайси йили Тошкентга келгани аниқ эмас. Фурқат 1889 ва 1891 йилларда Тошкентда бўлган пайтда Амоний ҳам шу ерда бўлган, деб тахмин қилиш мумкин. Унинг 1912 йилларда Тошкентда бўлгани аниқ, негаки унинг илк китоби «Баёзи маҳбуб ал—муҳбуб» шу йили Тошкентда чоп қилинади.

## КАМИЙ БИЛАН УЧРАШУВ

Фурқат Амонийни Камий ҳузурида кўргани ҳақида юқорида гапириб ўтган эдик. Хўш, Камийнинг ўзи ким?

Адабиётшунос Олим Олгинбекнинг ёзишича, Каримбек Шарифбек ўғли — Камий 1865—1922 йиллар орасида яшаб ижод қилган шоир. У Тошкентнинг Себзор даҳасида туғилиб, Бекларбеги мадрасасида таҳсил кўрган. Оила қурмай, фақирона ҳаёт кечирган.

У Сарёмий, Сидқий, Хислат, Мискин каби шоирлар билан адабий суҳбатлар қурган. Бундан ташқари, у Му —

қимий, Фурқат, Завқий, Ҳазиний, Муҳийи каби шоирлар билан ҳам яқин алоқада бўлган. Олим Олтинбек айтга — нидек, у Тошкент адабий муҳитидаги етакчи ва устоз шоирлардан эди.<sup>1</sup> Пўлотжон домла Камийнинг Қўқонда ва Андижонда бўлгани, 57 ёшида Тошкентда вафот этга — ни ҳақида ёзади.<sup>2</sup>

Амоний ҳам бошқа шоирлар каби Камийнинг адабий мажлисларида қатнашган. Буни Фурқатнинг Амонийга йўллаган шеърий мактубидаги:

Ул куни кўрдим Камий олдидаким,  
То бу дам баргу дилим зардобу қон, —

деб ёзган мисраларидан ҳам билиб олиш мумкин.

Мен Камий ҳақида биринчи марта қиблагоҳим Мах — дум Восилийдан эшитган эдим. Мен у пайтларда ўрта мактабда ўқир эдим. Қиблагоҳим:

— Шоир ўзига яхши маънони билдирадиган тахаллус танлаши керак экан. Амоний Тошкентда Камий деган шоир билан учрашган экан. Ўзига Камий деб тахаллус қўйган бу шоир ҳатто нинани ҳам қўшнисидан сўраб чиқаркан. Буни менга Амоний айтиб берди, — деган эдилар.

Олим Олтинбек ҳам Камийнинг Бекларбеги мадра — сасининг ҳужрасида фақирона ҳаёт кечиргани, мулла — ваччалар кўпайиб кетгач, дарвоза ташқарисидаги зах ҳужрада яшашга мажбур бўлгани, боз устига унга ҳам — ҳужра бўлиб, бир кўкнори бола шерик бўлиб, азиятлар етказганини ёзади.<sup>3</sup>

Камийнинг етук шоир, катта фозил киши эканини кўрган Амоний унга бағишлаб «Дар мадҳи жаноби Мав — лоно Камий Тошкандий аз Амоний бал тақдири Арабоний» (Келиб чиқиши Аравондан бўлган Амонийнинг

---

<sup>1</sup> Каримбек Камий. Нашрга тайёрловчи, сўзбоши ва изоҳлар муаллифи Олим Олтинбек. Тошкент: «Маънавият», 1998. 5 — бет.

<sup>2</sup> Тазкираи Қайюмий. 385 — бет.

<sup>3</sup> Каримбек Камий. 5 — бет.

жаноби мавлоно Камий Тошкандий мадҳидаги ғазали)  
номли шеър ёзган. Амоний, жумладан, ёзади:

Хушфасоҳат иқлиминда чун лисон ул — ғайбдек,  
Ҳар кутубға жорий бўлгон фаҳми Мавлоно Камий.  
Камийнинг Фарғонада ҳам машҳурлигига ишора қилиб:  
Айлади Фарғонани бул дам мусаххар ҳар сўзи,  
Балки Исломбулни олди қавли мавлоно Камий, —

деб ёзади у.

Руҳиятида тасаввуфга мойиллиги бўлган Амонийга Камийнинг турмуш тарзи ёққан бўлиши керак. Чунки Амонийнинг шеърларида ҳам тасаввуфий ғоялар катта ўринни эгаллайди. Чунончи, Камий ҳақида ёзади:

Гўфтугуйи зоҳиран бўлди мажозий ишқиға,  
Ботинан бўлди фаноға ғарқи мавлоно Камий.  
Ҳар мақолида кўрунг файзи Илоҳийдан асар,  
Бул сабабдин, эй Амоний, дилда мавлоно Камий.

Амонийнинг айрим ғазал ва мухаммаслари Камий —  
никига ўхшаган. Бу Амонийнинг Камий ижодини яхши  
билгани ва унга эргашганини кўрсатади.

## **АМОНИЙНИНГ "БАЁЗИ МАҲБУБ АЛ-МАҲБУБ" КИТОБИ**

1966 йиллар эди. Марҳаматга борсам, қиблагоҳим  
Маҳдум Восилий каттагина қорозга хаттотлик санъати  
билан ғоят нафис ёзилган бир хатни кўрсатдилар.

— Бу Амонийнинг ёзгани, — дедилар қиблагоҳим. —  
Аравондаги Жоме масжиди деворига осиб қўйилган  
экан. Нусха кўчириб олиш учун сўраб олдим.

Мен уни Тошкентга ўзим билан олиб келиб, фото —  
нусхасини чиқартириб олдим. Унда Қуръон ояти «Фал —  
лоҳу хойрун ҳофизан ва ҳува арҳам ур — роҳимийн» ғоят  
санъаткорона усулда гулга ўхшатиб ёзилган, остига эса:

Катабаху Амоний туроб ул – ақдом,  
Рожий илаллоҳи ҳусн ал – хаттом,<sup>1</sup>

деб ёзилган эди.

Мен мазкур санъат намунасини кўтариб, ЎЗР ФА Шарқшунослик институтининг олими Абдулқодир Муродий домланинг олдига кирдим. Бу домла мадраса кўрган, араб ва форс тилларини мукаммал билувчи, замонанинг йирик хаттоти эди. «Ўрта Осиё хаттотлик санъати тарихидан» деган китоби босилган эди. Ундан:

– Амоний ҳақида эшитганмисиз? – деб сўрадим.

– Амоний бал тақдири Арабонийми? У киши бизга устоз бўлганлар, биз у кишидан хаттотликни ўрганганмиз, – дедилар. Қўлимдаги хатни кўрсатдим, завқ билан ўқидилар.

Ҳа, Амоний Фурқат воситасида Тошкентда Х.Ориф – жонов матбаасида фаолият кўрсатди. Айни пайтда Фарғона музофотида яшайдиган ва ўзига шахсан таниш бўлган шоирларнинг шеърларини йиғиб, баёз тузди ва уни «Баёзи маҳбуб ал – маҳбуб» («Севилганнинг севилган баёзи») деб атади. Бу баёз (шеърлар гулдастаси) 1912 йилда юқоридаги матбаада нашр этилди.

Мен бу баёз ҳақида ўқувчилик йилларимда қиблагохим Маҳдум Восилийдан эшитган эдим. Амоний Тошкентда бўлгани ва баёз нашр қилдиргани ҳақида қиблагохимга сўзлаб берган эканлар.

Мазкур баёзнинг 7 та босма нусхаси ЎЗР ФА Шарқшунослик институтининг Қўлёзмалар хазинасида сақланмоқда. Баёзнинг тузилиши билан муҳтарам ўқувчиларни таништириб ўтамиз. Унинг биринчи бетида номи қуйидагича келтирилади: «Ин нусхайи мумтоз, монанди сарвиноз, дилдори марғуб ал – марғуб ал – мусаммо «Баёзи маҳбуб ал – маҳбуб». Баёз Амонийнинг яқин таниши, шоир Мулла Зуҳуриддин ибн Мулла Муҳаммад Мусо Қори харажати билан нашр қилинган. Шеърлар

---

<sup>1</sup> Буни оёқлар остидаги тупроқ бўлган Амоний ёзди, У оқи – бати хайрли бўлишини Аллоҳдан тиловчидир.

эса шоир Мулла Шавкат қўли билан кўчирилган. Бу ҳақда баёзнинг охирида шундай дейилади: «Хотима аз Мулло Шавкат.

Ё Раббки, мани сиёҳнома,  
Юзи қаромен, нечукки хома.  
Лавҳи амалимки, ғамфизодур,  
Журмим рақамим билан қародур.  
Ё Рабб, бу баёзки, битибмен,  
Камолиға жидду жаҳд этибмен.  
Элнинг назариға хор қилма,  
Тупроқ уза хокисор қилма.

Баёзнинг энг сўнггида эса Амоний томонидан ёзилган нащр йили берилган. У қуйидагича:

Келди таърих бир мингу уч юз,  
Замланиб боз бир, яна ўттуз.

Бу 1331 ҳижрий, 1912 милодий йилни билдиради. Амоний баёзга насрий хотима ҳам ёзган бўлиб, унда шундай дейилади: «Фарғона музофотидаги фузалолар, чунончи, мавлоларимиз ва шуаройи замонларимиз абёт — ларини нодир ул — вужудлигинин камина аҳқар ул — тул — лоб Амоний бал тақдир Арабоний табаррукан бир не — часини Жаноби Жаҳонофарин тавфиқи бирла риштаи таҳрирға дастабанд этуб, аҳли донишлар назарларига жилвагар этулди». Бу маълумотдан кўриниб турганидек, Амоний Фарғона водийсидаги ўз устозлари ва таниш шоирларнинг шеърларинигина баёзга киритган. Бундан ташқари Тошкентдаги ўзига таниш шоирларнинг айрим ғазаларини ҳам илова қилган.

Баёздаги шоирлар ва уларнинг шеърлари сони қуйидагидан иборат:

Ҳазиний, Ҳазин ал — Марғиноний (Амоний уни му — аллимимиз, муршидимиз, устозимиз, шайх ул — ислом номлари билан зикр этган), Маҳмуд Қори, Жомий, Ро — жий Марғиноний, Мискин, Ожиз, Шавкат, Мулла Мир Ҳайдар (Толий), Ҳажрий, Насимий Марғиноний, Анва — рий, Тажаллий, Сўфи Аллоҳёр, Муқимий, Бедил, Маж —

руҳи Ўшйй, Камий, Фузулий, Бегий, Дадажон Охунд, Машраб, Навоий, Нобий, Амир Умархон, Завқий, Зуҳу — рий, Чақичмон мадрасаси мударриси Махзум Тошкан — дий, Султон Аҳмадхон, Устод Андижоний, Тўлаганхон (тахаллуси Муҳтарам)<sup>1</sup>.

Ғазаллари кўпроқ киритилган шоирлардан бири, Амонийнинг устози ва пири Ҳазин (10 та ғазал), Рожий Марғинович (5 та), қолган шоирларнинг битта ёки ик — китадан ғазаллари киритилган. Амонийнинг эса 20 га яқин ғазал ва мухаммаслари мавжуд.

Амонийнинг мазкур баёзи Фарғона водийсида ижод қилган шоирларнинг ижодини ўрганишда катта қимматга эга. Негаки улардан кўпчилигининг номи ва ғазаллари бизга шу баёз орқалигина етиб келган. Баёзнинг тарих учун ҳам аҳамияти бўлиб, Амонийнинг «Аравон» ҳақи — даги шеъри 1912 йилдаги Аравон қишлоғининг тарихини ёритиб беради. Марғилондаги Хонақоҳ мадрасаси та — рихи ҳам шоирнинг Хонақоҳ шеърида ўз ифодасини топган.

## **АРАВОНГА ҚАЙТИШ**

Амонийнинг Тошкентда неча йил бўлгани аниқ эмас. Бироқ унинг 1919 йилда<sup>2</sup>, бошқа маълумотда эса 1920 йилларнинг бошларида Аравонга қайтгани айтилади<sup>3</sup>.

Аравонлик кексаларнинг айтишларича, Амоний Аравонга қайтгач, мактаб очиб, ўқитувчилик қилган. Ушбу сатрлар муаллифининг тоғаси Мулла Абдурашид Махсум Мулла Холмат ўғли Амоний қўлида ўқиган бў — либ, шоирнинг хислатлари ҳақида менга сўзлаб берган эди. Аравонда узоқ раислик қилган Аъзамхон раис ва Орифхонлар ҳам Амоний қўлида таълим олганлар Амо —

1. Амонийга замондош ва таниш бўлган бу шоирларнинг кўп — чилиги ҳақида «Тазкирани Қайюмий»да маълумотлар келти — рилган.

2. Ёқубов Т. Хуш қалам. «Дўстлик» рўзномаси, 1995 й., 10 апр.

3. Раимжонова Т. Тоғамиз ҳақида сўз // «Дўстлик» рўзномаси. 1997 йил, 12 апрель.

ний мактабда она тили, ҳисоб, география табиийёт ҳамда рус тилидан дарс берган. Тоғам Абдурашид Мах — сумнинг айтишича, Амоний ҳисоб дарсида рақамларни ҳавога ёзиб, қўшиш, олиш ва кўпайтиришни ўргатар экан.

Аравонда Дулдул Ота тоғи этагида Чорбоғ деган ажойиб боғ бўлиб, бу ерда янги артель очилганда Амо — ний жамоат йиғиладиган жойларни безаш ва шиорлар ёзишда ёрдам берган. Қиблагоҳим Маҳдум Василийнинг айтишича, бир куни Амоний лотин ва араб ҳарфларида шиор ёзади ва шиорни Аравоннинг марказий кўчалари — дан бирига осиб қўядилар. Шу куни тасодифан Тош — кентданми, Ўшданми комиссия келиб қолади ва шиорни ким ёзгани ҳақида сўрайди. Амонийнинг номини айт — ганларида, уни тезда қамоққа олинглар, қишлоқда яшайдиган одам бундай чиройли шиор ёза олмайди, бу одам Туркия агенти, деган экан. Шундан сўнг уни қа — маб қўядилар. Йўлдош Охунбобоев уни бўшатиб юбора — ди.

Қиблагоҳимнинг ҳикоя қилишларича, Йўлдош Охун — бобоев Амонийни Тошкентга таклиф қилиб, Навоий «Хамса»сини нашрга тайёрлашда қатнашишни илтимос қилади. Амоний: «Тўлиқ нашр қилинадими ёки қисқар — тирибми?», — деб сўрган экан. Й.Охунбобоев қисқар — тириб нашр қилинишини айтганда, Амоний: «Йўқ, мен Навоийнинг руҳидан кўрқаман» деб, таклифни рад этган экан.

Амонийнинг жияни Тўхтасин Ҳамроқуловнинг қизи шоира Турсуной Раимжонованинг айтишича, Амоний Аравонда ўқитувчилик қилиб, артель ишларида қатна — шишдан ташқари, ота касби аравасозлик билан ҳам шуғулланган. Айни пайтда шеърлар ёзиб, ижод қилишни ҳам ташламаган.

Амоний Аравонда икки марта уйланган. Бироқ ҳар икки хотинидан ҳам фарзанд кўрмаган.

Амонийнинг Аравонда Марямхон исмли сингиси бўлиб, адабиёт ихлосманди эди. Шеърларни мароқ билан ўқирди. Марямхон отиннинг қўшниси, Мулла Холмат қозининг хотини Тўти маълим бизга каттабуви бўлар

эдилар. Онам Биби Ҳамида ўз онасини кўриш учун Аравонга келар ва Марям отиннинг зиёратига кирарди. Мен у пайтда бошланғич синфда ўқир эдим. Онамиз билан бирга Марям отиннинг уйига кўп марта кирганман ва шеър ўқишларини эшитганман. Амонийнинг Марям отиндан туғилган жиянлари Жўрахон ва Тўхтасинлар яқинда оламдан ўтдилар. Уларнинг фарзандлари эса Аравонда яшамоқда.

Амоний Аравонда ҳам ижод қилишдан тўхтамади. Ўша пайтда Аравонда шеър ёзадиган ва бу соҳада Амоний билан ҳамкорлик қиладиган шоирлар йўқ эди. У Марғилондаги устозлари билан шеърый мактублар ёзишиб турди ва уларини Аравонга таклиф ҳам қилди.

Шундай устозлардан ҳамда давр авлиёларидан бири Домла Намангонийдир. Амоний уни «пири дастгири равшан замир, ҳазрати авлиё домлойи Намангоний» деб тилга олади. Бу авлиёнинг Аравонга келиши муносабати билан Амоний тожик тилида шеърый таърих ёзган. Шеър, жумладан, шундай бошланади:

Омад ҳазор жонам фидо шоҳаншаҳи рўйи замин,  
 Бар қасабаи ин хастагон ғавси замон шуд муқтарин.  
 (Ер юзининг шоҳаншоҳи бўлган зотга мингта жоним  
 фидо бўлсин,  
 Биз хасталарнинг қишлоғига бу замона ғавси  
 кириб келди).

Намангонийнинг Аравонга келган йили ҳақида қу—  
 йидаги байт гувоҳлик беради:

Аз руйи ин жуду карам таърихи ташрифам чунин,  
 Бошад Амон Қутби жаҳон гардид аз файз йақин.  
 (Бу саховат ва олиҳимматлик юзасидан бўлган  
 ташриф таърихи қуйидагича бўлди,  
 Эй, Амон, жаҳон Қутби файздан йақин бўлди.)

Байтнинг иккинчи мисраларидаги «бошад қутби жаҳон аз файз йақин»дан ҳижрий 1337, милодий 1918 йил чиқади. Бундан маълум бўлишича, Амоний 1917 йил—



йилги октябрь тўнгаридан сўнг Аравонга қайтган.

Амоний домлоий Намангоний вафотига бағишлаб, тожик тилида яна бир шеър ёзади. Вафот йилини қуйи — дагича кўрсатади:

Иснайн бувад ҳам арбаъийн сесад расо омад йақин,  
Бар фавти он пири ҳудо як алиф бар боло шуда.  
(Ҳақ йўл пирининг вафоти қирқ икки яна уч юз  
тўлиқдир,  
Яна унинг устига бир алиф ёки минг қўшилди.)

Бундан 1342 ҳижрий, 1923 милодий йил чиқади. Де — мак, Намангоний домла 1923 йилда Амоний Аравонда яшаётган пайтда вафот этган.

Амонийнинг «Фаргона мамлакатида ислом аҳлининг таназзулга юз тутиши» ҳақидаги шеъри ҳам 1342/1923 йилда ёзилган. Бу шеърда Амоний русларнинг Ўрта Осиёга бостириб келишини «Камоли зарар» ва мамла — катнинг қўлдан кетишини «шоҳ азиз, уламо хор» сўзла — рига қуйидагича яширган:

Будур аввалини таърихи «камоли зарар»,  
Ки эмди таърихи «шоҳ азиз, уламо хор».

«Камоли зарар»дан 1291 ҳижрий, 1874 милодий, «шоҳ азиз, уламо хор»дан 1342 ҳижрий, 1923 милодий йил чиқади. Амоний 56 мисралик бу шеърда ўтмиш хонла — рининг айшга берилгани, уламоларнинг бепарволигини қаттиқ танқид қилади.

Валек айшига мағрур учун беку хонлар,  
Тикилди давлати Фарғонага куффор.  
Муҳолиф бўлди мусулмон улуғлари ногоҳ,  
Ўзини хониға боғий бўлишди охири кор.

Амонийнинг таклифи билан Аравонга келган пир — лардан яна бири Искандан Халифа бўлиб, бу киши ас — лида Фарғонанинг Таҳтак қишлоғидан бўлган. Амоний уни «пири дастгири равшан замир, соҳиб ул — мақомот

ва — л — каромат» (қалби равшан, қўлловчи пир, каромат ва мақомотлар соҳиби) деб атайди. Амоний Искандар Халифанинг Аравонга келишига тожикча шеър бағиш — лаган. Унинг ёзишича, Искандар Халифа Жалолиддин Румийнинг «Маснавий» асарини изоҳлашда тенгги йўқ зот бўлган. Унинг Аравонга келган йили қуйидагича баён қилинади:

Сесаd марo бo чилу шaш будa йaқин аз гўфтуту,  
Тaърихи тaширифaш ҳазор oяд бa ин aхборҳo.  
(Унинг тaшриф йили минг бўлиб,  
Йнa уч юзгa қирқ олти экани сўзлашувдaн  
мaълумдир).

Бундан 1346 ҳижрий, 1927 милодий йил чиқади.

## **ДУДДУЛОТА ҲАҚИДАГИ АМОНИЙ ШЕЪРИ**

Аравон қишлоғи ёнида жойлашган тоғ қоясига эра — миздан аввал чизиб қўйилган ва Дуддулота деб номлан — ган жой ҳақида сўз кетганда, қиблагоҳим Восилий бу ер Дуддулот ва Дуддулота дейиштини айтган эдилар. Амо — ний девонини ўз хати билан кўчирган Маҳдум Восилий Амонийнинг Дуддулота ҳақидаги байтини ёзиб қўйиб — дилар. Амоний ўзининг бу шеърини шу ердаги гумбаз пештоқига хаттотлик услуби билан ёзиб қўйган экан. Шеър қуйидагича:

Қийла ҳозo мақдaми «aн лo фaтo иллa Aлий»,  
Гўфт баъзи кошифи асрор дигар як валий.  
(Айтишларича, бу ер Алининг қадамжойидир,  
Баъзи каромат соҳиблари эса бошқа валийнинг  
жойи дейдилар.)

Қиблагоҳим Маҳдум Восилий Амонийдан эшитган сўзларни бу ерда келтириб ўтадилар. Маълум бўлишича, бу ерда иккита катта қайрағоч бўлган. Амоний томони —

дан Аравонга таклиф этилган ва номи юқорида келтирилган Домлойи Намангоний ва Искандар Халифалар: «Бу ердаги иккита қайрағоч ўртасидан бир азизнинг руҳи кўринар экан», — деганлар. Шу сабабли бу ернинг номи аслида Дулдулот бўлган бўлса ҳам, кейинчалик Дулдулота номини олган.

## **ХИРАБЕККА ҚОЧИШ**

Амоний 1930 йили Аравондан чиқиб кетишга мажбур бўлди. Кексаларнинг айтишларига қараганда, Амоний ўша йиллари босмачиларнинг нойўриғ ишларини танқид қилиб, шеър ёзган экан. Ўша пайтда Аравонда ва, уму — ман, Ўш атрофида босмачи гуруҳлари кучайиб қетган эди. Холхўжа Эшон, Соиб қори, Фаффор, Қозоқ, Йўлчи кўрбоши, Оқ Шермат ва Қора Шерматларнинг ҳовли — жойлари Аравонда эди.<sup>1</sup> «Қутлуғ йўл» китобида ҳамда Т.Ёқубовнинг «Дўстлик» газетасидаги мақоласида ёзилишича, Амоний Йўлдош кўрбошининг таъқиби сабабли қочишга мажбур бўлган.

Амоний бу гал Марғилонга эмас, балки Андижон яқинидаги Хирабек қишлоғига борган. Унинг бу ерга келиб қолиши номаълум. Шоир «Улфатим» номли газа — лида қийин аҳволда қолгани, охири Хирабекдаги Садда — таги маҳалласидан паноҳ топганини қуйидагича ифода — лайди:

Мандаги ҳижрону ғам, ўзум билурман, кўб алам,  
Кўнглима қил сифмагай, бемордур ҳар бир этим.  
Охири бошим силаб Саддатаги берди паноҳ,  
Уммидим ёнса мани бу истиқоматдин ўтим.

Хирабек аҳли шоирга ёқиб қолади, ҳатто у хирабек — ликларнинг «хокипойи»ни ҳам ўпишга тайёр эканини ёзади:

---

<sup>1</sup> Қутлуғ йўл. Аравон туманига олтимиш йил. Нашрга тайёрловчи А.Маннонов.

Хирабек аҳлидек арвоҳлари манга ёқиб,  
Илтифот айлаб алар бўлди мураббий улфатим.  
Шул сабабдан мен аларни хокипойини ўпиб,  
Жилмадим то ушбу дам бўлмай ижозат рухсатим.

Шоир Водилий ал – Фарғонийга ёзган шеърий мак –  
тубида ҳам:

Саддатаги Хирабекда бир кўча,  
Номидур Анжонга тобеъ ўзгача, –

деб ёзади.

Шоир Хирабекда яшаб туришининг сабабини ту –  
шунтирар экан, бу ер нисбатан хавфсиз ва беҳадик эка –  
нини ёзади:

Мен қаноат қилганимдан Хирабек,  
Бўлди андак манга ул ер беҳадик.

Гарчи Хирабек одамлари яхши бўлиб, шоир бу ерда  
бироз «беҳадик» яшаса – да, барибир ўз олдига қўйган  
мақсадларига ета олмаётганини устози Водилий ал –  
Фарғонийга қуйидагича баён қилади:

Гарчи шундоғ бўлса ҳам бу ер аро,  
Ҳожатимдан биттаси эрмас раво.

Амоний Аравонда икки марта уйланса – да, бироқ  
фарзанд кўрмагани тўғрисида ёзган эдик. Шоир бу ҳо –  
латини «Ёлғуз» номли шеърида шундай ёзган эди:

Тамоми шаъним ичра базму хайрийят ва ё фарзанд,  
Нишоним йўқ, ўлум келса, бўлурманму фано ёлғуз.

Амоний Хирабекда уйланади. Мен бу ҳақда аввало  
қиблагоҳим Махдум Восилийдан эшитган эдим (бу ҳақда  
қуйироқда гапирамиз). Иккинчи маротаба Тошкентда  
Салоҳиддин қори (шоир Салоҳий) дан эшитганман. Бу  
ҳақда тўлиқроқ ёзиш ва менга яқин бўлган кишилар –  
нинг ҳурматини жойига қўйишни ўзимнинг бурчим деб  
биламан. Бунинг тафсилоти қуйидагича:

– 20 –

1963 йили ТошДу Шарқ факультетига ўқишга кирдим ва Ҳусанхон исмли йигит билан бир бўлимга тушиб қолдим. Ҳусанхон бир куни мени Самарқанд Дарвозадаги ҳовлиларига олиб борди. Кичкинагина бир ҳовличага кирдик. Гуллар орасига ёғоч сўри қўйилган, атрофга сувлар сепаб қўйилган, ҳовлининг уч томонида эса учта эшик бор эди. Эшикларнинг биридан новча, басавлат, нуроний бир киши чиқиб келди. Ҳусанхон дадам деб таништирди. Қолган икки эшиқдан икки эркак чиқиб келди. Булар амакиларим, деб таништирди Ҳусанхон. Яна иккита ёшроқ киши ҳам кириб келди. Акаларим, деб таништирди дўстим.

Ҳаммамиз сўрига жойлашдик. Бир – икки пиёладан чой ичиб бўлган эдик, кўча эшиқдан бир киши кириб кела бошлади. «Қори ака келяптилар» деб ҳамма ўрнидан турди. Кўришдик. Шунда Ҳусанхонлар оиласининг қои – дасига тан бердим. Мени келди деб эшитиб, ёшлигимга қарамай, шунча одам йиғилган эди. Қори ака деб ҳур – матланган киши мендан:

– Қаердан бўласиз? – деб сўради.

– Марҳаматдан, – дедим мен.

Қори ака бироз ўйланиб турди – да, сўзга тушди:

– 1930 йиллар атрофи бўлса керак. Аравонда бир улуғ олим киши бор эди. Исми Мулла Холмат бўлиб, бир вақтлар қози ҳам бўлган эди. Бир куни илм мажлиси уюштириб, атрофдаги энг кучли муллаларни чақиртирган эди. Мен жуда ёш эдим. Устозим билан бордим. Йиғинда араб тилидаги бир китоб ўқилди. Баҳсли жумла чиқиб қолди. Ҳеч ким ечолмади. Андижондаги мадрасанинг бош мударриси Бургут Маҳдум ҳам бор эди. Шунда Бухорода таҳсил кўрган бир ёш йигит ўша баҳсли жумлани ечиб берди. Барча унинг илмига ҳайрон қолди. Ўша йигитнинг номи Ҳасанжон Маҳдум эди. Шундан сўнг мен у кишини кўрмадим, бироқ Марҳаматда деб эшитиб юрардим. Ўзимча, агар шу одам тирик бўлса, ҳозир бутун вужуди илмга тўлиб кетган, ҳозирда унинг олдига тушадиган одам бўлмаса керак, деб ўйлаб юраман. Сиз ўша одамни танийсизми?

— Сиз айтган ўша Бургут Махдум менинг амаким, Ҳасанжон Махдум эса дадам бўладилар, — дедим.

Салоҳиддин қори ака ирғиб ўрнидан турдилар. Дас — турхонни босганича олдимга ўтиб, мени кучоғига олиб, юзимдан ўпиб, қайта кўришдилар. Сўнг Қори ака чо — понларининг ички чўнтақларидан бир китобни чиқар — дилар. Қори ака янги ғазалларини шу китобга ёзиб юрар эканлар. Янги ғазалларини ўқиб бердилар. Навбат Ҳу — санхоннинг амакиларига келди. Икки амаки ҳам ёнидан муқовалаб, китоб шаклига келтирилган дафтарларидан янги ғазалларини ўқиб бердилар.

Орага бироз жимлик тушгач, мен Қори акадан:

— Амоний деган шоирни танирмидингиз? — деб сў — радим.

— Амоний бал тақдири Арабонийними? — дедилар Қори ака, — Амонийни Хирабекда биз уйлантирганмиз. Сиз уларни қаёқдан биласиз?

Бу воқеа эсимга тушар экан, Амоний Салоҳиддин қори акадек дўстлари бўлгани учун ҳам Хирабекка бор — ган бўлса керак, деб ўйлаб қоламан. Мен ўша пайтда Амоний ҳақида ёзишни хаёлимга ҳам келтирмаган эдим, йўқса, барча тафсилотларни сўраб, билиб олган бўлар — дим.

Бу учрашувдан аввал дадам Махдум Восилий Амо — нийнинг Хирабекада қизи борлигини гапириб берган эдилар. Т.Раимжонова «Тоғамиз ҳақида сўз» деган газета мақоласида Амонийнинг Хирабекда Адолат номли қизи борлиги ва у ҳозир Жалолқудуқ туманига келин бўлиб тушгани ҳақида хабар беради.

Амоний Хирабекда яшаб турганда ҳам ижод билан шуғулланди. Айниқса, у пири ва устози Муҳаммад Юсуфхон Ҳазин билан шеърый ёзишмалар олиб борган. «Танқидот»га кирган айрим ғазаллари ҳам Хирабекда ёзилган эди.

## **АМОНИЙНИНГ ВОСИЛИЙ БИЛАН МУНОСАБАТИ**

Биз бу мақоламизда Махдум Восилий ҳақида кўп эсладик. Восилийнинг ўзи ким эди? Шу ҳақда бироз маълумот бериб ўтмоқчимиз.

Махдум Восилий ал — Марҳаматийнинг тўлиқ исми Мулла Ҳасанхон Махдум ибн Мулла Муҳаммад Иброҳим бўлиб, 1898 йили Мингтепа (ҳозирги Марҳамат тумани) — нинг Қорабоғиш қишлоғида таваллуд топган. Отаси араб ва форс тиллари билимдони бўлиб, шеърлар ёзиб турган ва бир мунча муддат Мингтепада қозилик ҳам қилган. Акаси Бургут Махдум (Мулла Муҳиддин) Андижон мадрасасининг бош мударриси эди. Восилий аввало Андижон ва Марғилонда таълим олиб, сўнг Бухорода Мир Араб мадрасасида таҳсил кўрган. Бухоро Амрининг қулаши сабабли Бухорода ўқишлар тўхтагач, Марҳаматга қайтиб келади ва бошидан кўп қувғинларни кечиради. Акаси эса Қашқарга қочишга мажбур бўлади.

Араб, форс ва туркий тиллар билимдони, Қуръон, тафсир, фикҳ, тасаввуф, табобат ва адабиётни мукамал эгаллаган ва ёш бўлса — да, аҳли илмлар орасида ўзининг чуқур билими билан шуҳрат қозонган Махдум Восилий Аморий Арабий билан Аравонда танишади. Аморий Восилийни жуда ёқтириб қолади ва тез — тез Восилий — нинг ҳузурига Марҳамат қишлоғига келиб, суҳбатлашиб кетар эди. Аморий бу ердаги аҳли илмлар билан ҳам танишади. Мен қиблагоҳим Махдум Восилийнинг қўлида Аморийнинг ўз қўли билан ёзилган бир шеърий рисола — сини кўрган эдим. Афсуски бу рисоланинг ҳозирда қай ерда экани номаълум. Унда Махдум Восилийга аталган бир маснавий ҳам бор эди. Бундан ташқари, яна шу ерда яшовчи аҳли илмлардан Хўжамберди Қори, Мулла Аҳмадали, Абдулла Ҳожи, Мулла Абдумуталиб, Холвой Сўфиларнинг номлари ҳам зикр қилинган эди. Аморий мазкур рисола қиблагоҳимга топширар экан: «Эй Махдум, мен бу рисолада Хўжамберди Қори, Мулла Аҳмадали ва бошқаларни васф этдим, токи улар сиздан

дўстлик ишларини узмасинлар, сиздек улуғ уламога ҳа — миша ҳамдард ва кўмакчи бўлсинлар!» — деган экан. Ҳақиқатан ҳам, Хўжамберди Қори ва Мулла Аҳмадали — лар Восилийга кўп яхшилик қилганлар. Бироқ орага гап ташувчи ифвогарлар тушиб, бу қадрдон дўстларнинг орасини буздилар ва мустаҳкам дўстликни абадий душ — манликка айлантирдилар. Умидимиз шулки, уларнинг ҳозирда яшаб турган авлодлари орасида фақат дўстлик бўлиши, орадаги барча гина — кудуратлар кўтарилиши керак.

Восилий кечалари ухламай, риёзат чекар ва авлиёлик илми билан шуғулланар эди. Унда одамларни тасарруф қилиш (ўз измига солиш) қуввати бор эди. Одамлар унинг ҳузурига тинимсиз ошиқар, олдиан кетолмай, соатлаб ўтиришар эди. Сўзим қуруқ бўлмаслиги учун бир — иккита мисол келтирмоқчиман.

Аравоннинг Чекобод қишлоғида яшовчи қадрдон биродаримиз Фатҳулла Махсумнинг ўғли, шу ердаги Жоме мачитининг имом хатиби Мулла Зайнобиддин ҳикоя қилади: «Ўн икки ёшда эдим. Тасодифан икки оё — гим шал бўлиб қолди. Дадам машинда Маҳдум тоғамнинг (яъни Восилийнинг) ҳузурига олиб борди. Тоғам дуо ўқиб, дам урдилар. «Ана энди ўрниингиздан тураве — ринг», — дедилар. «Туролмайман, оёғим ишламайди», — дедим. «Йўқ, туринг», — дедилар. Оёғимни қимирлатиб кўрдим. Қарасам, ишляпти, дарҳол ўрнимдан турдим».

Марҳаматнинг Али Тепа қишлоғида яшовчи, қибла — гоҳимнинг жияни Исҳоқжон Ҳожи ҳикоя қилади: «Қишлоқда яшовчи оқсоқоллар: «Тоғанг Ҳасанхон Мах — думни олиб келсанг, сўрайдиган нарсаларимиз кўпайиб кетди», — деб қолишди. Зиёфат ташкил қилиб, тоғамни олиб келдим. Йигирмадан ортиқ оқсоқоллар йигилди. Шўрва берилди, орқасидан ош ейилди. Зиёфат тутади. Ҳеч ким савол бермади. Кўчага чиққач, оқсоқоллар — дан: «Нега ҳеч ким савол бермади?» — дедим. Оқсоқол — лар: «Биз савол бермай туриб, барча жавобни айтиб кўйди» — дейишди.

Яқинда Марҳаматга борган эдим. Менинг келганимни эшитиб, қиблагоҳимнинг ҳузурига кўп бўладиган чеко —



бодлик уста Ҳабибулла келиб қолди. Суҳбат орасида: «Мен Махдум тоғамнинг кўп сирларини билар эдим», — деб қолди. «Қани, бирортасини айтинг — чи», — дедим унга. «Уш билан Аравон орасида Гулбахор деган жой бор, — деб ҳикоясини бошлади Ҳабибулла. — У ерда бир тожик домла яшарди. Ўзини барча домлалардан устун деб биларди. Унга Махдум тоғам ҳақида гапирсам, эшиттиси ҳам келмасди. Охири бир куни: «Мен сенга учта савол ўргатаман, ўша мақтаган домлангга бориб айт, тўғри жавоб берса, тан оламан!» — деди.

Учта савол билан домланинг олдиларига бордим. Чой ичдик, овқат едик. Ўтириш ҳам поёнига етди. Бироқ, сизни синаш учун фалончи учта савол айтиб юборди, дейишга ҳаддим сифмади. Шу пайт домла: «Хуш, қани гапиринг» — дедилар. Мен, ҳеч қандай гапим йўқ, деб туравердим. Домла чуқур бир нафас олдилар — да, биринчи саволимга жавоб айтдилар. Сўнг яна кўзларини юмганларича, бироз жим қолиб, иккинчи саволга, шу тартибда учинчисига ҳам жавоб бердилар. Сўнг дуо қилиб, кетишга рухсат бердилар.

Учта масаланинг жавобини тожик домлага етқиздим. У ҳайрон қолиб: «Мени домланинг олдига олиб бор» — деб туриб олди. Бошқа пайт уни олиб бордим. У умрининг охиригача Махдум тоғамга мухлис бўлиб қолди. У шундай кўп масала сўрар эдики, охири Махдум тоғам унга «Масала домла» деган лақаб қўйди ва у шу ном билан машҳур бўлиб кетди.

Бундай воқеаларни кўплаб келтириш мумкин. Мен улардан айримларини қиблагоҳим ҳақида ёзган «Обиҳаёт томчилари» китобимда келтирганман. Бу китоб «Тошкент оқшоми» газетаси саҳифаларида босилиб чиққан. Ҳозир эса унинг давомини ёзмақдаман.

1930 йилдан кейинги алғов — далғов йилларида Во — сирий тез — тез маконини ўзгартиришга мажбур бўлган. У Аравонда, Булоқбошида, Асакада яшади. Катта акам Абдулҳай Булоқбошида, олам Маърифатхон Асакада, акам Муҳаммадхон, мен ва синглим Каримахон Марҳаматда туғилганмиз. Қиблагоҳимиз юқорида номи зикр қилинган Хўжамберди Қори воситасида Марҳамат қиш —

лоғига келиб, ҳозирда Маҳдум Восилий номи билан ата — лаётган 6 — кўчада кўним топди. Бу ерда ҳам бошидан кўп можаролар ўтишига қарамай, ижодий иш билан шуғулланди. Фикҳ (ислом ҳуқуқшунослиги), тарих, та — бобат, одоб — ахлоққа оид 30 дан ортиқ асарлар ёзди. Араб тилидаги асарларни таржима қилди, уларга шарҳ ёзди. Баёзлар тузди ва ғазаллар ижод қилди.<sup>1</sup>

Маҳдум Восилий шундай ҳикоя қилган эди: «Жази — рама ёз пайти. Нонвойхонада ишда эдим. Меҳмонхонани янгилаш учун томини очиб юборган эдим. Фақат тўрт девори қолган эди. Амоний келибди. Қараса, меҳмонхо — нанинг томи йўқ, Арра олиб, кўчада ўсиб ётган тол шохларини кесибди. Девор устига ташлаб, соя қилибди ва менинг келишимни пойлаб ётибди. Шу куни ётиб қолди. Мириқиб суҳбат қилдик».

Восилий ўз ҳузурига келган кишиларга Амонийнинг шеърларидан ўқиб берар эдилар. Айниқса унинг ҳаж ҳақида ёзган шеърини умрининг охиригача ўқиб юрди — лар. Бу ғазални ҳар гал ўқиганларида йиғлар эдилар ва ҳажга бора олмаётганликларидан афсус чекар эдилар. Бу шеърни кўп ўқиганларидан ҳатто менга ва қиблагоҳим — нинг баъзи яқинларига ёд бўлиб кетган эди. Шеър қу — йидагича бошланар эди:

Бўлурму бу қаро юзни сураб кунлар манга Аллоҳ,  
Ҳабибинг равзасиға айланиб астори Байтуллоҳ,  
Карам айлаб ҳарам сори очиб асрори бу йўлни,  
Чиқар остонадин манга бериб ҳиммат Таъололлоҳ.

Ҳа, Маҳдум Восилий ал — Марҳаматий ўзидан ўттиз ёшлар чамаси катта бўлган дўсти Амонийга ҳақиқий садоқат кўрсатди. Унинг девонини ўз қўли билан эринмай кўчириб олди. Қўлингиздаги китоб эса ана шу қўлёзма девон асосида дунёга келди.

---

<sup>1</sup> Ижоди ҳақида тўлиқ маълумот олиш учун қаранг: Маҳдум Восилий. Марҳамат илҳомлари. Имом ал — Бухорий халқаро жамғармаси. Тошкент — 2002.

## АМОНИЙНИНГ ШЕЪРИЙ МЕРОСИ ҲАҚИДА

Амонийнинг илк шеърлари 1912 йилда ўзи томонидан тузилган «Баёзи маҳбуб ал — маҳбуб»га киритилгани ҳақида гапириб ўтдик.

Амоний ёзган шеърларини тўплаб, 1942 йилда бир мажмуа тузди. Араб ҳарфларида ёзилган бу мажмуага илк шеърларидан тортиб, то умрининг охиригача ёзган шеърлари киритилган. У икки қисмдан иборат бўлиб, биринчи қисми «Танқидоти Амоний Арабоний» («Амоний Арабонийнинг танқидий шеърлари») деб аталади. Иккинчи қисми эса «Матлаб ул — анвор» («Нурларни талаб қилиш жойи») деб аталган.

Бу мажмуа ҳақида менинг қиблагоҳим Маҳдум Во — сийий 1960 йиллар бошида хабар топади. Мажмуа Амонийнинг Хирабекда яшаётган қизи кўлида сақланар экан. Қиблагоҳим андижонлик дўстлари орқали 1965 йилда мазкур қўлёзмани бир ой муддатга олишга муваффақ бўлган. Мен шу йили ТошДу Шарқ факультетининг 2 — курсини битириб, таътилга келган эдим. Қиблагоҳим шеърларни ўз хатлари билан кўчириб олаётган экан. Бироқ вақтлари кам бўлиб, тирикчилик ўтказиш учун шоли экиш билан шуғулланар эдилар. Кўчириш узоққа чўзилгани сабабли Хирабекдан уни олиб кетиш учун бир неча марта одам келган бўлса ҳам, қиблагоҳим ҳар гал яна биров чўзишни илтимос қилар эди. Охири уни 1965 йилда тўлиқ кўчириб олишга муваффақ бўлдилар.

Амонийнинг бу мажмуага кўпгина ғазалларни киритган бўлиб, уларнинг ёзилган саналари кўрсатилмаган. Девоннинг Андижонда бунёд қилингани ҳисобга олинса, ғазалларнинг кўпи унинг Андижондаги Хирабек қишлоғида яшаган даврига тўғри келади, дейиш мумкин. Унда Аравонда ёзган ғазаллари қаерда бўлиши мумкин?

Амонийнинг жияни Тўхтасин Ҳамроқуловнинг қизи Турсуной Раимжонованинг ҳикоя қилишича, 1930 йилнинг бошида Амоний китобларини синглициникига келтириб, жияни Жўрахон билан бир тоқча тагини бир метрча пастга ўйиб, китобларни жойлаган. Сўнг лой билан суваб, яхшилаб бекитиб қўйган. Шундан сўнг Анди —

жонга кетган. Турсуной токча ичидаги китобларининг талон—тарож қилиниши ҳақида шундай ёзади: «40— йилларда Андижон, Фарғона ва Тошкент адабий муҳи— тида Амоний Арабоний ижодига қизиқиш пайдо бўлган. Адабиётшунослар Хирабеқда ва Аравонда бўлишиб, шо— ир асарларини қидиришган. Дадам ёш бўлгани учун олимларнинг ваъдаларига ишониб, токчани очган. Шу йўл билан бу ердаги қўлёзма ва босма китоблардан аж— ралиб қолганмиз».<sup>1</sup> Бу китоблар ичида Амонийнинг шеърлари бўлганми, бу ҳақда бир нарса дейиш қийин. Бироқ, Аравонда ҳақиқатан унинг бошқа бир қўлёзма девони бўлган. Унинг тақдири ҳақида қуйироқда сўз— лаймиз.

Амоний Хирабеқда тузган девонининг охирида араб тилида кичкина бир хотима ёзган бўлиб, унда Худодан мазкур нусхани катта—кичикка мақбул қилишини тилайди ва 1261 ҳижрий (1942 милодий) йили тутатгани ҳақида ёзади.

Хотима сўнггида девонни кўчириб олган ал—Махдум ал—Восилий ал—Марҳаматийнинг изоҳи ҳам бўлиб, Восилий мазкур нусхани Амонийнинг ўз қўли билан ёзил— ган нусхадан кўчириб олгани, Амонийнинг Хирабеқда поезд уриб юбориши туфайли вафот этгани ҳақида ёзиб, нусха кўтарган йилини 1385/1965 йил деб кўрсатган. Амонийнинг қўлингизда турган шеърлари Махдум Восилий нусхаси асосида нашр қилинди.

Амоний девонининг бир қисми «Матлаб ул—анвор» («Нурларни талаб қилиш жойи») деб аталади. Бу қисмда Амоний ўз устози Водилий ал—Фарғоний билан ёзиш— маларини келтирган.

## **АМОНИЙНИНГ ЯНА БИР ДЕВОНИ**

Қиблагоҳим Махдум Восилийнинг шеърларини нашрдан чиқариб бўлгач<sup>1а</sup>, энди қиблагоҳимнинг яқин

<sup>1</sup> Раимжонова Т. Тоғамиз ҳақида сўз. «Дўстлик рўзномаси». 1997 йил, 12 апрель.

<sup>1а</sup> Қаранг: Махдум Восилий. Марҳамат илҳомлари. Имом ал—Бухорий жамгармаси. 2002 йил.

биродари — Амонийнинг ҳам шеърларини нашрга тайёрлашга бел боғладим. Унинг девонини нашрга тайёрлаш жараёнида шоир ҳақида қўшимча маълумотлар йиғиш учун Аравонга бордим ва қадрдон биродарим ва кудам Мирзаматхон ҳожи Музаффаров билан учрашдим.

Мирзаматхоннинг ҳикоя қилишича, унинг Жўраҳон исмли тоғаси бўлиб, 1920—40 йилларда раҳбар ишларда ҳамда милицияда фаолият кўрсатган экан. Одамларга яхшилик қилиши билан кўпларнинг ёдида из қолдирган бу кишининг қўлида Амонийнинг қўлёзма девони сақланган бўлиб, Андижон Давлат педагогика институтидан бир домла келиб, девонни бериб туришни сўраган экан. Жўраҳон тоға беришга рози бўлмаган. Шунда ўша пайтда раҳбарлик лавозимида ишлаётган Тўхтасин Ёқубовни восита қилиб, бир ҳафтага сўраб олган. Ҳозир орадан 30 йилча ўтиб кетса ҳам девонни қайтармаган экан.

Мирзаматхон билан ҳозирда нафақахўр Т.Ёқубовнинг уйига бордик. У ҳақиқатан ҳам Андижон педагогика институтининг ўқитувчиси Н.Қобуловга қўлёзмани бир ҳафтага олиб берганини, бироқ ўша ўқитувчи қўлёзмани қайтармаганини айтди. «Амоний девони Аравондан топилди деган хабар Аравон аҳли учун қандай яхши бўлар эди», — дейишдан бошқа сўз айтолмадим. Т.Ёқубов Амоний ҳақида Аравондаги «Дўстлик» газетасида чиққан мақоласини ҳамда Аравоннинг 60 йиллигига бағишланган бир китобни туҳфа қилди. Мақолада ҳам, китобда Амонийнинг девони ҳақида лом—лим дейилмаган эди.

Аравонда Амонийни таниган бир неча кишилар билан суҳбатлашдик. Амонийнинг авлодлари ҳақида суриш—тирдим. Шоирнинг жиянлари Жўраҳон ва Тўхтасинларнинг оламдан ўтганини айтишди. Тўхтасин аканинг Турсуной исмли кизи бўлиб, болалар боғчасининг муди—раси экан. Уни топиб гаплашдик. Яхшигина шоира экан. Аравон «Дўстлик» газетасида чиққан «Тоғамиз ҳақида сўз» номли мақолчасини совға қилди.

Эртасига Аравон туманининг Чекобод қишлоғида

яшовчи, қадрдон биродарим, олий ҳиммат ва олийжаноб инсон Фатҳулла Махсум ҳамда Мирзаматхон билан Андижонга жўнадик. Мақсадимиз Хирабекка бориш, Амонийнинг қизини топиш эди. Андижондаги Гиштли Мачитнинг имом хатиби Сайфиддин ҳожини топдик ва ундан давримизнинг йирик тарихчи олимларидан бири, ажойиб тарихий асарлар муаллифи Сайфиддин ҳожи Жалиловни топиб беришни илтимос қилдик. Сайфиддин Жалиловга фикримизни айтган эдик, у: «Мен Амоний билан 1943 ёки 1944 йилда дала шийпонида учрашганман, ёш йигитча эдим, бригадада ҳисобчи эдим, Амоний «Худодан қўрқ» деган шеърини ўқиб берган, шеърнинг охирги мисрасида «Худодан қўрқ» сўзи тўрт марта так – рорланади» – дедилар. Сўнг: «У кишини Амонхон Махсум дейишарди, катта табиб ҳам эди», – деб қўшиб қўйди. Амонийнинг махсум ҳам, табиб ҳам бўлмаганини аниқ билар эдим. Бу сўзга унча ишонмадим. Бироқ Амонийнинг шеърларини нашрга тайёрлаётганимда «Худодан қўрқ» газали бор эканини кўрдим. Орадан бироз вақт ўтгач, Сайфиддин ака «Ибн Сино издоши – Амонхон Мақсум» деган бир китобчани Тошкентга тақризга юбордилар. Сайфиддин ака айтган табиб Амоний Арабий эмас, балки бошқа бир Амонхон Мақсум деган киши экани маълум бўлди.

Сайфиддин акадан Амонийнинг девонини омонатга олган Н.Қобулов ҳақида сўрадик. У одам бундан анча йиллар аввал Тошкентга кўчиб кетгани, бир неча йил аввал вафот этгани, Тошкентда хотини яшаётгани ҳақида гапириб бердилар. Амонийнинг Хирабекдаги авлодлари ҳақида маълумот йиғиб беришни ҳам ўз зиммаларига олдилар.

## **МАЗКУР НАШР ҲАҚИДА ИККИ ОФИЗ СЎЗ**

Аравонда Фатҳулла Махсум ва Мирзаматхон ҳожи билан Амонийнинг девонини қандай нашр қилиш ҳақида бош қотира бошладик. Девонни чиқариш учун ўз маб –

лағи билан ёрдам берувчи ҳомий керак эди. Мирзаматхон Аравон Жоме мачитида жума куни Амоний ҳақида ваъз қилишни ва бадавлат кишилардан хайрия сўрашни таклиф қилди. Охири Аравон туман ҳокими олдидан ўтишга қарор қилинди. Учовлашиб ҳоким ҳузурига кирдик. Хурсанд бўлиб кутиб олди ва маънавий жиҳатдан қўллаб қувватлади.

Нашрга тайёрловчи Амоний шеърларини чиқаришда ёрдамларини аямаган Аравон туман ҳокими Саҳобиддин Турғуновга, тадбиркор Қосимжон Мадраҳимовга, мазкур ишда бош-қош бўлган Мирзаматхон Ҳожига, олижаноб инсон Фатҳулла Маҳдумларга ўз миннатдорчилигини билдиради.

# «БАЁЗИ МАҲБУБ АЛ—МАҲБУБ» ДАН

## АРАВОН ҲАҚИДА

Қарйамиз бир балдадурким, сўрсангиз, эй ёрлар,  
Ҳар тарафга жорийдур, жаннат каби, анҳорлар.

Қудратидин келди тарҳи бир ажаб воло мақом,  
Бул сабабдин рашк этар оламдаги амсорлар.

Ҳайъати бўлган муқобил, исмидур Обиравон,  
Зийнати Боғи Эрамга, ҳар тараф ашжорлар.

Неча бузруглар ичида ё Сулаймон тоғидек,  
Кўб мужовир қарйамизга фойиз ул — анворлар.

Сайр этиб Сайёралар, бу балдага айлаб салом,  
Таъзим айлар ҳар куни кўқдаги анворлар.

Аҳли душман устидин бул балданинг ҳифзи учун,  
Санги қудратдин ясалгон тўрт тараф деворлар.

Ҳокимидур балдамизни Мулла Мансурқул бўлис,  
Адлидин бўлган мусаххар жумлаи айёрлар.

Ислом обод ўлса эрди шаҳ Абулғозий каби,  
Қилғай эрди рубъи маскун<sup>1</sup> ҳукмида иқрорлар.

Давлату умрига, ё Раб, бермагил ҳаргиз завол,  
Деб, ҳамиша айларам аз таҳти дил такрорлар.

Кам эрур, Валлоҳу аълам, шаҳримиз бежолари,  
Жумласи аҳли муҳаббат, толиби дийдорлар.

---

<sup>1</sup>. Рубъи маскун — Ернинг одам яшайдиган қуруқлик қисми.



Балдамизни қилма таҳқир сан каби деб, кир чопон,  
Ағниёлик бобида кўб Хожай Аҳрорлар.

Йўқ анонийят аларда, жумласи зу – л – эҳтиром,  
Аҳли рифъат, пок тийнат ул шакар гуфторлар.

Айш ила ишратлари маъмурчилик бирла мудом,  
Дону ғалла бирла тўлган хонаю анборлар.

Ранг – баранг айлар иморат шаҳнишини шоҳвор,  
Ҳар нечук ишларга моҳир бор эрур нажжорлар.

Сақла, ё Раб, минг балодин балдамизни аҳлини,  
Айла сихҳат гар алардин бўлса ҳар беморлар.

Бор эрур бўлган бино бир Мадраса олий макон,  
Жонишин ҳоло ичида бир неча ахёрлар.

Нақш ўлуб тоқу равоқи таркибидин доимо,  
Сарнигун таъзим учун бу гунбази давворлар.

Юз шукр даргоҳиға, кўб шаҳримизнинг фозили,  
Аввало устодуно<sup>1</sup> алломаи бисёрлар.

Вожаб чандони йўқ тарбийяти аҳлиғаким,  
Йўқса, бўлмасму мударрис ушбу файзосорлар.

Хокисору камтарину аҳқар ут – туллоби<sup>2</sup> биз,  
Борми ҳад қилсам алар васфини мен изҳорлар.

Юз шукрим, балдамизнинг толиби кўбдур, вале,  
Бордур андак бир – бириға кийнаву озорлар.

Саъй этуб манзилға еттиким, алардин нечаси,  
Ҳар нечук ҳам бўлса топти маънидин ахборлар.

---

1. Устодуно – устозимиз, Аманий Аравон мадрасасидаги ўз  
устозига ишорат қилмоқда.

2. Аҳқар ут – туллоб – талабаларнинг ҳақирроғи.

Бер ҳидоят роҳидин тавфиқ ила Парвардигор,  
Бўлсин охир бир — бирига гўйиё дилдорлар.

Ё Илоҳий, тай қилиб авжи фано филлоҳ мақом,  
Ҷам фариди даҳр бўлсун чанбарак дасторлар.

Эй Амоний, беибо сан, катталарни доманин,  
Ушлаюрсен, ҳозир айт олдида истиғфорлар.

### АМОНИЙНИНГ ЗУҲУРИЙ<sup>1</sup> ҒАЗАЛИГА МУҲАММАСИ

Келди ҳижрон ғамлари душвор, ўргулсун қулинг,  
Ол жамолинг пардасин бир бор, ўргулсун қулинг,  
То кўруб бир йўл ўлай, эй ёр, ўргулсун қулинг,  
Жумла жон бўлсин фидо ашъор, ўргулсун қулинг,  
Тобакай бўлғум жудо ман зор, ўргулсун қулинг.

Эй пари, боқ бир йўли, йўқса бўлур ҳолим табоҳ,  
Найлайин, сўрмай мани қилсанг ситам, эй подшоҳ,  
Келмасанг кулбам сари ҳолинг қалай деб гоҳ — гоҳ,  
Мунча ҳам туштум жудо васлингга етмай, оҳ — воҳ,  
Ё топилди мадин ўзга ёр, ўргулсун қулинг.

Қоматингни кўрса ул дам лол ўлур жумла башар,  
Қил тараҳҳум, кел бери, эй соҳиби шамсу қамар,  
Сурмасам, жоним ука, гул юзларинг бир йўл агар,  
Ичганим захру алам, чеккан фиғоним ҳар саҳар,  
Ўлмаза ҳаргиз санга изҳор, ўргулсун қулинг.

Эй Амоний, ёрдин хатти баротин бўлмаза,  
Ҳар куни жабрин чекиб, ҳеч бир нажотин бўлмаза,  
Мунча ҳам меҳнат билан яхши сифотин бўлмаза,  
Бу Зуҳурий деб қулингга илтифотинг бўлмаза,  
Бу на зулму жабр ила озор, ўргулсун қулинг.

---

<sup>1</sup> Зуҳурийнинг тўлиқ исми Мулла Зуҳуриддин ибн Мулла Муҳаммад Мусо қори бўлиб, Амоний тузган баёз шу шоир — нинг харажати билан чоп қилинган.

## ҲАЗИНИЙ ҲАЗАЛИГА МУҲАММАС

Жон берай деб толиби жонона бўлсам кошки,  
Икки дунёдин кечиб мардона бўлсам кошки,  
Ишқининг водийсида ҳайрона бўлсам кошки,  
Мисли Мажнун, Лайлидек девона бўлсам кошки,  
Ёр учун олам аро афсона бўлсам кошки.

Раҳм этиб мен хастага бир олмаса юздин ниқоб,  
Оҳким, ҳижронида, кўргил, мани бағрим кабоб,  
Ташналар бўлдим, нетай, бир йўл мани айлаб итоб,  
Дайр аро пири муғон мен телбага сунса шароб,  
Бода нўши сокини майхона бўлсам кошки.

Ҳасрато, бағрим эзилди фўрқатидин нўш этиб,  
Чиқмаган жоним мани минг кулфатидин нўш этиб,  
Кетидим бир бор ўзимдин суҳбатидин нўш этиб,  
Жоми ваҳдатда муҳаббат шарбатидин нўш этиб,  
Маст ўлуб идрокидин бегона бўлсам кошки.

Ёр агар лутф айласа қулларга бу гулзор аро,  
Заррача кўрсам жамолин хоб ё бедор аро,  
Дафъатан расво бўлуб девонаю ҳушёр аро,  
Шиблидек рақс айлабон ҳар кўчаю бозор аро,  
Ишқ ўтига ўртаниб бирёна бўлсам кошки.

Мен бўлиб ишқинг асири топмадим ҳаргиз омон,  
Қўймади мажнунлигим узлат чекарға бир замон,  
Тоқатим йўқ заррача турмакка мен айлаб макон,  
Мулки ашёдин кечиб, кетсам ёронлар бенишон,  
Эл кўзидин бир йўли пинҳона бўлсам кошки.

Қолмас армоним, ёронлар, чашми хумморин кўриб,  
Ёр савдосида ўлсам нечча озорин кўриб,  
Ул Калимуллоҳ каби арзи дилим зорин кўриб,  
Заррача қилса тажаллий Тангри дийдорин кўриб,  
Тоқат этмай Турдек сўзона бўлсам кошки.

Хуни дил бирла киши жондин кечиб юз бор — бор,  
Мисли Яъқубдек агар ёд айласа лайлу наҳор,  
Файз олур билсанг Амоний ишқида бўлса қарор,  
Кимки дарёи муҳаббатга чўмар ғаввосвор,  
Мен Ҳазиний толиби дурдона бўлсам кошки.

## ДАРИҒ

Бул замонларда халойиқ фитнасоз ўлди дариг,  
Бул шариат роҳидин бир неча шоз ўлди дариг.

Қолмади дунёда боқий қилғучи яхши амал,  
Аҳли бидъат кўб бўлиб, бузруглар оз ўлди дариг.

Неча ишни зоҳиран дунёни дастида кўриб,  
Солу маҳ излаб изидин бенамоз ўлди дариг.

Усти ранго — ранг либосу ботинида йўқ амал,  
Бўлибон ҳорис халойиқ бениёз ўлди дариг.

Кетди равнақ динидин бир нечаларни кўрсангиз,  
Кийна сақлаб ҳар бири бирдин ароз ўлди дариг.

Сен десанг юз минг надомат барча тақдири Худо,  
Қисқа қил сўзни, Амоний, кўп дароз ўлди дариг.

## ЁЛҒОН ҲОЖИЛАР

Кўрмайин Байт ул — Ҳарамни сўзлашодур ҳожидек,  
Бир нафасда неча минг сўз қоплашодур ҳожидек.

Хоҳ ҳужра, хоҳ йўлда, қайда кўрса ҳожи дер,  
Бир — бирини оғзи бирла шифлашодур ҳожидек.

Солиҳ ҳожи, Ҳоким ҳожи, Юнус ҳожимға нима,  
Маҳзи ёлғон сўз билан ҳасратлашодур ҳожидек.

Вой ҳожим, Жигдадин азм этмадикми деб алар,  
Кемаи мискин билан қундузлашодур ҳожидек.

Юнус ҳожим Макка бормаи кетти Ҳиндустонга  
деб,  
Бул сабабдин жомаи асвадлашодур ҳожидек.

Беибо айлаб ҳикоят қўлда туғма ҳожилар,  
Мисру Истанбулни анга замлашодур ҳожидек.

Ё Илоҳий, асвад ул – важҳларни еткур Каъбага,  
Деб алар бирлан Амоний йиғлашодур ҳожидек.

**БАР САБИЙЛИ МУНОЖОТ АЗ ТАБЪИ  
НОМАРБУТ ВА НОМАВЗУНИ ҲАҚИРИ  
ПУР ТАҚСИР КАМТАР АЗ ҚИТМИР  
АМОНИЙ БАЛ ТАҚДИРИ АРАБОНИЙ**

Худовандо, манга ҳар дам адувлардан пано бергил,  
Алар макридин эмин қил, яна сабру ризо бергил.

Келибман Марғинон ичра азизлар остонига,  
Талаб айлаб, Худовандо, манга илми уло бергил.

Бўлубман толиби ушбу шариф йўлни нажот истаб,  
Кўруб лойиқ бу ожизни кўнгилга сан зиё бергил.

Дегайман толиби содиқ ҳамиша қилмасам козиб,  
Нетайким, қобилият йўқ манга ақли расо бергил.

Бу ҳам бахту саодатдур бўлубман аҳқар ут – туллоб,  
Карам айлаб, Худоё, сан ўзинг табъи зако бергил.

Бериб туллоб матлубин хусусан Хонақоҳ аҳли,  
Мани ҳам ноумид этмай ўзинг яхши жазо бергил.

Амоний, этма корингни риё қонунига лойиқ,  
Башарти нек амал этсанг хафо айлаб, сафо бергил.

## УЧУН

Ишқинг солиб, шайдо қилиб, ман хаставу бемор учун,  
Раҳм этмадинг, парво қилиб, бу аҳқаринг афкор учун.

Мажнун каби қилдинг ажаб, ишқингда эй, Лайли насаб,  
Қаҳринг била айлаб ғазаб бир боқмадинг ман зор учун.

Сотсанг, мана, бўлдум қулунг, басдур манга бўлса юзунг,  
Ўлдурди ваҳ ширин сўзунг мен телбани хуштор учун.

Сайри чаман ҳеч этмадим, тишлаб лабинг ҳеч ўпмадим,  
Олмос узуб бир тотмадим ҳамсуҳбатинг ағёр учун.

Зойил бўлур ақлим ажаб, кўз учида қўйсанг қараб,  
Ёрим десанг қилмай ғазаб мен ошиқи беор учун.

Тишлай дебон лаъли лабин, ўпсам дебон холу хатин,  
Бордим анга, бўлдум яқин, қочдим рақиб бедор учун.

Ишқинг мани йиғлатти қон, кўнглим бериб топмай Амон,  
Бўлди мани рангим сомон ошиқи иши душвор учун.

## МУВАШШАҲ

Манга эрдингиз ҳаммадин яқин, эски дардларим  
қўзулуб кетиб,  
Йиғлагим келур, сизи ўйлабон, рағи жигарим  
эзилиб кетиб.

Лаби лаълингиз майини дебон йиғласам бутун айб  
эмас манга,  
Хабар ололмай бир – биримизи муҳаббатимиз  
зузулуб кетиб.

Анда рақиблар бўлубон яқин, сиза қилибон доду  
арзини,  
Мани арзими манъ айладиким, масофатимиз  
чўзилиб кетиб.

Борибон сизи кўриб келмоққа фурсатим мусоъада  
қилмади,  
Арзим айладим бу хат илаким, кўнглим уйлари  
бузилиб кетиб.

Дарди меҳнатим бўлди зиёда битта кўрмайин сизи  
юзингиз,  
Кўнгил мулкини бузган аввали қош — кўзингиз  
сузилиб кетиб.

Лоладек ўша юзунг фуқрати, яна муқаввас қошинг  
қароси,  
Амонийга бул қийин ўлдиким, жисми бадани  
сизилиб кетиб.

**ДАР МАДҲИ ЖАНОБИ МАВЛОНО КАМИЙИ  
ТОШКАНДИЙ АЗ АМОНИЙ БАЛ ТАҚДИРИ АРАБОНИЙ  
салламаҳумаллоҳу таъоло**

Балдаи ашъарни кезган ҳасти мавлоно Камий,  
Боиси таскин бўлура деб ишқи мавлоно Камий.

Хуш фасоҳат иқлиминда чун лисон улғайбдек,  
Ҳар кутубга жорий бўлгон фаҳми мавлоно Камий.

Давридадурлар жаноби афсаҳ уш — шуароларнинг,  
Ҳар хафога йади байзо зеҳни мавлоно Камий.

Аҳли урфон ўзлари, балки набийлар вориси,  
Қайси инсониди бордур фазли мавлоно Камий.

Гўфтугўйи зоҳиран бўлди мажозий ишқиға,  
Ботинан бўлди фанога фарқи мавлоно Камий.

Айлади Фарғонани бул дам мусаххар ҳар сўзи,  
Балки Ислумбулни олди қавли мавлоно Камий.

Ҳар мақолида кўрунг файзи Илоҳийдан асар,  
Бул сабадан, эй Амоний, дилда мавлоно Камий.

## КЎРГУМ КЕЛУР

Ҳажринг солиб бўлма йироқ, гул юзларинг кўргум  
келур,  
Юз минг жафо берсанг сабоқ рози бўлуб олгум  
келур.

Икки анорингни ушаб, бўйнингга ман қўлни ташаб,  
Бир неча кун рўз ила шаб бўлмай жудо юргум келур.

Телба қилур ҳар бир сўзунг, фикр айласам қошу  
кўзунг,  
Нозик тилу паски лабинг бирга қўшуб сўргум келур.

Жонлар нисор ўйнаб — кулуб, берсанг қучоқ бир  
қайрилуб,  
Ғабғабларинг тишлаб — ўпуб, холис бўлуб ёнгум  
келур.

Эй раҳми йўқ, бизга қаранг, қошни отинг, қилмай  
таранг,  
Войдод, қулунг бўлсун аканг, ҳамсуҳбатинг бўлгум  
келур.

Ишқингда, ваҳ, куйди Амон, қишлоқи деб қилма  
гумон,  
Бугун манам, эй навжувон, Шош шаҳарлик бўлгум  
келур.

## МУВАШШАҲ

Малойик хайлидин беҳтар гулу гулзорлардансиз,  
Лаби чун гунчай хандон шакар гуфторлардансиз.

Ичай ҳижронингиз заҳрин агарчи сўрмасангиз ҳам,  
Тамоми хўблар шоҳи ажаб дилдорлардансиз.

Висолинг офтобидин туширмай зарра равшанлиғ,  
Латофат боғида битган қизил рухсорлардансиз.



Ҳилоли оразингдиндур хижил моҳи фалаклар ҳам,  
Кўнгил мулкани тасхир айлаган айёрлардансиз.

На бўлғай, жон укам, бир йўл кўриб ҳоли паришоним,  
Хароб этмай кўнгил шаҳрин, келинг, ҳушёрлардансиз.

Амоний ҳолидин дам — дам бўлинг огоҳу воқифлар,  
Нечук тоқат қилар, жоно, кўзи хумморлардансиз.

## **«ТАНҚИДОТИ АМОНИЙ АРАБОНИЙ» ДАН**

### **НАФС ТАНҚИДИ**

Аё мағрури худбин тонимайсан нафсинги асло,  
Бўлуб сен худшуморида ўзингни айладинг боло.

Қилурсан шунча хизмат, рози бўлмайдур бу нафси бад,  
Тариқи истқоматдин, қаноатдин чиқиб ҳоло.

Етиб ёшинг бу ерга борми санда бир камол охир,  
Мусулмонзода муъминсан қани тоат, қани тақво?

Кичик эрдинг, ато бўлдинг, гул эрдинг ушбу кун сўлдинг,  
Кечолмай орзулардин ҳануз бошингда кўп савдо.

Хароби дил эурсан, ўйла ҳолингни тариқатда,  
Кўринурға чунончи порсодурсан ва ё доно.

Ботибсан лойи гафлатга, қолибсан қилу қол ичра,  
Қачон уйғотасан дилни, қилурсан доимо гавфо.

Ҳақойиқ дарсидин андақ дилингга жорий қилмасдин,  
Халойиқлар аросида уёлмайсан деса мулло.

Абасдур ҳар на ёдидин бўлак қилгон ҳама коринг,  
Ўтар умринг қачон бўлағай дилингга зикри Аллоҳ жо?

Чунон беҳуда бўлдинг хоҳиши нафсингни куйида,  
Залолатдин чиқармас индамай юрсанг бу нафс асло.

Санга доим алойиқ молу фарзанд бирла маъво деб,  
Халойиқ ичра нафсинг қилди саргардону ҳам расво.

Кўрурсан, бўлди беҳосил бу дунёга ишонганлар,  
Вафо қилмас бу дунё бил муқаррар санго ҳам манго.

Санга ёру биродар, ақраболар, яхши кўрганлар,  
Тамоми кетти, ёлғиз эмди сан ҳам кетасан танҳо.

Қоронғу тор гўрни, жон берурни ўйласанг эрди,  
Бу хилда бўлмас эрдинг жумла ғафлат бирла бепарво.

Азиз умрингни бул кун ҳар хасу хошока сарф эттинг,  
Амалсиз қайси юз бирла борурсан гўрга танҳо.

Ҳақиқатда мусулмонлик тилингда бўлди бир даъво,  
Ишинг йўқдур амалда шаръ вайрон бўлса ҳам ҳоло.

Умрлар дарси дилдин беҳабар ғафлатда ўтмакда,  
Солиб огоҳ қилгил ўз йўлингга, эй Худовандо.

Дилим қон сарф этолмай бу умрни дилни дарсиға,  
Иноят қил, ҳидоят қил риёзатда бўлай боло.

Қуруқ даъвода умматман дема, эй торики сунат,  
Керак охир билурсанму Амоний саййиди барно.

## ИСТАБ

Сени зотинга лойиқ топмадим ҳамду сано истаб,  
Қачон ширин қилурман тилни наъти Мустафо истаб.

Саҳоба, тобиъинлар зикри дилда доимо мазкур,  
Абу Бакру Умар, Усмон, Алиййул Муртазо истаб.

Муқаддар ғояте кўнглим тилар нури ҳидоятни,  
Шариатга, тариқатга мувофиқ раҳнамо истаб.

Ниҳоят қолу ҳоли бирла зебо воқифу огоҳ,  
Вужуди бир мусаффо гавҳари қийматбаҳо истаб.

Бу йўлда пири носиху дастгир авлиёлардин,  
Қулоқ солиб жавонибга юрурман бир нидо истаб.

Кўзиға хоки пойи яхшиларни сурма қилмасдин  
Бу олий мақсадиға ким етибдур борҳо истаб.

Умрни сарф қилмоқ яхши йўлларға фаниматдур,  
Ажал келса азиз умринг қараб турмас ризо истаб.

Юриб бу хилда бепарво қачон бошингни урғайсан,  
Азизлар остониға Амоний бир пано истаб.

## РАСОНИ ТОП

Тирикликда бўлай одам десанг роҳи расони топ,  
Шариатдан, тариқатдан сўраб излаб Худони топ.

У дунёда, бу дунёда Расулуллоҳ керак бўлса,  
Абу Бакру Умар, Усмон, Алийл Муртазони топ.

Тариқат уқбаси кўбдур, бу йўлда довдираб қолма,  
Сани ҳайрону саргардон қилмас раҳнамони топ.

Замоимдан вужудингни ювиб, олойиши дилни,  
Мусаффо қилғучи ҳар дам расо қалби сафони топ.

Кечиб ҳар орзулардан бу йўлда айрулардан,  
Етарға ёр васлиға вужудингдан фанони топ.

Латоиф нуридин қилсун тажаллий ёр десангким,  
Ҳақиқий ёр ишқи дилға зикри доимони топ.

Ки анда мубтадийдурсан етиб ўртаға турсанг боз,  
Ўтиб андин бўлурға мунтаҳий жабру жафони топ.

Бу йўл бирла муҳаббат риштаси банд ўлса ҳар дилға,  
Ҳаводислар бўлур роҳат анга қаттиғ балони топ.

Ўтолмас бу – л – ҳаваслар ушбу йўлни уқбасидин ҳеч,  
Кечарга хонумону жонидин ишқи расони топ.

Узиб дилни алойиқдин, қилиб аз таҳти дил тавба,  
Туриб ҳар тун саҳарларда ўзингдан илтижони топ.

Кишиким бўлмаса фориг бу дунё можаросидин,  
Эмас лойиқ тариқатға улуғ ҳиммат ризони топ.

Қачон омил шариатда, қачон комил тариқатда,  
Ўзини порсо айлар кишилардин риёни топ.

Қоронғу гўрга равшанлиқ агар истар эсанг охир,  
Ўлумдин илгари албаттга қалбингга сафони топ.

Бу беш кунлик ҳаётинг ичра қуллиқни расо айлаб,  
Ризойи жумла пайғамбар Муҳаммад Мустафони топ.

У дунёда шафоатдан ниҳоятда умид этсанг,  
Бу дунёда Амоний шофиъи рўзи жазони топ.

## ОҲ

Худони ёдидин гофил ҳамиша феъли шаррман, оҳ,  
Дилимдур тўла гафлат бирла тортолмай саҳар ман, оҳ.

Эсиз умрим ўтодур бир ёқилмай нур қалбимга,  
Вужуди лойи маъсиятга ботган бебасарман оҳ.

Камолиға етушти саъй этиб ақронларим, мен – чи,  
Бу хилда файзи маънидин хабарсиз бесамарман, оҳ.

Неча йилларни ўткардим маъоний файзини истаб,  
Юриб ҳар бир шаҳарда, қарйаларда дарбадарман, оҳ.

Бу йўлда кўб азизлар остониға бошим урдим,  
Вале онларни хонидин бўлолмай баҳравар ман, оҳ.

Мани бу нафси амморам тариқат йўлиға кўнмай,  
Ибодатда ҳаловат йўқ,риёзатдан қочарман, оҳ.

Вужудимда чунончи яхшилар таъсири йўқдур ҳеч,  
Тамоми ҳосили умрим эрур кони зарарман,оҳ.

Залолат ичра нафсим доимо голиб бўлур манга.  
Ашадд гумроҳ эрурман, балки кун – кундан батарман,  
оҳ.

Манга лозим эди ҳижрат,ўзимдин ўтти найлойин,  
Бугун ҳижрат қилолмай доғи ҳасртада ўтарман,оҳ.

Етиб ёшим бу ерга хулласи топмай сафо дилдан,  
Ҳамиша дунн толиъ, эй Худо, қандоқ башарман,оҳ.

Ҳидоят қилмасанг, ё Рабб, мани ҳолим эрур мушкил,  
Қани тақво, қани тоат, қуруқ бебаҳра харман, оҳ.

На олимман, на соликман, на косибман, на жоҳилман,  
Чунон бемаъни, беҳосил, вужуди беасарман, оҳ.

Ололмай то ҳанузам аҳли дилларни дуосини,  
Адашганман Амоний дарси дилдан беҳабарман, оҳ.

### **ҚАЧОН РАСО БЎЛАМАН?**

Қадамни мақсада қўймай, шу дамғача юраман,  
Қачон дилимни қаросин ювиб расо бўламан?!

Жиҳод нафсга осон эмас, кўринглар, вой,  
Ўзумни доимий нафсим аёғида кўраман.

Бу хилда ўтса бу умрим гафлат ила,  
Қачон пири тариқат сўзини мен қиламан.

Бу соддалиқда юруб мен бироз урунсам ҳам,  
Узоғ вақт пишолмай, ҳанузгача ғўраман.

Бу йўлни уқбаси доим мени тўсар йўлдан,  
Қачон хоҳиши нафсим хилофиға юраман.

Қуруқ фазойил амалсиз, эмас манга манзур,  
Чароки бир куни умрим адо бўлиб ўламан.

Ҳамиша роҳи хатодан ҳидоят айламасанг,  
Вужудим ичра, Худоё, бу нафс ила жўраман.

Дилимға нури ҳидоят камол айлаб умид,  
Камина осий Амоний ўзингға ёлбораман.

**МУҲАММАСИ АҲЛИ ТАРИҚАТ ФАҚИР  
УЛ-ҲАҚИР АМОНИЙ АРАБОНИЙ**  
салламаҳуллоҳу таъоло

Ҳар жавониб бўйин олиб излагайман ёр иси,  
Қайдадур Мансурдин берса хабар ул дор иси,  
Манга келмас ҳеч тарафдин зарра файз осор иси,  
Тавба қилдим то ҳанузам топмадим анвор иси,  
Оҳ, билмасман қачон дилдан келур дилдор иси!

Тийра дилман, маъсият лойиға ботган дамбадам,  
Зоҳирим ғоят паришон халқ аросида бу дам,  
Лек афсусу надомат ботинимда тўла ғам,  
Босмадим роҳи тариқатдин ҳанузам бир қадам,  
Эй дилим, ўйла қачон сандин келур Аҳрор иси?!

Эй, алойиқ фикри бирла зўр боғланган дилим,  
Гунча ҳоли ғўр очилмай бул замон сўлган дилим,  
Тарбиятсиз, бир ювилмай, кирланиб қолган дилим,  
Хоби ғафлат уйқусида доимо ўлган дилим,  
Тур, димоғинг ичра кирсин зиндалиқ ахбор иси.

Аҳли диллар гўшаи чашмидин ўтмай меҳнатим,  
Доимо беробита қалбим қародур ҳасратим,

Оҳ, музгарман, нетай, ножинс эрур ҳамсуҳбатим,  
Дилни олуда қилур даври замона улфатим,  
Ким топибдур зотидан нодон била асрор иси.

Нақди умримни батолатда кечурган бандаман,  
Аҳли дил наздида олудаю сарафкандаман,  
Торики суннат,ҳамиша уммати шармандаман,  
Ҳосили гофил Худодин беадаб бир бандаман,  
Қайда бўлсин вой манда Сарвари Мухтор иси.

Ҳайф,умрим ўткариб нобуд қилдим бу замон,  
Аҳли диллар суҳбатидин айрилиб, бўлдим ёмон,  
Дилда(?) сен аммо кечмадинг ҳар орзудан Амон,  
Чунки олий бу талаб доим вужудингда ниҳон,  
Фоний бўл, шояд дилингдан келса асли ёр иси.

### **БЎЛУРМУ?**

Бўлурму бу қаро юзни сураб кунлар манга Аллоҳ,  
Ҳабибинг равзасиға айланиб астори Байтуллоҳ.

Карам айлаб Ҳарам сори очиб асрори бул йўлни,  
Чиқар остонадин манга бериб ҳиммат таъолаллоҳ.

Залолат ичра ҳар кунлар хижолатман бўлиб музтар,  
Ҳидоят қилмасанг қолдим бу ерларда бўлиб гумроҳ.

Дилимдан олма шавқи Каъбани, олғил алойиқни,  
Зану фарзанд,ватанларга муҳаббат қолмасин ногоҳ.

Қачон бир вақтлар қолди туриб таъхир қилмоққа,  
Балойи нафс учун қолиб,ҳанузам бўлмадим огоҳ.

Шу бўлса эътиқоду ҳимматинг ҳар кун ўтар умринг,  
Санингдек дун ҳимматлар қачон етгай ўшал даргоҳ?

Бўлай ман садқаи уммат, қани гайрат, қани ҳижрат,  
Ҳамиша "умматий, уммат" дебон торгар эдилар оҳ.

Фидонгизман, тасаддуқман, Амоний бир қуруқ уммат,  
Солиб бўйнимга тортинг риштангизни, ё Расулаллоҳ.

## МЕНМАН

Вужуди тўла исён, кўринурга порсо менман,  
Гумон этманг халойиқ яхши деб суфинамо менман.

Тариқи истиқоматдин, қаноатдин қочиб доим,  
Мазаллат лойиға ботган ёмон олудапо менман.

Ҳазар қилғай шароратпешалар гумраҳлиғимдин вой,  
Бўлуб тобора ғофил беамал руйисиёҳ менман.

Ололмай то ҳануз баҳра қолу ҳол илмидин,  
Бошимдан то оёғим жумла ноқис норасо менман.

Бу йўлда раҳнамоларға қилолмай бош ила хизмат,  
Азизлар остони раҳнамолардан жудо менман.

Хароб айлаб азиз умрим залолат бирла ўтқарган,  
Ҳама ёру биродарлар ичида ғолибо менман.

Замона даври музтар қилди, нафсим кўйиға туштим,  
Бўлиб хотир паришон сарғайиб умри адо менман.

Камолиға етиб топса муродин жумла ёронлар,  
Вале маъюс нуқсон била бу халқаро менман.

Бугун тобора бўлса тор мўъминларға Фарғона,  
Йиғуштурмай алойиқни ўралғон борҳо менман.

Шарорат бирла тўлиб тошти Фарғона, ўзинг сақла,  
Худоё, ҳеч адаштирама агарчи пур хато менман.

Карам қилгил, кечиргил, тавба қилдим жумла исёнға,  
Гунаҳ лойиға ботган осий банданг, эй Худо, менман.



Қуруқдурман чунончи маңда йўқдур бир амал, лекин,  
Умидим кўб Амоний уммати ул Мустафо менман.

## САҚЛА

Худоё, тавба қилдим, хоби гафлатдан ўзинг сақла,  
Балодан, жумла офатдан, мазарратдан ўзинг сақла.

Шукр мўмин – мусулмонман, шариатлик бир  
инсонман,  
Танимда ҳар омонат бор, хиёнатдан ўзинг сақла.

Риёзатда, ибодатда оширгил эътиборимни,  
Бўлиб аввал азиз, охир разолатдан ўзинг сақла.

Зориқтирма ёмонларга, ёмонларнинг сафидин ол,  
Бу дунёда, у дунёда надоматдан ўзинг сақла.

Хижолатга солиб тўкма юзимдан обирўйимни,  
Бу инсонлар аро доим иҳонатдан ўзинг сақла.

Шариатда, тариқатда муқим эт жумла суннатда,  
Адаштирма бу йўларда жаҳолатдан ўзинг сақла.

Ўзинг асраб паноҳингда ишимни айлагил осон,  
Бу ғурбатда диёнатда машаққатдан ўзинг сақла.

Шукр Ҳазрат Муҳаммад ул Расулулоҳга умматман,  
Жудо қилма бу давлатдан залолатдан ўзинг сақла.

Бақувват қилгил иймоним ўлиб то гўрга киргунча,  
Манга ҳиммат бериб тарки жамоатдан ўзинг сақла.

Адаштирма, бино қилдинг бу охир замонларда,  
Бу кунларда шароратдан, касофатдан ўзинг сақла.

Топай ҳар дам ҳаловатлар сенинг амринг била доим,  
Ибодатда, Худовандо, малолатдан ўзинг сақла.

Диёнатда ҳамийятдан, риёзатдан жудо қилма,  
Саодатга қарин айлаб, шақоватдан ўзинг сақла.

Анис этма, жалис этма манга кўнгли бузуқларни,  
Ёмон ҳар бир биродардан қаробатдан ўзинг сақла.

Бу одамлар аросида бугун одам балосидан,  
Пано бер жумла муъминга жиноятдан ўзинг сақла.

Қадам қўйгон тариқатга шариатни бажо қилмай,  
Бу хил нодон муриду пир, инобатдан ўзинг сақла.

Худовандо, умидим кўб агарчандики осийман,  
Баҳаққи Мустафо хавфи қиёматдан ўзинг сақла.

Бу хил охир замонларда бино бўлган Амонингман,  
Бу дунёда, у дунёда хижолатдан ўзинг сақла.

## ИСТАР

Кишига зарра тавфиқ ёр бўлса раҳнамо истар,  
Ҳамиша аҳли диллар остонидин шифо истар.

Тариқат йўлига Аллоҳ муносиб кўрса ҳар кимни,  
Азизлар суҳбатини югуриб шому сабо истар.

Қилур хизмат аёғига йиқилур яхшилар аввал,  
Мазаллат лойи ичра хок бўлиб ул доимо истар.

Бу йўлда пири комил авлиёлардан назар топмай,  
Ўзича ким етибдур мақсадига борҳо истар.

Ҳамиша зикри Аллоҳни латоифларга зарб айлаб,  
Нафасни зойиъ этмай қалбига ул рўшно истар.

Ўзига кайфият зоҳир бўлур албатта охирда,  
Ҳаманинг роҳатин кўзлаб ўзига ул бало истар.

Бу йўлда катта душман нафсдур, ўлдирса ҳар кимса,  
Ўшандоқ олиҳиммат суҳбатин шоҳу гадо истар.

Мисоли бу замона қийналиб ким динини сақлар,  
Агар чанди Амонийдур Расули Мустафо истар.

**МУХАММАСИ ФАҚИР УЛ-ҲАҚИР**  
**АМОНИЙ АРАБОНИЙ**  
салламахуллоху таъоло

Насиба борму манга ҳол илмидин билолмасман,  
Ҳануз бир соҳиби дилни дуосини ололмасман,  
Қилиб хизмат бошим бирла дилидин бир ўтолмасман,  
Дилимни хоби ғафлат уйқусидин уйғтолмасман,  
Бўлиб олуи бу хилда кўринглар мен тузалмасман.

Бўлиб фориг юролмасман замонам давридин кўрқиб,  
Хусусан аҳли динларга тегилган асридин кўрқиб,  
Ва ё бибок бўлолмасман Худони қаҳридин кўрқиб,  
Кўнгилда муддаолар кўб замона шарридин кўрқиб,  
Саботи йўқ кишиларга ани айтиб ёзолмасман.

Замонам даври қилди уйни қаърида мани музтар,  
Йўқолди хайрият шар ичинда бўлди феълим шарр,  
Хароби дину миллат бўлдим охирда ёмон бир хар,  
Қачон бўлғай ҳидоят очилиб қалбим аро бир дар,  
Бу хил ғафлатда тоатға ўзумни ўргатолмасман.

Бу кунлар бу ерларда аёғ остидадур миллат,  
Билолмасман биродарлар қачон бўлғай анга нусрат.  
Ки манга ёру доноларни ҳоли бўлмади ибрат,  
Алардек хоби ғафлатда ётурман қилмайин ҳижрат,  
Етиб нуқсон динимға бу ердин мен чиқолмасман.

Замона даври айлаб яхшиларға ушбу ерни тор,  
Ҳимоятсиз мусулмонлар бу ердин кетгилар ночор,  
Ғадоварсиз(?) халқ аросида бўлиб дини шариат хор,  
Шунинг – чун неча йиллардин бери кўнглумда  
хижрат бор,  
Ки эмди тоқат айлаб мен бу ерларда туролмасман.

Шариат жорий бўлмай раҳнамолар кетти қолмасдан,  
Сиқилди динини сақлаб расола кетти қолмасдан,  
Ёғиб бошига ҳар турлуқ балолар кетти қолмасдан,  
Қачон мандек амалсиз дир қаролар кетти қолмасдан,  
Зану фарзанду маъвоға бериб кўнгил узолмасман.

Кўрурсиз марди оқиллар эзилган хордур сарсон,  
Хусусан олиму фозил эрурлар дилларидаур қон,  
Бу ҳолатда Амоний мардуми Фарғонадин чандон,  
Кўруб дини расоларни аёғ остида янчилғон,  
Паришон борҳо бўлуб тузук тоат қилолмасман.

### ЖИЛО БЕРГИЛ

Худоё, баднамо олуда нафсимга жило бергил,  
Бўлай собир, бўлай қониъ, тилимга Раббано бергил.

Шариатда муқим этгил бериб одоб ила ҳурмат,  
Бўлай солиқ тариқатда ўлиб нафсим ризо бергил.

Бу дунё можаросидан дилимни айлагил фориғ,  
Хусусан нафси амморамни шарридин фано бергил.

Эрурман интизори файз доим дилга, эй Файёз,  
Ёқиб анвори файзингдин дилимга рўшно бергил.

Агарчи ғояти ноқис Амоний осий бандангман,  
Худоё, лутф этиб қалби сафолар ичра жо бергил.

### ҚЎРҚ

Эрурсан бандаи ожиз яратгонинг Худодан қўрқ,  
Туриб фазли била адли аросида гуноҳдан қўрқ.

Бугун амрини тарк эттинг, Худодан қўрқмагонинг шул,  
Ҳалок айлар сани охир бу феъли норизодан қўрқ.

Мабодо адлига олса сани ҳолинг бўлур мушкил,  
Сўрар охирда амридан агар бўлса қазодан қўрқ.

Карамлик подшо орий, адолат тиғи ҳам жорий,  
Агар чандики андақдур гуноҳи доимодан қўрқ.

Вужудинг титраса қўрқуб Худованди таъолодин,  
Маҳобатлик вужудингдан ҳамма қўрқар, Худодан қўрқ.

Агар қўрқсанг ростдил бўл қўрқма ҳар кимдан,  
Ҳамани йўлга солгучи ҳақиқий подшодан қўрқ.

Агар мўъмин мусулмонсан сенам чин уммати бўлсанг,  
Бу кун ҳурмат била доим Расули Мустафодан қўрқ.

Саҳоба,тобиъинлар ҳам десанг охирда ёр ўлсун,  
Абу Бакру Умар,Усмон,Алиййул Муртазодан қўрқ.

Муродига етар ҳар ким назар топса қилиб хизмат,  
Шариатда, тариқатда чунон пири расодан қўрқ.

Сенам бир бандаи ожиз, ўлурсан охири бир кун,  
Киши кўнглини оғритма,бугунги оҳу водан қўрқ.

Кўкарганлар дуо бирла,қирилганлар дуо бирла,  
Дуодан қўрқ,дуодан қўрқ,дуодан қўрқ,дуодан қўрқ.

Саховатпеша — ю мардлик дастинг очиқ бўлса ҳар  
кимга,  
Бу хил ишлар аросида кўринган ҳар риёдан қўрқ.

Сирингни айтма ҳар кимга манга тўғри биродар деб,  
Дили эгри мунофиқ кўб ҳасадлик ошинодан қўрқ.

Фанимат қолган умринг ичра бўлсанг доимо огоҳ,  
Қоронғу гўрни ўйлаб (оқибат) воҳасратодан қўрқ.

Қилиб аз таҳти дил тавба гуноҳларга Амоний сан,  
Худодан қўрқ, Худодан қўрқ, Худодан қўрқ,  
Худодан қўрқ.

**МУСАДДАСИ ФАҚИР УЛ–ҲАҚИР  
АМОНИЙ АРАБОНИЙ**

салламаҳуллоҳу таъоло сумма раҳимаҳуллоҳу  
таъоло

Қандоқ замонадурки, дилим тўла қон бўлуб,  
Ишлар фужури фисқ ила ҳар дам ёмон бўлуб,  
Қайда камол, касби расолар ниҳон бўлуб,  
Беҳуда бўлдим охири рангим сомон бўлуб,  
Ҳар бир балога ҳар куни ҳар дам нишон бўлуб,  
Тушти замона ташвиши дилга гарон бўлуб.

Ҳар ким агарда бўлса бугун динга хайрихоҳ,  
Қилгай замона ушбу кишини дилин сиёҳ,  
Кимки ўзини динига қилса амал гуноҳ,  
Бўлди заиф аҳли мусулмондин оҳ,  
Кетти фақиҳ жумла мударрис хазон бўлуб,  
Оқти кўзини ёшлари ғамда равон бўлуб.

Бул кун хусус аҳли илмларни муттаҳам,  
Этти улум касбида кўрган эса ситам,  
Етмай тамоми мақсада ярим манам,  
Мониъ замона бўлди камо – камга дамбадам,  
Тўлди дилим доғи замона ниҳон бўлуб,  
Жонлар сиқилди сел каби танда инон бўлуб.

Босиб дилимни ғафлату ғайрат қилолмадим,  
Ташлаб алойиқ орқага бор деб кетолмадим,  
Фарзанд, уруғу хеш, ватан деб чиқолмадим,  
Доим аларни кўйида ҳижрат қилолмадим,  
Банди алойиқ ўлдим асири занон бўлуб,  
Қолдим бу ерда турмуши жонга зиён бўлуб.

Бергил ривож дини шариатга, эй Худо,  
Ғоятда хор бўлди бугун шаръи Мустафо,  
Биздан хабар олмасангиз, ё Муҳаммадо,  
Бўлгай ҳалок умматингиз айлашур хато,  
Чиқди тариқи шаръдан хотир ёмон бўлуб,  
Бир нечаларни дини тамоми гумон бўлуб.

Қилсанг ҳисоб ўтган умрларни,эй Амон,  
Доғу аламда,ҳасрату ғамда куяр бу жон,  
Ўйласа умрни ҳосили бўлди ажаб ёмон,  
Яхшилар ўтти сен кабиларга қолиб замон,  
Тўлди фасоду фитнага охир замон бўлуб,  
Бузди шариат амрини онлар калон бўлуб.

## БОҚ

Фазилат қайда бу танда дема шайдолигимга боқ,  
Вале бу давр Фиръавни аро Мусолигимга боқ.  
Камолоту фазойилдан сўраб юрма бу омийдан,  
Мусулмонзода бу ҳақ дин ила аълолигимга боқ.  
Агар чанди паришонман Художўларга эргашган,  
Сулуким бор бас манга бу ишқ оролигимга боқ.  
Ки мандин сўрмагил ҳаргиз тириклик кору борини,  
Қани маъво,қани фарзанд,матоъ бежоллигимга боқ.  
Бўлурман рўбарў қандоқ жаноби Онҳазратта,  
Юзим йўқ,торики суннат ашадд гумролигимга боқ.  
Дилимда доғдур ҳасрат, қилолмай дин учун хизмат,  
Нетайким бул замон кулфат берур танҳолигимга боқ.  
Худодин ўзга бир пушти паноҳи йўқ фақирингман,  
Мужаррад ҳар алойиқдан бу бепарволигимга боқ.  
Тариқат хонида баҳра ололмай юрсамам бул кун,  
Муҳибби хоки пойи жумла аҳлуллоҳлигимга боқ.  
Агарчи бир ариқдурман Амоний ҳеч ким билмас,  
Иноят қилса ишқидин Худо дарёлигимга боқ.

## ЁЛГУЗ

Яротибсан бу оламни Ўзинг қодир Худо ёлғуз,  
Ҳақиқий бандапарвар жумлага ҳожат раво ёлғуз.

Ато қил нур қалбимга туфайли Сарвари Олам,  
Ҳабибинг,яъни дўстингдур Муҳаммад мустафо ёлғуз.

Шариатда,тариқатда киши гар бўлмаса комил,  
Риёзатсиз расо қайда бўлур ҳар норасо ёлғуз.

Бу кунлар можаросидин биродарлар тушуб бошга,  
Ниҳоят кирланиб бўлди дилим тундек қаро ёлғуз.

На бўлур охири ҳолим бу хил ғафлат ила, э – вой,  
Ўтар умрим залолатда бу мўъминлар аро ёлғуз.

Кўзум очиб, дилим қўрқиб, ўлимдин ибрат олмасман,  
Кўрурман кўмилур ёру биродар, ошино ёлғуз.

Ўлумдин сўнг, биродарлар, қаро гўрга амал даркор,  
Кетар охир иложи йўқ ҳама шоҳу гадо ёлғуз.

Замонам қилди ёлғуз ёлғуз уйларда сиқиб дили,  
Худоё, борму ёруғлуғ кунингдин ҳам манго ёлғуз.

Қаён борсам у ердан ҳам тополмай жамъи хотирни,  
Юрурман мулғайиб ҳар бир шаҳар, қишлоқ аро ёлғуз.

Бу дунё ишлари ҳам йўқ, у дунё ишлари ҳам йўқ,  
Ётурман якка томлар ичра ҳар шому сабо ёлғуз.

Ниҳоятда дилим маъюс муродимга етолмасдан,  
Азиз умрим ўтиб бўлди ғарибликда адо ёлғуз.

Тамоми шаъним ичра борму хайрийят ва ё фарзанд,  
Нишоним йўқ, ўлим келса бўлурманму фано ёлғуз.

Расола ҳурмати, ё Рабб, ато қил манга хайрийят,  
Манингдек бўлмасун ҳеч ким бу дунёда бино ёлғуз.

Ўзин вайрона ташлаб, синуқ дилларга ким боқса,  
Худоё, айлама они ҳамиша норасо ёлғуз.

Дилимда кўб эди сўзлар ани айтмоққа тортиндим,  
Малолат тортмасунлар деб эшитган ошино ёлғуз.

Саломат бўлса иймоним манга басдур Худовандо,  
Ижобат қил санга қилдим Амоний илтижо ёлғуз.



## РАНГ–БАРАНГ

Бандасида чора йўқ ҳар ишки бўлса ранг – баранг,  
Жумла бошга тушган иш тақдири Аллоҳдан унанг.

Тор этиб кўнгилни сиз бемор бўлманг ҳар замон,  
Сабрдин ҳалво битар Шадоод нафсни қўйқанг.

Сабрдин топти мурудин жумла ўтган яхшилар,  
Нафсга ғолиб бўлиб қилган эдилар катта жанг.

Кўб мусулмонзодалар нобуд бўлди водариф,  
Нафсини деб қолмади онларда бир номусу нанг.

Бўлса эрди заррача қалбимда ҳоло кайфият,  
Бул ҳаводисларга кўнглим бўлмас эрди тору танг.

Бўлмадим бир яхши одам яхшиларни излабон,  
Водариғо нафсдин бир кун қутулмасман қаранг.

Нафси шаҳват беҳаё қилмоққа тортар ҳар замон,  
Дастидан қочиб – писиб зўрға қутулгайман унанг.

Афв эт нуқсонларим, бандам дегил, Парвардигор,  
Бўлмасун охир нафас нотиқзабоним гунгаланг.

Эй Худоё, бермасанг нафсимни шарридин Амон,  
Ман камина ожизу бечора нафсимдур паланг.

## МУСАДДАСИ ФАҚИР УЛ–ҲАҚИР АМОНИЙ АРАБОНИЙ

салламаҳуллоҳу ва раҳимаҳуллоҳу таъоло  
раҳматан восиъатан

Қилай дерман муборак равзангизга кунда ҳижратман,  
Чиқолмай остонамдан вужуди фарқи ғафлатман,  
Замона даври эзган бовужуди аҳли кулфатман,  
Нетайким иззати йўқ аҳли ғафлатларга улфатман,  
Қачон ман, ё Расулаллоҳ, бўлурман аҳли ғайратман,  
Турарга тоқатим йўқдур бу ерда зарра фурсат ман.

Неча йилларни ўткардим ватандин ман чиқолмасдан,  
Ҳамиша маслаҳат излаб иложини тополмасдан,  
Кўнгилни рўзгорим деб алойиқдан узолмасдан,  
Ажаб ҳайрон эрурман остонамдан ўтолмасдан,  
Тириклик кору бор ила ниҳоят катта диққатман,  
Агар ўлсам кўролмай равзангизни доғи ҳасратман.

Бу ерлар тор бўлди деб сиқилдим, этмадим ҳижрат,  
Ибодатга мавоний ҳам кўпайса қилмадим ҳижрат,  
Ки биздек рўсиёҳларни тилаб қон юттилар Ҳазрат,  
Қани жонин фидо қилган бутун муштоқи чин уммат,  
Бўлай ман садқа уммат чароки тарки суннатман,  
Гирифтори алойиқ ҳам хароби дину миллатман.

Таваккул қилмадим аввалда, ё Рабб, чиқмадим йўлга,  
Ўзумни ташламай санга қарабман ўнг ила сўлга,  
Чунончи дасти холийман керак сармоя деб чўлга,  
Баҳона бўлди мундек неча сўз борҳо дилга,  
Кўрунглар ҳиммати йўқ бемуҳаббат сушт умматман,  
Шунинг — чун ушбу ерларда нишони жумла кулфатман.

Дилимда сиздин ўзга олий матлаб доимо йўқдур,  
Қолурга термулиб орқамда ё соҳиб дуой ўқдур,  
Замона даври фожир қилди қалбимда сафо йўқдур,  
Худое, тавба қилдим, осий мандек пур хато йўқдур,  
Чиқолмасман бу ердин то ҳанузам нима хислатман,  
Кўтармай хоби ғафлатдан бошимни дарҳақиқат ман.

Бу ерда қилмагайман истиқомат , ё Расулаллоҳ,  
Кетарга қасд қилгайман ҳидоят, ё Расулаллоҳ,  
Валекин дасти холийман ниҳоят, ё Расулаллоҳ,  
Ҳамиша зоди роҳимга хижолат, ё Расулаллоҳ,  
Тополмай остони равзангизга роҳи қурбат ман,  
Кеча — кундуз Амоний интизори лутфу шафқатман.

## БОР

Тилингда жори қил кўнглум Худони раҳнамолар бор,  
Кўзунгда хоки пойин сурма қилгудек расолар бор.

Ҳамиша хоби гафлат бирла ўтмакда азиз умринг,  
Бу кунларга ахийри дамда қаттиқ оҳу – волар бор.

Ишонма бу ҳаётинг неча кундур ҳеч билмассан,  
Бугунми – эрта келса зарра тўхтатмас нидолар бор.

Нафасни қилма зойиъ, зикри дилга сарф қил ҳар дам,  
Ки мундин бошқа ишда қайда қалбингга сафолар бор.

Тариқат йўлида ҳар дам уринсанг дилни дарсига,  
Ҳақиқий ёрдан санга тажаллий доимолар бор.

Ҳалокат ўқиға бўлсанг нишона бул замонларда,  
Бу мўъминларни зиндони бу дунёдур, балолар бор.

Шикоят айлаб ўлтирма замондан ғайратинг бўлса,  
Тур, эй ҳижрат қилурга, санга жойи анбиёлар бор.

Замона даври табъингга мувофиқ бўлмаса бул кун,  
Сабр қилғил, қарори йўқ кетида муддаолар бор.

Дилим, муҳтожлиқдин нола қилма бир сан эрмассан,  
Санингдек дасти холийларда доимо илтижолар бор.

Ҳақиқий ёр зикри бирла дилни қилмасанг машғул,  
Мажозий дилни бежо эткучи кўзи қаролар бор.

Уринма дарси дилдин бошқага оввора бўлғайсан,  
Риёзатсиз Амоний қайда қалбингга сафолар бор.

## МАЙЛОНИ ТАРАБДУРМАН

Қуруқман холий тоатдин мисоли бир хашабдурман,  
Тариқат файзидин бабаҳра майлони тарабдурман.

Ҳавойи нафси амморам қилиб оввора ёшлиқдан,  
Ўтиб умрим ҳанузам толиби нону инабдурман.

Уётим йўқ ёмонман баднамо албатга феълимга,  
Худоё, тавба қилдим, ғояти бир беадабдурман.

Кўринурга чунончи порсоман зоҳирим зебо,  
Вале пинҳона исёнлар била ҳар рўзу шабдурман.

Ҳаётим қору бор ила эмасман зарра фориғбол,  
Гирифтори алойиқман чу ҳаммол ул – ҳатабдурман.

Дилимға нур дерман бовужуди дуни ҳимматман,  
Машаққатсиз, амалсиз ғолибо олий талабдурман.

Юрурман нафси роийла бўлуб чун хору сарсонлар,  
Фалокат ушбу нафсим деб дучори ҳар таъабдурман.

Ютолмасман, ажойиб аччиғим худбинлигимдан вой,  
Дилимдур тўла гафлатға маҳалли ҳар ғазабдурман.

Вужуди доимо ботиб гунаҳ лойиға булғанғон,  
Эрурман бандаи гумроҳ ман осий лақабдурман.

Қазо андак баҳона бирла айларман фароизни,  
Қачон мамнуъ вожиб, суннату ҳар мустаҳабдурман.

Ўзумға борҳо айлаб насихат бўлмадим одам,  
Бўлуб тобора гофил роғиби симу заҳабдурман.

Шариат жодасида доим эрмасман, ишонманглар,  
Агарчи олиму фозил ва ё олий насабдурман.

Умиди яхшилик қилманг манингдек рўсиёҳлардан,  
Ажамман, яъни турку тожик ва ёки арабдурман.

Кудурат бирла умр ўтти вужудим бир зиё кўрмай,  
Самарсиз, мевасиз танҳо қуруқ бир най қасабдурман.

Етибдур ёйи мақсадға ҳама ёронларим сероб,  
Эрурлар, ман ҳамон ноқис қуруқ бир ташналабдурман.

Вужуди авлиёлардан сафойи қалбиға лойиқ,  
Бўлурманму, Амоний интизори файзи Раббдурман.

## ТАТИМАС

Баҳори умрим ўтибдур дилим қаро татимас,  
Бошимға соя тушурса агар Ҳумо татимас.

Ватанда бўлмасам эркин нетай бу ерларда,  
Агарчи қанду асал ей, заҳар манго татимас.

Замона даври манга ҳам мавосо қилгил дер,  
Мавосо қилсам ибодат бўлур ҳабо татимас.

Чунончи касби камолим учун эрур моний,  
Вужуд гарчи саломат бу тан аро татимас.

Дилимға доғи кифоя қилур бу давр ичра,  
Висоли бўлса муяссар кўзи қаро татимас.

Дақиқ илмда бўлсам чунончи донишманд,  
Валек ҳақни демақда бу можаро татимас.

Ҳануз бўлмади жорий дилимға зикри Худо,  
Кафанда гўрда бўлурму бу иш бажо татимас.

Бу хилда бўлса ҳаётим губор олуда,  
Қачонки ювса даврон сели расо татимас.

Залолат ўлди мураббий Амонлигим қолмади,  
Бу ерда қиздур — ўғилдур анга ҳаё татимас.

## ҚАРОСАН-КУ

Ўзунгни ўйла, эй дил, ғояти бул кун қаросан — ку,  
Ўролғон жумла исёнлар била олуда посан — ку.

Сани шаънингда йўқдур аҳли маъниларни изоби,  
Вужудинг беадаб ғофил мисоли чорпосан — ку.

Сени касби камолинг доимо нафсингни амридур,  
Бўлуб сен ходими худбин ўзунгга мубаталосан — ку.

Қачон нафсинг хилофига юруб амрини тарк эттинг,  
Ҳамиша жону дил бирла қилиб амрин бажосан – ку.

Ўлум ёдингга келмайдур саноғлиғ бўлса умринг ҳам  
Мисолинг ўйламайсан кўб кишилардан жудосан – ку.

Бу хилда бўлса хавфинг йўқ Худованди таъолодан,  
На кечгай охири ҳолинг ниҳоят рўсиёҳсан – ку.

Аёғи яхшиларни нега тортарсан, аё худбин,  
Ўзингни тонимайсан маърифатсиз беҳаёсан – ку.

Қачон амри шариатда муқим ўлдинг бажону дил,  
Менам мўъмин – мусулмонман деган ҳар доимо сан – ку.

Ҳаводисларга нега сабр қилмайсан жазъ айлаб,  
Қани баҳра тариқатдан ўзинг сўфинамосан – ку.

Замона даври охир қилди сандекларни кўб мажруҳ,  
Қани тавбанг, қани сабринг, тузалмай бедавосан – ку.

Ўзингни қилмишингдан кўр, қилиб тавба – тазарруълар,  
Ваҳолонки насиҳатгўй эдинг бу халқ аросан – ку.

Агар чандики шаънинг ичра йўқдур ҳеч хайрийят,  
Ема гам, эй Амоний, уммати ул Мустафосан – ку.

### **МУСАДДАСИ ФАҚИР УЛ-ҲАҚИР АМОНИЙ АРАБОНИЙ**

салламахуллоҳу таъоло сумма раҳимахуллоҳу  
таъоло раҳматан восиъатан

Дилим, доим умид этма кутиб зикри Худо биздан,  
Бу чин мўъмин – мусулмон деб тилаб нури зиё биздан,  
Кўрурсан – ку шароратга ботиб амри қазо биздан,  
Ҳақиқат ҳар ёмонлар, бедаблар, беҳаё биздан,  
Туролмай бора – бора қолмади охир расо биздан,  
Пароканда бўлиб тўздик, талаб қилма шифо биздан.

Саботи йўқ хазондек пулға сотилгон гаодурмиз,  
Адашган роҳи ростдан ҳар хатони ушлаган кўрмиз,  
Уёлмасдан яна биз ул уммати Мустафо дермиз,  
Худоё, қилма шарманда, ёмон пешонаси шўрмиз,  
Фирибгар, аҳди ёлгон бўлди шайтонлар ризо биздан,  
Қочинглар юқмасун дунёга феъли баднамо биздан.

Бугунги қора кунни бошга солди феълу хўйимиз,  
Залолат ичра ғамда бўлди заъфар ранги рўйимиз,  
Саситти водийи Фарғонани олада бўйимиз,  
Ҳанузам бўлмади ҳам тавба айлаб тор мўйимиз,  
Бугун миллат аро йўқдур бугун рўйи сиё биздан,  
Қочарлар пок тийнатлар тамоми авлиё биздан.

Қилишмай аввало олим ўзи бу дин учун хизмат,  
Ҳавойи нафсга аввора бўлиб қилдилар ҳасрат,  
Аро йўлда қолиб суннат қилишди жумласи бидъат,  
Сабаб шулдур, биродарлар, азизлар тортгилар кулфат,  
Мусулмонлар, туриб ўйланг, ўтиб жумла хато биздан,  
Топилганму бу миллатга ўшал кунлар фидо биздан.

Етиб таърихи Фарғона бузулди, беҳаё бўлди,  
Қўшилса вой таърих жумла мўъминлар адо бўлди,  
Шариат поясиға маҳкам осилмай жудо бўлди,  
Шунинг – чун бул мадорис, хонақолар ҳам фано бўлди,  
Мусулмонларни корини эшитманглар расо биздан,  
Уёлиб тортмасин руҳи чирилаб бир изо биздан.

Мударрислар мадорислар аросида бўлиб ноим,  
Чунончи маснади олий қазода хоину золим,  
Шариатга фидо бўлсун демасдан бир қошиқ қоним,  
Риоя поси хотир, ришваларға мубтало доим,  
Фасоди дини миллатга сабаб шулдур садо биздан,  
Боқинг амри шариатга агар бўлса хато биздан.

Биродарлар, мусулмонлар, ниҳоят қилдилар туғён,  
Тариқи шаръдан ғофил тажовуз айлашиб альон,  
Ҳаё қайда Амоний ошкоро қилдилар исён,  
Уёлиб қайда ор айлар шарорат пешадур хандон,

Бу ишга рози бўлмаслар Расули мустафо биздан,  
Муборак юзларини қайтарур маҳшар аро биздан.

## НАФС ДЕБ

Ёшлик айёмим, афсус, ҳайф бўлгон нафс деб,  
Ғояти мақсадга етмай, йўлда қолгон нафс деб.

Ўтти умрим, топмадим, шул дамгача фазлу камол,  
Бўлди бемаъни бу хилда умр чандон нафс деб.

Кўнмадим ҳаргиз риёзатга паришонлик билан,  
Турфа беҳосил эрурман, яъни нодон, нафс деб.

Доимо раъйига тобиъ, хоҳишига мубтало,  
Русиёҳ шармандаман, кўнглим паришон нафс деб.

Холий тоатдан ҳамиша, ҳиммати йўқ, саъйсиз,  
Қилмишим кони зарар, ҳар кунда исён нафс деб.

Бош эгиб фармониға расво бўлиб қолган бугун,  
Беқаноатман, ақлсиз, мисли ҳайвон нафс деб.

Бандалик бир йўл қила олмай ҳузури дил билан,  
Ғарқдурман маъсият баҳрига альён нафс деб.

Амри шаръ этмак бажо душвор ўлуб бул кун манга,  
Шул замонларда залолат бирла дил қон нафс деб.

Сарф қилмасдан риёзатга умрни туну кун,  
Нури файзига эришмак қайда осон нафс деб.

Оҳ, умримни чунон тўвли амал айлаб хароб,  
Етти ғафлат бирла бу умримға нуқсон нафс деб.

Нафс урушин Мухбири Содиқ деди катта жиҳод,  
Шул сабаб бўлди ҳалок бир қанча инсон нафс деб.

Доимо излаб сабаб оввора бўлсам ризқ учун,  
Тобмадим тақдирдан ошуқча бир нон нафс деб.



Бир минг уч юз қирқдан тортиб бу Фарғона эли,  
Чиқди роҳи шаръдан мардону нисвон нафс деб.

Чун сана етмишдан ошса ҳам тузалмай бу замон,  
Кийди яктак қўрқишиб муллою эшон нафс деб.

Гарчи даъвода мусулмон аҳли суннатман деган,  
Кўб кшилар динини барбод бергон нафс деб.

Ё Илоҳий, бер манга нафсимни шарридан амон,  
Бўлмайин охир нафас ҳамроҳи Шайтон нафс деб.

Бўлмаса сандин ҳидоят ушбу кунларда манга,  
Осон эрмас бўлмоғим комил мусулмон нафс деб.

Пири комил доманин ғоятда маҳкам ушламай,  
Борму нури файз дилга ёқилгон нафс деб.

Қадрига етмас бу беш кунлик Амоний умрни,  
Анқариб охир эрур бир дамли меҳмон нафс деб.

### **МУСАДДАСИ ФАҚИР УЛ-ҲАҚИР АМОНИЙ АРАБОНИЙ**

салламахуллоҳу таъоло сумма раҳимахуллоҳ

Ҳамиша орзуйи нафсга ходими муҳайёман,  
Амалда зарра тақво йўқ, асири доми дунёман,  
Хароби дил эрурман, зоҳирма гарчи зебоман,  
Ёмон олуда бўлган ботинимда кори бежоман,  
Гуноҳи жумла осийлар ариқдек оқса дарёман,  
Бўлурманму ахийри аҳли диллардан Худоё ман.

Мени бу нафси амморам қилур аввора саргардон,  
Риёзат қилғоли кўнмай, тариқат йўлида чандон,  
Паришон айлади доим умрни ўтқариб нодон,  
Залолат бирла ҳозирда бўлуб олудаи исён,  
Гирифтори алойиқ, молу фарзанд бирла маъвоман,  
Бўлурманму ахийри аҳли диллардан Худоё ман.

Сафойи қалб қайда бу саводи жумлаға мағрур,  
Қачон мен соҳиби диллар аросида бўлай манзур,  
Саропо ишларимни ўйласам бемаънийи машхур,  
Худоё, қилма ҳаргиз аҳли диллар наздида мақхур,  
Бўлай доим аларни ҳурматидин аҳли тақвоман,  
Бўлурманму ахийри аҳли диллардан Худоё ман.

Етиб ёшим бу ерга тобмадим зикри Худо дилдан  
Ўтар бу умри беҳуда ювилмай кўб хато дилдан,  
Тополмасман дариго бир зиёни бу қаро дилдан,  
Замона даври охир қўймади аҳли расо дилдан,  
Адашган остони яхшидан бесару поман,  
Бўлурманму ахийри аҳли диллардан Худоё ман.

Замона даври қилди яхшиларни мунда беҳурмат,  
Аларни хоки пойини ўпарга тобмадим фурсат,  
Ва ё дори алойиқдан кечиб ман қилмадим ҳижрат,  
Мусулмонлар чиқиб диндан ёмон хор бўлди бу  
миллат,  
Бу ерда бу шарорат пеша аҳли бирла расвоман,  
Бўлурманму ахийри аҳли диллардан Худоё ман.

Қачон мен истиқомат қилдим одоби шариатда,  
Хароби дил паришонлик ҳолим тариқатда,  
Гумон айлар халойиқ яхши деб шул дину миллатда,  
Ваҳолонки вужудим жумла исён бирла гафлатда,  
Эсиз умрим даноат бирла ўтган оти мулломан,  
Бўлурманму ахийри аҳли диллардан Худоё ман.

Агар чанди Амоний камтарин рўи сиёҳ уммат,  
Тиларсиз сиз Худоға тавба айлаб доимо шафқат,  
Келурму ёдингизга осийлар, ё мустафо Ҳазрат,  
Тушубдур бошимизга ушбу кунлар неча хил кулфат,  
Дилим қон, ё Расулаллоҳ, қилиб доим мадоро ман,  
Бўлурманму ахийри аҳли диллардан Худоё Ман.

## ҲЕ, НОИНСОФ

Тариқи шаръдан чиқдинг қилиб тугён, ҳе ноинсоф,  
Хилофи шаръға ҳозир бўлуб чиқгон, ҳе ноинсоф.

Мусулмонлиқ тилингда қолди, йўқдур зоти феълингда,  
Дилингда зарра хавфинг йўқ қилиб исён, ҳе ноинсоф.

Билурсан йўқ эдинг асли, вужудинг банди – бандини,  
Адамдин бор қилгон Ҳазрати Раҳмон, ҳе ноинсоф.

Ҳаётинг қадрини билгил, ўлум ҳам бор, ғофилсан,  
Бу танни соғлиғи, жонинг санга меҳмон, ҳе ноинсоф.

Агарчи зоҳиринг зебо эрур бу халқ аро лекин,  
Ёмонлиқ зоти феълинг ичрадур пинҳон, ҳе ноинсоф.

На омилсан, на аҳли дил, вужудингни тамошо қил,  
Ўролгансан гуноҳларга сўзи ёлгон, ҳе ноинсоф.

Халойиқлар аросида ўзунг сўфинамодурсан,  
Вале хилватда фосиқсан кўпуб ётгон, ҳе ноинсоф.

Амалсиз муддаий, худбин эурсан, гарчи олимсан,  
Ишинг йўқ куйса миллатга иборатхон, ҳе ноинсоф.

Бу қилу қол аро қолгон эурсан бебасар доим,  
Чунончи аҳли дилларга қилиб хандон, ҳе ноинсоф.

Варақгардон эурсанки, тилинг "ло"у "наъам"га бой,  
Дилинг дунё иши бирла тўлуб қолгон, ҳе ноинсоф.

Хатокор аввали сенсан, Расулуллоҳга хоинсан,  
Фасоди дину миллатга сабаб бўлгон, ҳе ноинсоф.

Агарда бўлса кайфийят бугун қалбинг аросида,  
Ҳаводислар бўлур эрди санга осон, ҳе ноинсоф.

Валоят қайда қалбингда, ўзунг айт, кўрқиб Аллоҳдан,  
Туш, эй сажжодадан нодон демай эшон, ҳе ноинсоф.

Шариатни, тариқатни кўрурсан хор қилганлар,  
Қочарга бир пано истаб бўлур гирён, ҳе ноинсоф.

Қолиб дунёни ҳирсига, қулоқ солмасдин амрига,  
Чунон мулки фаровондин жудо бўлгон, ҳе ноинсоф.

Қачон қилдинг саховатлар, адо айлаб закотингни,  
Дилингдан чиқди ҳаққи неъматин алвон, ҳе ноинсоф.

Ғанийсан ёки эшонсан, агарчандики олимсан,  
Ўзунг айт, борму инсофинг, ҳа ноинсоф, ҳе ноинсоф.

Залолат бирла Фарғона эли амри шариатдан,  
Чиқиб, бўлди ҳама юртлар бу хил вайрон, ҳе ноинсоф.

Бу кунги таърихий сўзу воқеаларга тилим йўқдур,  
Замондан қўрқаман, йўқса дилимдур қон, ҳе ноинсоф.

Вале диний биродарлар аёғ остида матъундур,  
Ривожи дин учун йиғла, ўқуб Қуръон, ҳе ноинсоф.

Бугун мен ҳам мусулмонман деганларни Амоний топ,  
Шариатдан агар йўқдур, қани иймон, ҳе ноинсоф.

### **МУСАДДАСИ ФАҚИР УЛ-ҲАҚИР АМОНИЙ АРАБОНИЙ**

раҳимаҳумуллоҳ ба такрори ду банд

Тариқи мақсада қўйуб саҳар қадам, уйғон,  
Ғанимат айла тазарруъ санга бу дам, уйғон,  
Ки шояд этса тараҳҳум била карам, уйғон,  
Худони ёдида ҳар дам дилим, сенам, уйғон,  
Ҳамиша зикрини айлаб кўзингда нам, уйғон.

Ўзунгга келгилу ҳолинг учун дили қон бўл,  
Ёмондур ўйла қилмишингга гирён бўл,  
Бу гафлат ила ўтар умрингга пушаймон бўл,  
Худони ёдида ҳар дам дилим сенам, уйғон,  
Ҳамиша зикрини айлаб кўзунгда нам, уйғон.

Гунаҳни лойиға ботиб қачонгача юрасан,  
Яқодин ушласа бир кун умр битиб ўласан,  
Бу хилда бандаи ожиз бўлуб туриб куласан,  
Худони ёдида ҳар дам дилим сенам, уйғон,  
Ҳамиша зикрини айлаб кўзунгда нам, уйғон.

Ҳавойи нафс ила дунё қаддинг дуто қилди,  
Азиз умрингни гафлат билан адо қилди,  
Тур эмди бу дунё кима вафо қилди,  
Худони ёдида ҳар дам дилим сенам, уйғон,  
Ҳамиша зикрини айлаб кўзунгда нам, уйғон.

Хароб дилсан Амоний бўлолмаган огоҳ,  
Қўлунгда зарра амал йўқ сафар қилурсан, оҳ,  
Йўлда ҳеч киши санга бўлолмагай ҳамроҳ,  
Худони ёдида ҳар дам дилим сенам, уйғон,  
Ҳамиша зикрини айлаб кўзунгда нам, уйғон.

## КОТИБ

Ҳақиқий фазл арбобиға ходим бегумон котиб,  
Хусусан аҳли диллар остониға равон котиб.

Вужудиға пано истаб ўпар ҳар аҳли дил пойин,  
Тамалуқ, илтижо айлаб бағишлар балки жон котиб.

Бу йўлда кўб азизлар остониға бошим урдим,  
Қилурға мосиво ўзни, нафсга посбон котиб.

Ўполмай қолиб охир хокипойи яхшиларни ҳам,  
Бу кунларда умрдан қилди ҳар дамда зиён котиб.

Жудо қилди замона яхшилардан норасоларни,  
Шунинг — чун жумла мақсад нотамому нотавон котиб.

Тахаллусдур Амоний аҳли дилларни аросида,  
Вале ушбу замона аҳли айтурлар Амон котиб.

Замона даври шаънимдан кўруб диний хутутларни,  
Ҳама доно ичида қилди машҳури замон котиб.

Вужуди тўла исён, камтарини аҳли Фарғона,  
Туғулгон жойини номи Чилустун Арабон котиб.

Амоний қайси байтидан мулойим бўлса ҳар кўнгил,  
Дилидан ўткарурлар деб ўзиға таржимон котиб.

## БОР—У

Дилим, сен мунча ғам ерсан, яратгонинг Худо бор—у,  
Карамлик бандапарвар подшоҳ мушкил кушо бор—у.

Санингдек уммати рсво гуноҳини тилаб ўтган,  
Жаноби Сарвари Олам Муҳаммад Мустафо бор—у.

Умидим чорёридан, аларга илтижо қилсанг,  
Абу Бакру Умар, Усмон, Алиййул Муртазо бор—у.

Хаворижларга бошини тутиб, берганда жонини,  
Қазоға рози бўлган ул Ҳусайни Карбало бор—у.

Қачон роҳатга мўъминлар туғулғондур, шафиъ этсанг,  
Бўёлғон қонига қанча шаҳиду авлиё бор—у.

Табаррук айласанг ҳоло туғулғон жой юртингда,  
Тиларға истиёнат ҳам мадад Дулдул Ато бор—у.

Мазори фойиз ул—анвор Дулдул Ато ҳар кун,  
Зиёратларни қилсанг турбати ота—ано бор—у.

Мисоли Мавлавий Жомий тариқат пиру устози,  
Бу Фарғона элидан қанча олим раҳнамо бор—у.

Адашган бандаларға ҳодийи ноқислара комил,  
Мужиби ҳолу қолу аҳли диллардан расо бор—у.

Ниҳоятда ғаниматдур ҳаётинг, бўлмағил ғофил,  
Ишонма умрға бир кун ҳақиқатда фано бор—у.

Тириклик вақтида дилни Худо зикрига ўргатгил,  
Бу ишдан бошқасида охири воҳасрато бор—у.

Ҳамиша адлидан қўрқуб гунаҳға тавбалар қилсанг,  
Санингдек осийларға, ғам ема, фазли Худо бор—у.

Умрни жойиға сарф эт, Амоний, сен бўлуб ҳушёр,  
Санга келмасдан аввалроқ, билурсанким, қазо бор—у.

## КҮНГЛИМ БЕГУБОР

Ёру дўстга беғаразман асли кўнглим беғубор,  
Бор умидим айласам мен қиш кўнгилни навбаҳор.

Оре яхши бўла олмай ўтти умрим то бу дам,  
Кўб хижилман ўз дилимда қилма мани шармисор.

Яхшиларга мен очуқ юз қўлда бўлса бўлмаса,  
Душманимдур ул кишилар бор бўлуб бўлса тор.

Хийра бўлмас табъим олий бор – йўққа мутлақо,  
Бору йўқлик фахр бўлса анбиёлар фахри бор.

Яхшилардек бўлмаса ҳам яхшиларни излаган,  
Бир қули ман топмадим қайда бўлсам интизор.

Яхшиларни остони манга ҳар вақт такягоҳ,  
Тонимоқим фахр бўлди баъзиларни зарравор.

Яхшиларни тобмадим, аммо яхши фурсат тобмадим,  
Кўб залолат ичра қолдим танг бўлуб бу диёр.

Ақсар умрим ўтти кўрсам эмди бул кун дил қаро,  
Шул сабабдан эмди манда обрў йўқ эътибор.

Қоқ – қуруқман кони ғафлат, кони нуқсонлар билан,  
Бўлса жумла ёру дўстлар муттақий парҳизгор.

Шукр комил бўлмасам ҳам дўст тутарлар ул гуруҳ,  
Топса шояд зеб қалбим бу вужудим ҳам оҳор.

Қайда ориф, қайда доно бўлса сиғдурмай замон,  
Хор айлаб, музтар айлаб йиғлатадур зор – зор.

Манга ўхшаш зарралар қайда бўлсам хавф аро,  
Умрим ўтти ташвиш ила катта юртим бўлди тор.

Номуносиб беҳаёлар суҳбатидан доимо,  
Қочиб ўтгим ҳатгал – имкон бовужуд шаббу наҳор.

Яхшилардан истиъонат ҳам мададлар излабон,  
Тилда жорий авлиёлар ҳам саҳоба чорёр.

Гар ашадди пур хатоман, ё Расули Мустафо,  
Лутфингизга шул замонлар гояти ман интизор.

Чунки фитна ҳам фасоду ҳам шароратда Амон,  
Қолди ҳозир, чора йўқдур боқмасангиз бир қатор.

## НАФСИМ

Ҳар бир нафасда айлар оламни тор нафсим,  
Кўрсатмайин кўзумга лайлу наҳор нафсим.

Махлуқ кўбдур оре, йўқдур бу хил муҳаррик,  
Андишаси ғазога қишу баҳор нафсим.

Хоҳиш қилур тамоми дунёни лаззатини,  
Зандур ва ё кийимдур бу беқарор нафсим.

Бекулфат бўлса ҳосил осойиши ду олам,  
Деб ранжи қоҳишидан қилгай фирор нафсим.

Раъйига зарра кирсам ташвиши олам ила,  
Бир дамда бошга солгай турлук шарор нафсим.

Тамкини йўқ, адабсиз, ҳар бир нафасда осий,  
Дунёву охиратга ақли қисор нафсим.

Қаҳри Худодин асло қўрқмас ажаб бу золим,  
Ҳеч бир кишидан этмай номусу ор нафсим.

Нафъи учун чеколмай андак жафо ҳамиша,  
Матлуб ишларидан доим канор нафсим.

Ҳиммат эрур саропо суфлийга ҳар туну кун,  
Улвийга йўқ хироми бесаъйи кор нафсим.

Гар қилмасам қаноат айлар ҳалок ўзумни,  
Аввалда қониъ эди, ҳозирда мор нафсим.



Мардона ҳимматимни гар боғламай белимга,  
Юрсам, балога ҳозир айлар дучор нафсим.

Ваҳ мунча васфи мазмумлар била бовужуди,  
Бефикр ўзига айлар кўб ифтихор нафсим.

Солғил Худоё нафсим (бу кун) яхши йўлига,  
Бўлсин ҳидоятингдин шайхи кибор нафсим.

Қилмай ани Худоё мардуди ҳар халойиқ,  
Марғуби инсу жин қил ҳар дамда бор нафсим.

Иссиқ – совуқ демасдан амрингда қойим ўлғай,  
Мақбул қулларингдан бўлсун шумор нафсим.

Ҳар дамда маърифатни бўйин олиб димоғим,  
Бўлсун иноятингдан чоғи баҳор нафсим.

Ҳар важҳдин Худоё шармандаи ду олам,  
Этмай бу ожизингни бўл роҳбор нафсим.

Доим умид этарман қўлни дуога очиб,  
Қилма ҳамиша омин чун хору зор нафсим.

Тавфиқ бер Амоний бандангга, эй Худоё,  
Гумроҳи бебадалдур, Парвардигор, нафсим.

## АРЗИ ҲОЛИМ

Арзи ҳолимга солинг ёру биродарлар қулоқ,  
Бўлмади дарду алам, ғамлар бугун мандин йироқ.

Инқилоби даҳрдин ғоят оғир беморман  
Бу сўзум ёлгон эмас, ёлгон десанг, рангимга боқ.

Оҳ, ҳижрат қилмадим, вақтида гайрат қилмадим,  
Эмди найлай тўрт тараф маҳкамланиб бўлди қамоқ.

Чунки бу юртим аро мамнуъ эрур аҳкоми дин,  
Қайда бўлса аҳли дин пешонасида бир таёқ.

Ҳайф умримни баҳори ўтти нодонлар билан,  
Бевафо занлар учун тортиб яна ранжу фиरोқ.

Айб ўзимда кетмадим аввалда яхшилар билан,  
Айрилиб қолиб алардин бўлди аҳволим чатоқ.

Бормукин ёруқ жаҳон хаста Амонийға бу кун,  
Шарқдин ё Фарбдин йўллар очилса тезтароқ.

### **КИМДУР БУГУН?**

Ҳар ишлари тоат била содиқ расо кимдур бугун,  
Қалби салим тобган улуғ чин раҳнамо кимдур бугун?

Даври фалак ҳар хонадан ҳар қанча кўрса ҳам зарар,  
Собир бўлуб ҳиммат била тобган ризо кимдур бугун?

Охир замон бу вақт аро собит қадам нафс ўлдуруб,  
Қийналса ҳам ўз тоатин қилмас қазо кимдур бугун?

Ўз диниға маҳкам равон ташвишлик гарчи замон,  
Аллоҳни деб жон қийнагон марди Худо кимдур бугун?

Олий назар дилдан ўтиб, ихлос ила маҳкам тутиб,  
Хидмат ила дил эритиб олган дуо кимдур бугун?

Яхши эрур ёки ёмон бир – бир ўлуру имкони йўқ,  
Ё очдур ё қорни тўқ бўлмас фано кимдур бугун?

Гурбатдадур ким турмуши фахр айласа арзир иши,  
Келса ажал тоат билан бўлган адо кимдур бугун?

Банда бўлуб омил эмас, қайда анга бир дастрас,  
Маълум эрур биздан эмас диндан жудо кимдур бугун?

Бошга агар келса бало чин бандаси бўлган ризо,  
Шокир бўлуб ҳамду сано айтган анго кимдур бугун?

Излаб кўнгил тортару ғам, ҳар яхшиға айлаб карам,  
Эҳсон учун босган қадам ҳожат раво кимдур бугун?

Бу давр аро парҳизи йўқ ҳар нарсага оғди кўрунг,  
Тақво қилиб бир чеккада турган расо кимдур бугун?

Ташлаб дилин вайронаға, яъни фақир бехонаға,  
Лутфу карам ҳурмат билан боққан анго кимдур бугун?

Яхши эрур ёки ёмон эҳтиёт бўл Мулла Амон,  
Бешак эрур охир замон чин ошино кимдур бугун?

## БИЗГА

Бу ҳолат бирла кетса, вой – вой, мундоқ замон бизга,  
На ҳожат боғу айвон, хона, яхши ошён бизга.

Умрни сарф қилманглар бугун беҳуда ишларға,  
Ниҳоят оз кунлик умримиздур меҳмон бизга.

Хароби дину миллат бўлдик охир, эй мусулмонлар,  
Куларлар бошқа миллат аҳли кўрса бегумон бизга.

Ҳавоға ғарра эрдик динимиз ҳолиға боқмасдан,  
Етар офат шунинг – чун ошкоро бу замон бизга.

Ҳалокат ўқиға бўлди нишона аҳли Фарғона,  
Ватанлар тор турмоққа ошиқлик қилди жон бизга.

Хусусан бўлса доно аҳли дилдан қолдиму ҳозир,  
Қани олим, қани зоҳид, қани шайхи замон бизга.

Ўзини қадриға етмай, шарият амрида турмай,  
Адашган қайси миллат деса боқсунлар томон бизга.

На зоҳидмиз ҳақиқатда , на олим динпарвармиз,  
Шунинг – чун илмсизлар деб боқарлар ҳар қирон бизга.

Замон Қуръони ҳикматға чақирса бизни олимлар,  
На ҳожат деб ахийри қилди қонларни равон бизга.

Қани энди алар кўрса илмсиз поймол ўлдик,  
Қани айтсинчи очиб масжиду азон бизга.

Мазороту мадорислар, масожид,хонақоларни,  
Кўрурсизлар налар қилди,ҳақоратдур ёмон бизга.

Эзилдик, хор бўлдик тор, бўлиб жойимиз бул кун,  
Қани эмди бўлур кимлар ҳимоят посбон бизга.

Бу кунни кўрмасунлар, куймасунлар, эй сабо, айтғил,  
Керакмас, ходими миллат эмас ҳар меҳрибон бизга.

Дили дини ғамида бўлмаса қон олма оғзинга,  
Агарчи пешводур, ошинодур жонажон бизга.

Ҳимоя қилди осмонда учиб динини ғайрилар,  
Демасмиз дину миллат бўлса басдур ошу нон бизга.

Ривожи дин учун бизлар кечолмай бир қошуқ қондин,  
Бу хилда хонавайрон қилди боқмай бу замон бизга.

Қачон чиқсун бу мотамлар мусулмонларни кўнглидин,  
Сабақ бўлгай бу кунги қора кунлар ҳар замон бизга.

Чароғи дийнимиз ҳам ёқилиб ҳар қайси юртларга,  
Бўлурми, эй Худоё, бу ватан дор ул – амон бизга.

Ҳимоя қилғудек динин Амоний бизда қувват йўқ,  
Қачон осмон йўли қўлга кирур, ерларда кон бизга.

### **БОШЛАМАЙМИЗМИ?**

Кел, эй инсофа нафсим, дарси дилдан бошламаймизми?  
Бу ишдин бошқа дунё ишларини ташламаймизми?

Ҳама ҳою ҳаваслардин кечиб бу ҳамнафаслардин,  
Худо деб то ахийри дамга ёзу қишламаймизми.

Сени раёинг била бўлдук икимиз тоза ҳам расво,  
Келиб бир ўзимизга бошимизга муштламаймизми.

Басидқи дил бу дамдин тавба айлаб жумла нуқсонга,  
Саҳарларда туриб йиғлаб кўзимиз ёшламаймизми.

Дариғо умримиз ўтти уринмай дилни дарсиға,  
Бизам бир пири доно доманини ушламайими.

Бўлайлик садқаи неъмат,ани еб қилмадик тоат,  
Китоби маърифатдин нур дилға ишламайимизи.

Амоний дилни дарсини қилиб ҳар дамда юз такрор,  
Биёбонларда чўбларни ғазоға тишламайимизи.

## УЛФАТИМ

Хийра айлар табъими ножинс нодон улфатим,  
Талх этар ҳар суҳбатим, ҳар бир таому шарбатим.

Ихтилот этмаслигимга чора йўқ найлай бугун,  
Бовужуди қолмади бу халқ аро бир ҳурматим.

Ҳайф умрим, ёшлигим нобуд қилди бу замон,  
Воқеа мушкил эрур, сўзларга йўқдур журъатим.

Яъни даврон шўриши ақлим олиб, қилди карах,  
Нест бўлдим, қолмади бир нарсага ҳеч қудратим.

Ҳар тарафдан ҳар сабабдан ғояти нозик бўлуб,  
Қолмади сабру таҳаммул, эй Худое, тоқатим.

Хўб ўзимни (асрадим), эҳтиёт қилдим бўлмади,  
Булғаниб бу ҳалқумим жилди жойдан тоатим.

Доимо кўрқиб бу кунлар шарридин, истаб паноҳ,  
Жойу юртимдан чиқиб ҳар ерда ҳайрон сувратим.

Мен яратгандан агарда шунчалик кўрқсам эди,  
Бўлур эрди ҳар ибодатда зиёда лаззатим.

Мандаги ҳижрону ғам, ўзум билурман кўб алам,  
Кўнглима қил сифмагай, бемордур ҳар бир этим.

Охири бошим силаб Саддатаги берди паноҳ,  
Умидим ёнса мени бу истиқоматдан ўтим.

Сақла бул кун шарридан Парвардигори олабийн,  
Бўлмасун зойиъ ҳамиша дийну иймон, тоатим.

Яхшиларни ушбу кун гардини излаб топмадим,  
Довдираб бўлдум чунон пушги паноҳсиз бир етим.

Бўлди аҳъдим хароб, ўнгламадим то ушбу дам,  
Сувратим зебо эмас, тоат билан ҳам сийратим.

Зоҳирим ҳам ботиним олуда, ёронлар, бугун,  
Борму бешубҳа таом бу ерда, луқма бир ютим.

Чиқмадим ҳижрат қилиб ул дамда мен гайрат билан,  
Эмди йўллар банд бўлуб, бўлди дилимда ҳасратим.

Шаръ рухсат бермагай, маъзур мўъминга бугун,  
Чунки дор ул – ҳарбдек манъ ўлди ҳукми миллатим.

Хийрабекни аҳлидек арвоҳлари манга ёқиб,  
Илтифот айлаб алар бўлди мураббий улфатим.

Шул сабадан мен аларни хокипойини ўлиб,  
Жилмадим то ушбу дам бўлмай бўлмай ижозат  
рухсатим.

Мамлакат Фарғона, жойим қайда билмасман Амон,  
Қайда бўлсам, оҳ, найлай, хор кўрдим миллатим.

Амоний Арабоний салламаҳуллоҳ  
сумма раҳимаҳуллоҳ 1363 ( 1943 )  
ҳижрийа 16 шаҳри муҳаррам.

## ҲАММА КЕЛДИ

Ҳамма келди, келмадинг, айлаб мани кўб интизор,  
Хат ёзиб ойлар аро алдайсан, эй кўзи хумор.

Йўқ десам, келгай хатинг, бор десам, йўқсан ўзинг,  
Оҳ, қандоқ сўз эрур, куйдирмажон, қандоқ нигор.

Бўлди кўб йиғлатмагил, хатлар ёзиб, эй (дилрабо),  
Сенсиз охир танг бўлди бу кунларда бу диёр.

Аввали эрдинг яқин, фурқатларинг ҳам оз эди,  
Ҳозири бўлдинг узоқ, фурқатларинг ҳам бешумор.

Ташналар бўлдим санга, чунки қадрдоним эдинг,  
Ҳеч кими содиқ эмас сандек манга дил беғубор.

Ҳар хатингга бир жавоб ололмасанг, сабр айлагил,  
Чунки ҳайрондуур қалам мақсадни ёзолмай қатор.

Ҳар қачон келса агар сандин манга озода хат,  
Қабзият бўлган дилим бўлгай у дамда навбаҳор.

Ҳар хатинг келган сари меҳринг дилимга ўт ёқар,  
Ўт ёқиб куйдирма кўб хатлар ёзиб лайлу наҳор.

Бўлса мандек санда ҳам ишқу муҳаббатдан асар,  
Кўришурмиз бир куни, албатта, бўлма беқарор.

Мунча шўришлар бугун беҳикмат эрмас, бўл ризо,  
Мени сендин, сени мендин айриган Парвардигор.

Айладинг, ё Рабб, мани кўб меҳрибонлардин жудо,  
Битта ҳам қолғони йўқ суйганларимдан барқарор.

Умрлар сувдек равон, дамдуур ганимат бул замон,  
Кўрсатурмукин сени манга бугун Парвардигор.

Ўзига осон эрур келтурса хаттингдек манга,  
Тинч Амон айлаб сани бул кун баҳаққи чорёр.

1363 ( 1943) 16 муҳаррам ул — ҳаром.

### ЭЙ АМОНИЙ ...

Эй Амоний, ажаб нодонсан,  
Зоҳиру ботини паришонсан.

— 79 —

Нозир ўл ҳолингга на шайсенким,  
Боби одамда номи инсонсан.

Нури дил била бўлмасанг мумтоз,  
Ғайрисида баайни ҳайвонсан.

Чиқ камола камоли нуқсондин.  
Саъй бирла бақадри имкон сан.

Уйғониб зикри дилға ҳозир бўл,  
Йўқса бир номурод ақронсан.

Кел ўзингга, қилиб риёзатлар,  
Қувватинг борида фаровон сан.

Қоқ ғуборинг, (юрақдан) нийят қил,  
Баъдаз он ҳар амалда султонсан.

Қайси бир қилмишинг мувофиқи шаръ,  
Ўйла даъвода бир мусулмон сан.

Яхшисан ё ёмон, бу дунёдин,  
Ўтгувчи бир мисоли карвонсан.

Бўлмасанг жодаи шариатда,  
Вой, хавфи заволи иймонсан.

Ушлагил домани бу дарёни,  
Мақсадинг бўлса, дурри ғалтонсан.

Тут ғанимат тириклигинг ҳар ҳол,  
Чунки ҳар бир нафасда меҳмонсан.

Бўлмагил толиби хасу хошок,  
Чунки улви мақом инсонсан.

Жанг қилғил, Худо зафар берсун,  
Нафс ила тун – кун алоён сан.



Сабр қилсанг бу жангни ранжиға,  
Охири кор моҳитобонсан.

Енгмасанг сен ани тирикликда,  
Икки дунёда хору сарсонсан.

Кел, бу сўздин натижа ҳосил қил,  
Яъни қилсанг умиди жонон сан.

Фафлат уйқусидин кўтарсанг бош,  
Оқибат муддаога етгайсан.

Эй Амоний, хароби дил бўлсанг,  
Қоқ қуруқсан, ахийри ҳайронсан.

### МЕН ЎЗУМ ...

Мен ўзум эрдим ёмон, бўлдим ёмонларга дучор,  
Яхшиларга ҳамнишин бўлмоққа эрдим интизор.

Ниятимга етмадим, ҳижрат қилиб ё кетмадим,  
Чунки бу Фарғонада бўлди шарорат ошкор.

Даҳрийлар ҳоким бўлуб, муртадга бердилар ривож,  
Қайда бўлса аҳли дин қилди аларни тору мор.

Шул чун масжид, мадорис, динимиз вайрон эрур,  
Қолмади ислоҳи динга ҳеч кимда бир мадор.

Ўзимизни динимизни саҳнада айлаб ўйин,  
Қилди кулги масхара қанча ҳақоратларки бор.

Бўлди бизларга хиёнат шул замон изҳори дин,  
Динига кимки ҳимоят бўлса қонига ботор.

Чин мусулмонлар қачон қонга ботишдин кўрқдилар,  
Бўлмаса басдур алар тоат – ибодатдин канор.

Ўтти ҳижрат фурсати, вақти ганимат, водариф,  
Эмди афсусу надомат жумласи безътибор.

Бор эди кетсам манга албатта ҳижратдин нажот,  
Эмди бул қолғони йўқ ҳатто бекилган рахна жор.

Кетдилар ёронларим ҳиммат қилиб, ғайрат қилиб,  
Хонажойим, хотиним, шаҳрим деганлар хору зор.

Манга ибрат бўлмади ул яхшиларни шўриши,  
Яъни яхшиларга эрди ушбу ерлар тангу тор.

Хийрадур табъим бугун ғоятда нодонлар билан,  
Қайдадур шарму ҳаёлар, қайдадур номусу ор?

Норқис<sup>1</sup> қайдаб чиқаргай хонасидин ҳаммани,  
Хотину эркак, қизу жувон (барчасин?) лайлу наҳор.

Субҳдин то кун ботор ором йўқ мажбур этар,  
Қанча ғомаҳрам била ишлаш учун очу наҳор.

Қайдадур амри шариат, қайдадур одоби шаръ,  
Ҳайфдур, афсусдур, умрим бу ерларда ўтор.

Охири мўъмин – мусулмонларни ҳам аскар қилиб,  
Қайта – қайта жангга солди раҳм қилмасдин қатор.

Топа олмасдан бу ишга чин мусулмонлар илож,  
Ғайри дин муртад учун қонларга бўёлиб ётор.

Рўза ой келса алар мажбур этар осиб қозон,  
Рўза тутгурмай анга ҳайбат қилурлар бешумор.

Жумлани бедин қилиб, охирда расво айлади,  
Фарқсиз бўлди мусулмон бирла русия, татор.

Қайда мўъминлар одоби, қайдадур беш вақт намоз,  
Бетаҳорат ё жунуб аксар мусулмонларки бор.

Босди ғафлат аввали, мен кетмадим ҳижрат қилиб,  
Эмди иш муҷмал бўлуб, мажруҳ дилман беқарор.

---

<sup>1</sup> Б сўз аниқ ёзилмаган, идора номи бўлиши мумкин.

Эмди қолгон умрими ҳижратга йўл топгунча мен,  
Бир амонатман бу ерда, сақлагил, Парвардигор.

Раҳм этиб, ё Рабб, муни дастидан озод айлагил,  
Жумла мўъмин қулларинг қишдин чиқиб тобсун  
баҳор.

Ё кетолмай ё туролмай бўлди ҳайронлар Амон.  
Чунки дор ул — ҳарб мўъмин киши олмасдур қарор.

### ОЯТ ЎҚУГИЛ ...

Оят ўқугил, варида бўлма, Худодан баъийд,  
Раҳматидан ноумид, гарчи гуноҳинг шадид.  
Гофир ўзи ўзи, Гофир ўзи ўзи.

Санда эрур ақлу ҳуш, бир оғизу икки гўш,  
Бўлгил ҳамиша хомуш, нафсинг ила қил уруш.  
Носир ўзи ўзи, Носир ўзи ўзи.

Оқилу ё бетамиз ёки ориқсан — семиз,  
Нони қоқ ё мавиз, жумла пешонангда из.  
Роқим ўзи ўзи, Роқим ўзи ўзи.

Билгил ажал ҳеч кас, келса қазо тўхтамас,  
Сени деганинг эмас, хоҳишидин ўзгамас.  
Омир ўзи ўзи, Омир ўзи ўзи.

Бутса кунинг бош қотар, қайда қазони тутар,  
Йиқиласан, жон кетар, анда амал асқотар.  
Қобиз ўзи ўзи, Қобиз ўзи ўзи.

Оре ани фазли ёр, лек чунин адли бор,  
Дўзахида нору мор, йиғлатадур зор — зор.  
Одил ўзи ўзи, Одил ўзи ўзи.

Мўътақид ул эминима, қониъ бўлуб дедима,  
Боринг сан бор дема, бору йўққа ғам ема.  
Розиқ ўзи ўзи, Розиқ ўзи ўзи.

Сокит ўлуб ҳар замон, қилма замондан фиғон,  
Баҳраси йўқ, эй Амон, дема замона ёмон.  
Фoъил ўзи ўзи, Фoъил ўзи ўзи.

## ҒАФЛАТ БИЛАН

Ўтти вақт, афсус, ҳижрат қилмадим ғафлат билан,  
Хонажойим, хотиним, йўлдан чқориб улфатим.

Мен тузоқиға илиндим этсалар ҳам ул Расул,  
Кўб зарар хотин томондан тортар охир умматим.

Ўтти умрим аксари ҳар ерда ёлғузлик билан,  
Ғурбатим ҳаддан ошиб, бўлди зиёда кулфатим.

Шул сабаб фарзанд учун ғолиб бўлуб бир орзу,  
Заҳр бўлди маънисиз хотинларимдан шарбатим.

Ҳар хасу хошок учун албатта бўлмасман равон,  
Бору йўқ яксон эрур наздимда, олий ҳимматим.

Ажрадим яхши биродар, ақраболардан бугун,  
Гангираб ёлғуз бошим, кўнглумға сигмас ҳасратим.

Ҳар нафас бағримни эзгай мандаги доғу алам,  
Кўрунушда соғ, лекин дилимда иллатим.

Аввало ўлум мени, охир тирикларни ғами,  
Куйдириб кул қилди билсанглар жудолиқ фурқатим.

Кимга дўст деб ёзилиб сирримни айтарман бугун,  
Водариғо қолмади бир меҳрибон ҳамсуҳбатим.

Қайда борсам, қайда турсам, мен қолиб юз хавф аро,  
Ўз диёрим ичра излаб тобмадим амнийятим.

Бевафо дунё экан аввора бўлдим водариғ,  
Ўз элим ҳам ошиёним, қайда қолди улфатим.

Кўб қадрдонлар қўйуб бул кунда юзларга аёғ,  
Халқ аро маънос этиб, беҳад оширди хижлатим.

Куйдириб кўб воқеа қалбимни мажруҳ айлади,  
Ўртади аъзоларимни титратиб жумла этим.

Дўсту душманлар тамошо айлашур аҳволими,  
Воқеам ибрат бўлуб жисмимга ёндурди ўтим.

Хулласи кўб ҳодиса бошимда чархдек айланур,  
Танг бўлуб тоат — ибодат бандаликга фурсатим.

Маили бу давримга боқмай норасо бўлсам Амон,  
Яхшилар наздида мақхур бўлмасам шул иззатим

### **ТАЪРИХИ МАЗОРИ ДУДДУЛ АТО<sup>1</sup>** (Дулдул ато мазорининг таърихи)

Таърихи мазори Дулдул Атои Арабон аз Амоний Арабоний раҳимаҳуллоҳ дар пештоқи гумбаз навишта буданд.

(Аравондаги Дулдул Ота мазорининг таъриhini Амоний Арабоний (Алоҳ унга раҳматини сочсин) гумбаз пештоқига қуйидаги шеър билан ёзиб қўйган эканлар).

Қийла ҳозо мақдами "ан ло фато илла Алий",  
Гўфт баъзи кошифи асрор дигар як валий.

(Айтишларича, бу (яъни Дулдул Ато мазори) "Алийдан ўзга ботир йўқ" дейилган Алийнинг қадамжойидир.)

Баъзи сирларни биладиган кишиларнинг айтишича, бошқа бир валийнинг мазоридир).

Авлиё домлоий Намангоний ва ҳазрати домлоий Марғиноний ва гайруҳум гўфтаандки, қариб ба мазор дутана дарахти қайрағоч буда ва аз миёни ин ду як азизе

---

<sup>1</sup> Аравонда жойлашган Дулдул Ато мазори ҳақидаги Амонийнинг шеъри ушбу сатрлар муаллифининг қиблагоҳи Маҳдум Восилий томонидан келтирилиб, шарҳ берилган (М.Х).

намоён мешавад. Лиҳозо Амоний ба он ишорат намуда гуфт: "Гуфт баъзи кошифи асрор дигар як валий".

(Авлиё Намангоний домла ва ҳазарати Маргиноний домланинг айтишларича, мазорга яқин жойда иккита қайрағоч дарахти бўлиб, бу икки дарахтнинг ўртасидан бир азиз пайдо бўлар экан. Шунинг учун Амоний шунга ишорат қилиб: "Баъзи сирларни биладиган кишиларнинг айтишича, бошқа бир валийнинг мазоридир" деган).

Буларни Маҳдум (Восилий) ёзиб қўйди.

## МУСАДДАСИ ФАҚИР УЛ-ҲАҚИР АМОНИЙ АРАБОНИЙ

салламаҳуллоҳ, сумма раҳимаҳуллоҳ

Тамоми миллат ичра бизда кўбдур жаҳл нодонлар,  
Шунинг — чун тоғларимизда ётур маътал ҳама конлар,  
Ажаб анди эрурмиз, кўр ҳавода барча инсонлар,  
Алардин қайси аъзомиз эрур кам, эй мусулмонлар,  
Қачон сонға кирурмиз илму ҳикмат бирла, ёронлар,  
Ки бизга ўхшаш одамдур франсуз бирла гирмонлар.

Ҳама ҳикматни асли бизни Қуръон ичра, эй нодон,  
Ўқуб " мин мислиҳи мо йаркабун" ни ғайрилар учгон,  
Яна "хайран касиран ҳикматуҳ" тарғиб этар Қуръон,  
Ишорат ё далолат бирла ҳикматларни кўрсатгон,  
Қани бизда фаросат ишлатишга илму виждонлар,  
Қани динига содиқ жони бирла комил инсонлар?

Пароканда бўлуб бизлар ҳамиша хору сарсонмиз,  
Қачон бир тан, қачон бир жон бўлуб дунёда ўсгонмиз,  
Пароканда бўлуб тўзган ажаб бебош инсонмиз,  
Шунинг — чун мустабидларни аёғида эзилгонмиз,  
Ки бизни илму ҳикматга кўчишни тутманг осонлар...<sup>1</sup>

---

<sup>1</sup> Маҳдум Восилийнинг ёзишича, шоир вафотидан сўнг девондан 20 varaқ йиртиб олинган (М.Х).

**МУХАММАСИ ЖАНОБИ МАВЛОНО АЛ-МУҲАҚҚАҚ  
ДОМЛО ОХУНДЖОН – ОХУНД АЛ-ВОДИЛИЙ  
МУТАХАЛЛИС БОСИЙ БАР АБЁТИ МУҲИББ  
УЛ-ФУҚАРО АМОНИЙ АРАБОНИЙ**  
раҳимаҳумаллоҳу таъоло

(Жаноби мавлоно, муҳаққақ домло, Босий тахаллусли домло Охунджон (Охунд ал – Водилий)нинг фақирларни сеувчи Амоний Арабоний байтларига мухаммаси.  
(Уларнинг икковини ҳам Аллоҳ раҳмат қилсин)

Табиат хоҳишини узр чоғлаб бўлмадим огоҳ,  
Эди ер узра мақсуди ҳақиқий бормадим ман оҳ,  
Бугун афсуса туштум, ҳосили бўлдум ёмон гумроҳ,  
Бўлурму бу қаро юзни сураб кунлар манга Аллоҳ,  
Ҳабибинг равзасига айланиб астори Байтуллоҳ.

Муҳайё эрди асбоби тариқлар йўл кезмоққа,  
Очиқ эрди амонлиқ бирла йўл бормоққа – келмоққа,  
Чунончи ҳеч ташвиш йўқ эди бу йўлга юрмоққа,  
Қачон бир вақтлар қолди туруб таъхир қилмоққа,  
Балойи нафс учун қолиб ҳанузам бўлмадим огоҳ.

Бутун умринг қилиб капсанга хидмат ошмади  
қадринг,  
Ҳавойи нафсдан кечсанг топардинг матлабу ажринг,  
Қилиб бошдин қадам қўйсанг етардинг, бўлмади  
сабринг,  
Шу бўлса эътиқоду ҳимматинг ҳар кун ўтар умринг,  
Санингдек дунӣ ҳимматлар қачон еттай ўшал даргоҳ.

Азимат бўтасига солдим эмди нафсу кўнгилни,  
Зиёрат шавқида очдим дуоға кўтариб кўлни,  
Илоҳий, ноумид этма, муяссар айла маъмулни,  
Карам айлаб Ҳарам сори очиб асрори бў йўлни,  
Чиқор остонадин манга бериб ҳиммат Таълоаллоҳ.

Таваккул бирла тарк айлай ҳама фикри авоикни,  
Будур амни тариқ озими ул жойи фоикни,  
Муҳаббат маркабидур қосиди ул байти шоҳикни,  
– 87 –

Дилимдин олма шавқи Каъбани, олғил алоиқни,  
Зану фарзанд, ватанларга муҳаббат қолмасин ногоҳ.

Менам уммат демакликдин уял, эй душмани ибрат,  
Тилу дилда ҳамиша молу фарзанд айладинг фикрат,  
Висолин излабон ҳижрат учун бир қилмадинг ғайрат,  
Бўлай мен садқаи уммат, қани ғайрат, қани ҳиммат,  
Ҳамиша умматий, уммат дебон тортар эдилар оҳ.<sup>1</sup>

**МУХАММАСИ АМОНИЙ АРАБОНИЙ БАР  
•ҒАЗАЛИ ҲАЗИНИЙ салламаҳуллоҳ**

Ташналар бўлдум нетай бир йўл манга айлаб итоб,  
Дайро аро пири муғон мен телбага сунса шароб,  
Боданўши сокини майхона бўлсам кошки.<sup>2</sup>

**ЖАНОБИ ПИРИ РАВШАНЗАМИР ҲАЗРАТИ АВЛИЁ  
ДОМЛОЙИ НАМАНГОНИЙ РАҲМАТУЛЛОҲИ АЛАЙҲ  
АРАБОНГА ТАШРИФ ЭТГАНЛАРИДА КАМТАРИНИ  
МУХЛИСОН ФАҚИР УЛ-ҲАҚИР АМОНИЙ  
АРАБОНИЙ ТОМОНИДАН ЁЗИЛГАН ТАЪРИХ**

Омад ҳазор жонам фидо шоҳаншаҳи рўйи замин,  
Бар қасабаи ин хастагон ғавси замон шуд муқтарин.

Аз аввал ҳолам чунин гашта зи ман ин можаро,  
Бар хидмати он раҳнамо лойиқ шавам ман камтарин.

Сад шукр ин пири саҳо дидам чунон Шайх Жунайд,  
Акнун ба мо бўйи расад аз авлиё, аз тобиъин.

---

<sup>1</sup> Маҳдум Восилийнинг ёзишича, шу ердан бошлаб яна бир варақ етишмайди.

<sup>2</sup> Восилийнинг ёзишича, шу ердан бошлаб бир варақ етишмайди. Бироқ бу шеър Амонийнинг «Баёзи маҳбуб ал – маҳбуб»ига тўлиғича киритилган ва охирига 1365/ 1945 йил санаси қўйилган. Бундан маълум бўладики, Амоний 1942 йил ўлган эмас, 1945 йилда ҳам тирик бўлган (М.Х).



Қойим шуда бар амри шаръ, Муҳйус — сунан чун  
Суҳравард,  
Аз жабҳаи он пешво зоҳир шуда анвори дин.

Нутқи забон мулҳақ ба ажз дар васфи ин неку сифот,  
Гўфта чунон иолқо кунад гўё маро Руҳ ул — Амин.

Аҳли тамаъ гардид кам аз жуди ин гавҳар нисор,  
Анқо шуда номи бахил дар балдаи он покдин.

Аввораи дашти Ажам гашта ҳазин ин рўсиёҳ,  
Аз гўшаи чашми расад, ё Рабб, шавам узлат нишин.

Ё Рабб, ба мо ёронро аз суҳбаташ файзаш расон,  
Токи шавад мажмуъи ин қалби сияҳ, миръоти Чин.

Аз рўйи ин жуди карам таърихи ташрифаш чунин,  
Бошад Амон қутби жаҳон гардид аз файз йақин.

**ТАЪРИХИ ВАФОТИ ҲАЗРАТИ АВЛИЁ  
ДОМЛОЙИ НАМАНГОНИЙ РАҲИМАҲУЛЛОҲ  
АЗ КАМТАРИНИ МУҲЛИСОН АМОНИЙ  
АРАБОНИЙ**

Шайхи замон он авлиё бар олами боло шуда,  
Рафтанд з — ин дунёи дун ҳар кори ў зебо шуда.

Гофил нашав аз зикри Ҳақ аз ҳар жиҳат буданд шоҳ,  
Карда гузар з — ин бебақо в — он боқийи ухро шуда.

Чун мотами узмо расид имрўз бар Фарғониён,  
Боядки чун резад мурид хуни дили дарё шуда.

Акнун маро тоқат не гуямки он фавт расо,  
Яъники таърихи азо бар чанд оху во шуда.

Ночор бинҳодам қалам бар рўйи ин андуху ғам,  
Бар фавти он олий ҳимама афсусҳо бар мо шуда.

Аз руйи пок олий сахий ёри расад аз ҳар дами,  
Чун марқадаш бошад йалий ҳар каски он дарго(ҳ)  
шуда.

Гуфтам чунин бар ҳар мурид нав карда мотамҳо  
шадид,  
Доғи задам бар жарҳишон (хондам зи мо?) танҳо шуда.  
Ё Рабб, ба ёрон дили солик кун ва ҳам мунтаҳий,  
Ёри Амонийро диҳи тавфиқҳо ҳамро(ҳ) шуда.  
Иснайн бувад ҳам арбаъийн сесада расо омад йақин,  
Бар фавти он пири ҳудо як алиф бар боло шуда.

Таърих баройи ташрифи қудуми пири дастгири рав —  
шан замир, соҳиб ул — мақомот ва — л — каромот Ҳазрати  
Искандар Халифа алайҳир — раҳма ат — Таҳтакий ал —  
Фарғоний бар қасабаи Арабон ҳаффазаҳуллоҳ аз камта —  
рини муҳлисон ва муҳиббон Амоний Арабоний салла —  
маҳуллоҳ сумма раҳимаҳуллоҳ.

Дидам он шайхи замон чун қошифи асрорҳо,  
Як суҳбати он авлиё фаҳри кунам бисёрҳо.

Омад чунин соҳибдили бар қаряйи афтодагон,  
Моро басо файзи расад чун Хожаи Аҳрорҳо.

Дар пеши ӯ қалби сияҳ равшан бувад, огоҳ бош,  
Чанги занон бар доманаш гири аз он анворҳо.

Ҳар рӯз ҳар ёронро хонда чунон аз Маснавий,  
Ифшо кунад дурри набий аз роҳи Ҳақ ахборро.

Ҳайф аст бар аҳволи мо гафлат маро карда ҳужум,  
Имрӯз ҳам н — омад худам кардам насиҳат борҳо.

Шояд расад вақти маро гуяд туйи Мулла Амон,  
Инжо биё, инжо биё, рӯзи шавад гуфторҳо.

Дастӣ зада як лаҳзае гирад маро он раҳнамо,  
Важди чунон пайдо шавад дар хонаву бозорҳо.

Ё Рабб, маро карда карам, диҳ рӯшно бар ин дилам,  
Фоний шуда холис шавам аз дарди зан ҳар корҳо.

Се сад маро бо чилу шаш буда йақин аз гўфтгў,  
Таърихи ташрифаш ҳазор ояд ба ин ахборҳо.

Зикри жаноби мавлоно ва устодуно, олий даражот ва  
фоиз ул – баракот, номдори жаҳон, ҳақойиқ ва ирфон,  
фаҳри уламо, тож ул – фузало, кошифи асрор, нозири  
анвори ҳазрати устоз ул – мукаррам ал – машҳур ҳазрати  
домло Муҳаммад Юсуфхон ал – Марғиноний ал – мута –  
ваттин би – л – мадрасат ил – хонақоҳ баррадаллоҳу  
мизжаъаҳу ва зикри жаноби Мавлоно ал – Мукаррам ва  
қоим мақоми сажжоданишин ҳазрати устозий ал – муҳ –  
тарам атоаллоҳу умраҳу ва адома зилола вужудиҳи ала  
руусино аз камтарини худдом ва муҳиббон фақир ул –  
ҳақир Амоний Арабоний сламаҳуллоҳ

Жаноби ҳазрати устоз, сарвари ахйор,  
Чароғи дини Расул Муҳаммад мухтор.

Шариат ичра имому тариқат ичра ҳумом,  
Мақоми қасрда олий чу Аййубу Ансор.

Тамоми обиду зоҳид аросида мумтоз,  
Мисоли ҳазрати Жунайд ё Аҳрор.

Кўрунса номи Муҳаммад, ахийри Юсуфхон,  
Тилимда бўлса муборак, дилимда ҳам тақрор.

Тамоми суннати Ҳазрат вужуди бошдан аёқ,  
Киши шунча бўлурму камоли ҳилму виқор.

Қай ерда билур мақомин бу аҳли зоҳирлар,  
Мақоми Ҳазрати Хизр, Набийға суҳбатдор.

Чунончи хизматида гуруҳ – гуруҳ жинлар,  
Калима арза қилишиб булутийлардин(?) дор.

Бу сўзни асли расолар саҳиҳу ҳамда сиқот,  
Иноят этти шаҳодат гувоҳ ила изҳор.

Жаҳондин ўттилар афсус жаноби муришудино,  
Камоли қадрига етмай надоматим бисёр.

Агарчи ноқис эсам ҳам тамоми бошдин — аёғ,  
Жаноби жону дилимда эрурман анга нисор.

Муяссар эрди жамоли ҳаёт вақтида,  
Етарди файзи футуҳи дилимга лайлу наҳор.

Ҳануз файзи дилимда жамолидек жорий,  
Агарчи роҳи тариқат эрур манга душвор.

Мамоти бўлди мураббий ҳаётидан афзун,  
Ки шояд ўлса вужудим ахийри файзосор.

Вужуди қалбида топган асари фуйузидин,  
Кимки бўлса ҳаёти ичинда ходиму ёр.

Ҳамиша турбати хокин кўзумга сурма қилай,  
Муяссар ўлса сизлар ҳам қилинг, қилинг зинҳор.

Худойи жалла жалолуҳу ғариқи раҳмат қил,  
Ба ҳаққи Соҳиби Тоҳо ва Саййиди аброр.

Туфайли ушбу жаноби қутби Мавлоно,  
Йлоҳи, айла дилимни сиёҳини анвор.

Вафоти таърихи бўлди тамоми Фарғона,  
Бу хилда яхши азизлар ўтиб кетиб якбор.

Етушти бир назар ила мақомига бир зоти,  
Ҳаёт вақтида эрди мисоли Ёри гор.

Мақом тай қилиб ўтмак эмас эди осон,  
Агарда тобмаса эрди назарларин ҳар бор.

Азизи муршиди ҳозир, чароғи Фарғона,  
Худони зикрини бир дам унутмагон бедор.

Кечиб сағийру кабийру тамоми лаззатдин,  
Ўзини амрида қоим талаб қилиб дийдор.

Кимки соҳиб дилдур кўрар ҳамон дарҳол,  
Кўзиға сурма қиладур изида тобса губор.

Саломат айла, Худоё, замона фитнасин,  
Жаноби зотини бул кун ҳамиша беозор.

Муриди мухлис бўлдим хатоға тавба қилиб,  
Дилимда зикри Худони қилиш учун такрор.

Тариқат амрида доим бўлолмадим афсус,  
Замона ташвиши айлаб дилимни зийқу тор.

Агарчи қобил эмасман бажойи ёронлар,  
Бўлурму гўшаи чашми каминаға яқбор.

Ба ҳаққи жумлаи машойиху уламо,  
Дилимни айла, Худоё, бу илмдин гулзор.

Хароби дилдур Амоний кўрунг бу даргоҳда,  
Бўлурму дилға ёруғлуғ чароғидин анвор.

Таърихи вафоти мавлоно ал — муҳаққиқ ва устозий  
ал — мудаққиқ, моҳири асрори улуми маъқул ва манқул,  
кошифи астори аҳкоми усул, аъно мавлоно устозуно ал —  
киром ҳазрати домло Мулла Қобил Охунди Андижоний  
сақаллоҳу сароҳу ва жаъла ал — жанната масвоҳу аз ка —  
матрини тиломизони жаноби фақир ул — ҳақир Амоний  
Арабоний салламаҳуллоҳу таъоло сумма раҳимаҳуллоҳ

Пешвойи раҳнамо хайр ул — умам устозуно,  
Мафхарин уламо мукаррам муҳтарам устозуно.

Жомиъи байн аш — шарифа ва — л — ҳақиқа  
зу — л — жаноҳ,

Сахти олам роҳбар тиғи дудам устозуно.

Ходими дийни Набий, устози кулл дар Андижон,  
Фавт шуд моро ниҳода дарду ғам устозуно.

Офтоби ин халойиқ ҳам чароғи шаръи дин,  
Мазҳари файзу футуҳ Хотам Асамм устозуно.

Рӯзу шаб бар остонаш буд ҳар боби фазл,  
Сурма кардан ҳокипойи ҳар қадам устозуно.

Хилваташ ҳар доимо дар анжуман огоҳ бош,  
Дар салоти шаб шуда пойаш варам устозуно.

Чун сулукаш ғояти мастур буд аз халқ лек,  
Гашт охир мунтаҳий қутби Ажам устозуно.

Соли фавташ се саду ҳам якҳазор панжоҳу се,  
Гўфтугў буд инчунин гашта адам устозуно.

Марқади покаш Амоний меорад мудом,  
Гар равад онжо касе соҳиб карам устозуно.

Бу мактуб барои аълам ул—уламо ва афқаҳ ул—  
фуқаҳо, гавҳари абҳори ҳақиқат, фақоҳат ирфон, най—  
йири осмон, ҳидояи ийқон, аъно мавлоно ва устозуно  
ал—машҳур ал—муфтий ул—мукаррам ба аълам домлоий  
Арабоний, ал—мусаммо ба домло Муҳаммад Аййуб  
Охунд мадда зиллуҳул олий хидматлариға 1351 ҳижрий—  
йада (1932 милодий) замонанинг носозворлигинин Ара—  
бондан Тошқуй саҳросиға ба нийяти ҳижрат интиқол  
қилгонларида камтарини худдом, фақир ул—ҳақир Амо—  
ний Арабонийдан манзури назари кимё асар бўлғондур.

Арода кўмса ҳаргиз фироқлар бу ибод,  
Бирини қадриға етмай қилур еридин дод.

Юзида бўлса ҳамиша сўзида ҳам бирга,  
Қачон қадриға етсун агар эрур автод.

Чунончи бўлса жигарлар ё биродарлар,  
Ўзини жойида қилмас бири бирини ёд.

Агарчи бўлса ўзини атоси ёки ано,  
Қамоли соддалигидин қилур аларга жиҳод.

Шу хилда бўлса қадрлар ўзини жойида,  
Қилурму ёру биродар биродарини ёд.

Чунончи тушса ароға фироқу ҳижронлар,  
Вужуди ичра синодур суянчи катта имод.

Фироқи пири мураббий, фироқи чин устод,  
Тамоми умрни айлар фараҳлигин барбод.

Чунончи тушти ароға фироқи мавлоно,  
Фақиҳи аълами шаръдур, улуғ манга устод.

Чароғи суҳбати ўчти бугун аромиздан,  
Балойи жабри фалақдан, қилай кима фарёд.

Зарур ҳамага зоти мужиби ҳар мушкил,  
Эдилар аълами доно, ечар чигални кушод.

Бу хилда қайгули кунлар, фироқу ҳижронлар,  
Кишини бошига солгон эмас эди Шаддод.

Дилимда зўр таманно зиёрати шабу рўз,  
Муяссар ўлса дилимга жамолидин бир шод.

Ватан дорида ғамдан, фироқу ҳижрондан,  
Бу кунда борму кишиким тамомидан озод.

Дилимда бошқа ғараз йўқ, дуолари мақсуд,  
Агарчи қобил эмасман фақир байн ал — ибод.

Туфайли ушбу жаноби азиз уламолар,  
Фасод қилма, Худое, замона бўлса фасод.

У ерда, хоҳ бу ерда Ўзига осондур,  
Тамоми ғамни йўқотса Карими беандод.

Мулсар айласа қодир жаноб мақсадни,  
Агарчи диний кишилар бу ерда бўлди касод.

Амоний дил била маҳкам Ўзиға ёлборсанг,  
Хароби жумла кўнгиллар бўлурмукин обод.

Таърихи таназзули аҳли ислом дар билоди Фарғона  
дар санаи “камоли зарар” ва забун шудани азизони  
Фарғона дар санаи “шоҳ азиз, уламо хор” аз камтарини  
ходими дини Набий фақир ул — ҳақир Амоний Арабоний

Жаноби оли Набийно Муҳаммади мухтор,  
Чароғи дини шариат саҳобаи ахёр.

Ғайур, қоҳири аъдову носиҳи фуқаро,  
Эдилар анинг учунким мутиҳ ҳама ашрор.

Тамоми ходими дини шариати ғарро,  
Нисор молию жони бу дин учун ҳар бор.

Қачонки даври шариат туғини Фарғона,  
Адолат ичра кўтарди ҳама бўлуб диндор.

Валек айшиға мағрур учун беку хонлар,  
Тикилди давлати Фарғонаға келиб куффор.

Бу динни ҳомийси бўлуб жаҳонға боқмадилар,  
Жаҳонда динни ҳимоя қилурға не иш бор?

Ароға солди кўрунмай фасоду макрини,  
Бу мамлакатни олурға фирибгар агёр.

Мухолиф ўлди мусулмон улуғлари ногоҳ,  
Ўзини хониға боғий бўлишди охири кор.

Тамоми тиғи мусулмон бўлуб пароканда,  
Тўкулди қонлари ноҳақ ҳама бўлуб хунхор.

Шариат аҳли таназзул қилиб, шариат ҳам,  
Фасод бўлди, бу ерлар фасод бирлан тор.



Ўзини диниға ҳомий бўломаган хонлар,  
Қўлидан ўтти уришмай бу мамлакат якбор.

Тамоми мадраса, масжид аросида уламо,  
Ривожи диниға уйдан чиқишмади жаррор.

Мақом мартабасида қаноат айлашмай,  
Балки мадраса, масжид талашдилар ҳар бор.

Қаерда қолди ҳимоя, қаерда дини ислом,  
Чароки эрди бу динға булар амонатдор.

Эсига келмади дини диёр исломи,  
Ҳужуми радди куфрға бўлушмади бедор.

Чунончи вожиб эдиким аларни зиммасиға.  
Баёни амр ила наҳий бу халқ учун ҳар бор.

Бузулди роҳи тариқат, бузулди роҳи шаръ,  
Буларни ўзиға доим тузатти дору жор.

Қазони ёнида муфти, амалсиз аъламлар,  
Ташида илми шариат кўринса, ичлари мор.

Хусус маснади олий қазода қозилар,  
Бўлушди ришваю пора берувчиларға ёр.

Чароки ўзлари пора бериб, бўлуб қози,  
Хароб қилди хиёнат шариат ҳукмини хор.

Ҳимоят ўрниға бўлди хиёнати уламо,  
Фасод олам ичинда фасод олим бор.

Ҳануз фисқу залолат, ҳануз фитна – фасод,  
Қаерда дин гамини еган мусулмон бор.

Бузулди биздаги яхши, дуруст одамлар,  
Шу бўлса феълимиз олам тузалмаги душвор.

Дўстунинг — чун аҳли шарорат азиз, мўъмин хор,  
Нишона бўлди ҳалокат ўқиға ким диндор.

Хусус муршиду солик, хусус уламоға,  
Бу даврға бўлди бу ерлар тамом зийқу тор.

Итоби Ҳазрати Парвардигор бўлдиму,  
Қочарға жой тополмай қўлинди охир кор.

Каломи ҳақдур агарчи шикоятти уламо.  
Кейингиларға бир ибрат бўлуш учун ночор.

Будур аввалини таърихи “камоли зарар”,  
Ки эмди таърихи “шоҳ азизи, уламо хор”.

**ФАҚИР УЛ–ҲАҚИР АМОНИЙ АРАБОНИЙНИНГ  
БИР ДЎСТИГА ЁЗГАН МАКТУБИ**  
раҳимаҳуллоҳ

Бормусан, манга яқин дўстум эдинг, бир жонажон,  
Бир туғишгандек манга ҳар дамда эрдинг меҳрибон.

Истар эрдим суҳбатинг қалбим агар занг бойласа,  
Ёзилиб яйрар эдим сан бирла гаплашган замон.

Бўлса ҳам ёшинг кичик ақлинг балақд эрди тамом,  
Ҳурматим сақлар эдинг бўлсам санга мен меҳмон.

Кўнглим олгансан ҳамиша розиман сандин мудом,  
Ё қадам ёки дирам тўғри келур ёки зиён.

Музтар этмай ҳар қачон малҳам эдинг ҳожат учун,  
Мен талаб ҳилсам агар бергай эдинг сен таңда жон.

Доимо йўқлар эдинг таъъимни чоғ айлаш учун,  
Ўтмагай менсиз томоғингдан ширин бир бурда нон.

Йиллар ўтган бир маҳв бўлмас дилимдан хислатинг,  
Қайдасан, эй меҳрибоним, шунча хислатлар билон.

Боисини билмадим, сен мен тарафга келмадинг,  
Келмасанг ҳам майлига ҳар ерда бўл эсон — омон.

Инқилоби даҳр бирла, оре ўзгарса неча,  
Лек ўзгармас муҳаббат сангадур жоним билон.

Шунча қадру манзалат бўлса арода эътибор,  
Шунча ҳам ғойиб бўлуб кетгайму ёри қадрдон.

Умр оз, дийдоримиз ғоят ғаниматдур бугун,  
Чунки андак вақт ичинда қолмагай биздан нишон.

Вақт нозик, табъ нозик, сўзни мен айлай тамом,  
Ҳар ким ўз ҳоли била, бул эрур охир замон.

Ғойибу ҳозирдаги ёрони диний дўстларим,  
Бўлсун ҳар ерда саломат, бўлсун ҳар ерда Амон.

1361 (1942) йил. Бу Амоний ёзган таърих.  
Нусха кўчириш таърихи 1385 (1965) йил.<sup>1</sup>

---

<sup>1</sup> Бу изоҳ Маҳдум Восилийники бўлиб, 1965 йили девонни кўчиргани ҳақида хабар бермоқда.

Ва лиллоҳил ҳамд ала — л — ихтитом вастағфируллоҳа таъоло мин заллат биҳи — л — ақлом васъалуллоҳа таъоло ан йажъала ҳозиҳин нусхата мақбулан байн ал — хавосс ва — л — авом ва ан йахтима лий би — с — саъодати ва ҳусн ил — хаттом ва қад фарағту мин тасвидиҳи йавма — л — ж умъати фий охири зи — л — ҳижжа сана ихда ва ситтий — ниа ва салосамиъа ва алфа ала ман лаҳу — л — изза ва — ш — шараф.

Катабаҳу Амоний туроб ул — ақдом,  
Рожий миналлоҳи ҳусн ул — хаттом.<sup>1</sup>

Ҳозо сувратун мо катабаҳул Амоний Арабоний раҳи — маҳуллоҳу таъоло ва жаъалал жанната масвоҳу ва ана — л — Маҳдум ал — Марҳаматий ал — Восилий афа анҳу нассахту мин асли мо катабаҳул Амоний ва кона мавт ул — Амоний фий қаряти Хирабек мин қуррои Андижон ва қад зарабаҳул маркабу уд — духхоний ва алқа нафсаҳу алайҳи ва ло йаъламу таъвилаҳу иллаллоҳу таъоло ғаф — фараллоҳу лаҳу. Лил Махудум ал — Марҳаматий афа анҳу мо кона минҳу, сана 1385 (1965 йил).<sup>2</sup>

<sup>1</sup> Бу Амонийнинг ўз девонига ёзган хотимаси бўлиб, маъноси қуйидагича: «Бу (дево)нинг тутагани учун Аллоҳга ҳамдлар бўлсин, қаламлар хатоси учун Аллоҳу таъолога истиғфор айтаман, Аллоҳу таъолодан бу нусхани каттаю кичикка мақбул қилишини ва мен учун унинг хотимаси саодатли бўлишини сўрайман. Бу нусханинг қорламасидан жума куни, зул — ҳижжа ойининг охирида, 1361 ҳижрий йилда (ҳижрат соҳиби, яъни Пайғамбарга иззат ва шарафлар бўлсин) фориг бўлдим (мелодий 1942 йил).

<sup>2</sup> Девоини кўчирувчи Маҳдум Восилийнинг изоҳи, мазмуни қуйи — дагича: «Бу Амоний Арабонийнинг (Аллоҳу таъоло унга раҳматини сочсин ва жойини жаннатдан қилсин) ёзганларидир. Мен, яъни ал — Маҳдум ал — Марҳаматий ал — Восилий буларни Амоний Арабоний ўз қўли билан ёзган девонидан нусха кўтардим. Амонийнинг вафоти Андижон қишлоқларидан бўлган Хирабекда юз берган, уни поезд уриб юборган... Алоҳ унинг гуноҳларини мағфират қилсин. Буларни ёзувчи ал — Маҳдум ал — Марҳаматий (Аллоҳ унинг гуноҳларини афу қилсин).

## “МАТЛАБ УЛ—АНВОР” РИСОЛАСИДАН

Ҳазрати мавлоно ал—Мукаррам ал—Водилий ал—  
Фарғоний жанобларини Амоний Арабонийга юборган  
учунчи мактубларининг жавоби. 1361 (1942)

Жаноби умдат ул—фузало ва зубдат ул—уламо, мо—  
ҳири асрори ҳақойиқи ҳар улум, воқифи румузи дақо—  
йиқи жавоҳири мансур ва манзум, маржиъ ул—хавосс  
ва—л—авомм, ҳофизи оёти Малик ул—Аллом, Мавлоно  
ал—Мукаррам домло Охунджон ал—Водилий ал—Фар—  
ғоний ал—мударрис ул—Арабоний мактублари ва Амо—  
ний Арабоний томонидан ёзилган жавоблари.

### БИСМИЛЛАҲИР РОҲМАНИР РОҲИЙМ

Бир кун уйда ўлтурувдим бедимоғ  
Қайда маңда яхши ҳолу вақти чоғ.

Жумла ҳолим ҳам паришон, кўб хаёл,  
Зоҳиримда, ботинимда йўқ мажол.

Келди шул дам хат кўториб бир киши,  
Борга ўхшағи они манга бир иши.

Сўрди мандин, сизму деб Мулла Амон,  
Берди одоб ила бир хат ул замон.

Бир азизе берди бул хатни манга,  
Элтиб бер деб марҳамат айлаб санга.

Зоти Водил ичрадурлар мустақим,  
Хатни ўқиб маънисига бўл муқим.

Кўрсам очиб бир саҳифа номдор,  
Ҳар фасоҳат, ҳар балоғат анда бор.

Ҳам шариат, ҳам тариқат бирла панд,  
Рамзи бирла ёзилибдур неча банд.

Зоти лаззат болидек бошдин – аёғ,  
Кони мева, гул экилган жумла боғ.

Қўлга олиб ўқиса ким бир қатор,  
Файзи хатдин кўнгли Водилга кетор.

Панди хатдин келди тавба ҳам бико,  
Босса ғамлар ҳам аламлар муттако.

Чунки панди манга бешак қўл – аёғ,  
Бўлди боқсам назъи ҳолим соппа – соғ.

Хатни аввал – охири абёт эди,  
Роқими чин аҳли дил бир зот эди.

Қайси зот ул ном ҳамном авлиё,  
Ҳам муҳаққиқ, ҳам мудаққиқ раҳнамо.

Ҳам муҳожир, ҳам мужовир ул – Ҳарам,  
Оти тилларда ниҳоят муҳтарам.

Домло Охунджони соний Водилий,  
Водилийдур, Водилийдур, Водилий.

Халқ кўзиға кўринурға муллоён,  
Дилда пишган авлиёдур бегумон.

Топса дилни соғ айлаб кимса ҳол,  
Кимса ҳолин билмағони шул камол.

Кеча – кундуз ҳофизи оёти Ҳақ,  
Маънисидек лафзи ҳам қолмай варақ.

Қанча қилган шарҳи мутунга кушод,  
Шарҳ қилғони бири "Бонат Суъод".

Шарҳдан ортуқ малоҳатлик равон,  
Анга ширин байти форсий таржумон.

Бу камоли илмидин бўлган асар,  
Бу асар шаксиз валоятдин хабар.

Чун муҳаддис, чун муфассир баркамол,  
Зоҳирида, ботинида кўб жамол.

Манзур эрмас мадҳ қилсам қоф – қоф,  
Дейдилар – ку аҳли диллар қалби соф.

Мадҳим ичра йўқ ошуқ битта ҳарф,  
Дигар олим умри бўлган дилға сарф.

Феълу ахлоқида хуллас ҳар замон,  
Ҳазрати устозимизға ўхшагон.

Зикри жаноби олий даражот ва фоиз ул – баракот,  
номдорийи жаҳон, ҳақойиқи ирфон, фахр ул – уламо,  
тож ул – фузало, қошифи асрор, нозири анвор, аъно  
мавлоно ва устозуно ал – киром ҳазрати домло Муҳам –  
мад Юсуфхон ал – Марғиноний ал – мутаватгин би – л –  
мадрасат ил – Хонақоҳ раҳимаҳуллоҳ раҳматан восиъа –  
тан.<sup>1</sup>

Қайси зот л Марғиноний Хонақоҳ,  
Муттақию ғултаҳий беиштибоҳ.

Ўз замонида Зу – н – Нуно Боязид,  
Қола Мавлоно Жомий вақти дид.

---

1 Олий даражали, баракатлар ёғдирувчи, жаҳонга номи кетган,  
илму урфон ҳақиқатларини билувчи, уламоларнинг фаҳри, фозил –  
ларнинг тожи, сирру асрорларни билувчи, нурларни наззора қи –  
лувчи, яъни мавлономиз ва азиз устозимиз, Хонақоҳ мадрасасида  
ватан тутувчи ҳазрати домла Муҳаммад Юсуфхон ал – Марғино –  
нийнинг ( Аллоҳ унга ўзининг беқиёс раҳматини сочсин) зикри.

Номи соҳиб ҳусн Пайғамабарға ном,  
Номи файзи бирла пушти неча хом.

Руҳи мурсал, руҳи Пайғамбар набий,  
Тарбиятда Мусавийдур машрабий.

Қутбдурлар, чун чароғи шаръи дин,  
Зоти соҳиб Хизр бирла ҳамнишин.

Сирри суннатларга воқиф ҳар замон,  
• Пешвойи муқтадойи орифон.

Бўлди мўъмиен хизматида жин – пари,  
Кимки суҳбат топти толиъ Мушгарий.

- Фаҳри олам, фаҳри зоҳид дамбадам,  
Кимни бўлса нисбати анга не ғам.

Бор исмида гоҳ – гоҳ суҳбати,  
Кимса билмас, мавжуд эрди шафқати.

Дилда доим ҳозир эрур ул жамол,  
Қайда бордур хонақоҳи ҳар камол.

Боргоҳи, дарсгоҳи Хонақоҳ,  
Асли орифларни жойи ҷайзгоҳ.

Анда равшан баҳралардин файзи нур,  
Шаш латоиф бирла бўлган ҳар сурур.

Зиндалардин беҳтар анда файз бор,  
Руҳи хобим ичра балки манга ёр.

Ёд қилсам, шукр доим ул мадад,  
Айлағайлар ҳеч қилмай манга рад.

Гарчи нуқсон менда кўбдур бегумон,  
Бейбодат, бериёзат жисму жон.



Шайх бўлмиш зиндаларға ул шер,  
Лек радди ҳар балоға дастгир.

Зиндаларда йўқ чунончи бу камол,  
Файзи нақдур ўлсалар ҳам безавол.

Дилға олиб баъзи вақтда Хонақоҳ,  
Руҳи покин ёд айлаб субҳгоҳ.

Айласам мен анда аңдак робита,  
Гарчи кўбдур дилда юз минг восита.

Пардаларни йиртиб анда бегумон,  
Қалби сирни равшан айлар ул замон.

Ушбу лаззат бирла кетиб ҳушу тан,  
Эсга келмас боғу роғу марду зан.

Зикри жаноби мавлоно ал – Мукаррам ал – Водилий ал – Фарғоний ва файзёб шудани Амоний Арабоний ба илтифоти мавлоно ал – мазкур салламаҳуллоҳ ва сумма раҳимаҳуллоҳ<sup>1</sup>.

Нозир ўлса кимга қутби Хонақоҳ,  
Бахт ул дилдан ўтар парча моҳ.

Олди лутфи марҳаматлар ҳар камол,  
Ушбу дар оҳ ботинида кўб мажол.

Хизматида манзур ўлуб ҳар замон,  
Гарқ ўлди зоти файзиға ниҳон.

Ҳар қирони ичра Водил Водилий,  
Мсли Водил ичра Водил Водилий.

---

<sup>1</sup> Мавлоно Мукаррам ал – Водилий ал – Фарғоний жанобларининг зикри ҳамда Амоний Арабонийнинг ( Аллоҳ уни саломат қилсин, энди эса Аллоҳ уни раҳматиға олсин) мазкур Мавлоно илтифотла – ридан баракат топгани ҳақида.

Тезде — тезде тобмасам ҳам суҳбатин,  
Файз Водилдин келур бир — бир кетин.

Мени мустағрақ қилур ҳар паллада,  
Саддатаги содда бир маҳаллада.

Жорий бўлур танға файзи робита,  
Гарчи кўбдур бул арода восита.

Саддатаги Хирабекда бир кўча,  
• Номидур Анжонга тобиъ ўзгача.

Дилдин ошиб, тандин ошиб ҳуббу завқ,  
Мени тортар ҳар куни Водилға шавқ.

- Бул муҳаббат завқи бирла бу димоғ,  
Чоғ бўлуб, эсга келмас боғу роғ.

Зарби даврон, бори ғамми рўзгор,  
Ҳам фироқи хешу оно, ҳажри ёр.

Ё гадолиқ, балки шоҳлиқ ҳукмрон,  
Бўлса кетмас дилга дунё ошу нон.

Қанча ташвишики бўлса тоғу тоғ,  
Жумласи ҳам дилда қолмас, дил фароғ.

Оҳ миллат, дину иззат ҳам адо,  
Бўлди, қолмай қанча пири раҳнамо.

Бу тариқат бирла пухта, қалби соф,  
Бўлмагани доғу ҳасрат бирла тоф.

Эмди хотин, жой, боғам нораво,  
Ҳиди комил қилди мажнун бенаво.

Эмди бу йўл бирла ўтсун бу ҳаёт,  
Фикру зикрим ишқи бирла то мамот.

Ўтган умрим ўтти гафлат бирла вой,  
Қолғониға бўлсун Аллоҳ раҳнамоӣ.

Айзан зикри мактуби мавлоно ал — Мукаррам  
ал — Водилий саламаҳуллоҳ, сумма  
раҳимаҳуллоҳ<sup>1</sup>

Кимки мухлис Водилийға бегумон,  
Назми дилға файз бергай ҳар замон.

Бўлди носиу манга назми тоғ — тоғ,  
Кетса шояд дилдан эмди қора доғ.

Лавҳи дилдан доғ кетгай назм аро,  
Нозир ўлуб ўқуғонға голибо.

Оре ихлосиға лойиқ ҳар футуҳ,  
Тобди қувват равшаниға қалбу руҳ.

Мундин аввал форсий хат бирла байт,  
Шаккарафшонлиқ қилғон қайта — қайт

Келгон эрди бу камина зорға,  
Олий сўз бирла бу беморға.

Бу жаср дин топилурму олий сўз,  
Назм х. гада олий сўзға кўб рамуз.

Тош қалбим бошда калтак кўрмаган,  
Қайда равшан шиша ўлгай синмаган.

Қайда маңда кори олий ҳол бор,  
Қайда зоҳир, ботинимдур беғубор.

Чунки шаъним ичра йўқдур чин камол,  
Хатни авсофиға лойиқ бир жамол.

---

<sup>1</sup> Яна мавлоно Мукаррам ал — Водилийнинг (Аллоҳ уни саломат қилсин, энди эса Аллоҳ уни раҳматига олсин) мактубининг зикри.

Қайда кўнглим соф бул кун доғ — доғ,  
Учмаган бир чўл эрур ҳеч зоғ — зоғ.

Ғарқ бўлгон бандадурман чун сиёк,  
Баҳри нуқсонига доим бетаёк.

Ҳосил овлаб тобмадим мен, эй Амон,  
Зоти васфим ичра яхши бир нишон.

Бовужуди нозир ўлуб доимо,  
Хатти маъшуқ ошиқи ман мубтало.

Бўлса шояд манга Водилдан табиб,  
Ҳар латоиф дардиға дору сепиб.

Бор умидим, бўлса кўнглим навбаҳор,  
Хатни мазмуниға лойиқ беғубор.

Менга бергил, эй Худоё, яхши хў,  
Яхшиларни ҳурматидин оби рў.

Зикри илҳоми қалб барои муҳаббати услуби жаноб  
мавлано ал — Мукаррам ал — мазкур ал — Водилий  
ал — Фарғоний салламаҳуллоҳ сумма  
раҳимаҳумуллоҳ<sup>1</sup>

Берди қалбим дил аро илҳом мени,  
Хатдаги сирларни айтиб номини.

Бу ажойиб сир ғаройибдур умид,  
Дилни бу илҳомдин бўлган падиб.

Сен ким эрдинг, ул киши кимдур пишиб,  
Мевасидин сан каби хасга тушиб.

---

<sup>1</sup> Жаноби мавлоно ал — Мукаррам ал — Водилий ал — Фарғоний (Аллоҳ уни саломат қилсин, энди эса Аллоҳ уни раҳматига олсин) муҳаббати учун қалбга келган илҳом зикрида.

Хат қасида қилдилар санга равон,  
Доимо қилғил зиёрат, эй Амон.

Яхши манбаъ санга йўқ, эрдинг мамот,  
Келди хатнинг файзидин обиҳаёт.

Қалбу жисминг суғориб қилса баҳор,  
Хатни авсофиға лойиқ беғубор.

Марҳамат шул хотир энди илтифот,  
Олғонингга шукр қилғил бу сифот.

Катта қурбат бу назарни тобмоғинг,  
Назми хатға чизилиб ёзилмоғинг.

Санга дастур ушбу хатдур доимо,  
Маъни мастур бир сабаб бор голибо.

Осон эрмас дил мақомин тай қилиш,  
Бўлса манзур мушкил эрмас қийин иш.

Сирри хатдин бўлса ёруғ, эй Амон,  
Дур эмасдур вақти келса бир замон.

Бўлмаса ҳаргиз дол хатдан ноумид,  
Бўлса шояд бир куни ҳам санга ийд.

Гарчи ҳолингдур паришон бул замон,  
Илтифотни яхшилар қилса равон.

Саффи яхшиларға ўтиб барқарор,  
Бўлсанг охир хизматида сен шумор.

Ер маъни файзи дилға бу ҳаёт,  
Анда қалбинг ғайрдин тобса нажот.

Қолгон умринг бўлса бу йўлда адо,  
Яхшилардин бўлмасанг ҳаргиз жудо.

Шулдур уммид доимо шаб, ҳар наҳор,  
Қилма мени ноумид, Парвардигор.

**ЗИКРИ ОЖИЗИЙИ ВА ШИҚАСТАГИЙИ РОҚИМ  
УЛ-ҲУРУФ АМОНИЙ АРАБОНИЙ**  
саламаҳуллоҳ сумма раҳимаҳуллоҳ<sup>1</sup>

Яхшилардин манга бўлур қолмасам,  
Мақхур ўлуб наздидин айрилмасам.

Гарчи ҳолимдур паришон, эй Худо,  
Сени тобгонларға бу жоним фидо.

Сени тобгонларни йўлида жасад,  
Кошки бўлса анга етмай ҳасад.

Ёрий берса ушбу дамлар чун тамом,  
Бўлур эрдим Водилийға мен гулом.

Йўқдур афсус найлайин бир ҳеч вақт,  
Муддаолар қайда бўлсун манга тахт.

Давр хотиржам бермай мен ғариб,  
Жамъи хотир давлатидин бенасиб.

Бўлдум ожиз топа олмай бир жавоб,  
Хатға лойиқ жамъи хотир дил кабоб.

Чунки омий ҳарфдурман, йўқ камол,  
Зоҳиримда, ботинимда бир жамол.

Анча муддат тўхтагандур бу жавоб,  
Яхши уммид бирла тортмасдан азоб.

Бўлса шояд муддат ичра мен ғабий,  
Пишмаганман хом жавобим сут каби.

---

<sup>1</sup> Ушбу сўзларни ёзувчи Амоний Арабонийнинг (Аллоҳ уни саломат қилсин, энди эса раҳматига олсин) ожизлиги ва шикаста ҳолиги зикрида.

Ҳар чи муддат хат аро чун кўб замон,  
Ўтса сирлар ҳосил ўлди, эй Амон.

Яъни тағйири ҳол бўлмай робита,  
Турди бир — бир ҳеч узулмай восита.

Шул сабабдан юздан олиб бир ниқоб,  
Мажбур ўлди бермоқиға бир жавоб.

Гарчи туркий бўлса ўзбек бу Ҳақам,  
Бор умидим манзур ўлғай бу қалам.

Ёзди эркин бор бисогин жамъ қилиб,  
Бу қоронғу жойда зотин жамъ қилиб.

Орийят сўз ҳеч ердин термади,  
Дилга маҳзунликни ўйлаб солмади.

Бўлса шояд жумла ахбоба сурур,  
Водилийни файзи бирла тўла нур.

Водилийға чун мураббий бир жалоб,  
Ўлсалар ҳам файз бергай беҳисоб.

Чун вужуди эрди фахри орифон,  
Мисли Мавлонойи Жомий бегумон.

Ҳоки ақдомиға ғоят интизор,  
Ўз замони ичра бўлғай ҳар кибор.

Номи мазкур жумла тилда доимо,  
Марғиноний соҳиби ул Хонақо.

Баррадаллоҳ, баррадаллоҳ мизжаъаҳ,  
Кўб кишилар тобти андин файзи раҳ.

Афв этилсун, чунки мунда кўб хато,  
Бўлса нуқсон бирла бўлди бул адо.

Чунки қилни дилға сиғдурмас замон,  
Бу табиат қайда фориғдур равон.

Мен қаноат қилганимдан Хирабек,  
Бўлди андак манга ул ер беҳадик.

Гарчи шундоғ бўлса ҳам бу ер аро,  
Ҳожатимдан ситтаси эрмас раво.

Чорасиз бу истиқомат ноилож,  
Гарчи диний ишларимда йўқ ривож.

Бор холий дастларда илтижо,  
Қайда қониғларда бўлсун бир ражо.

Ложарам йўқ маңда олий тўҳфае,  
Лойиқ ўлса, хотир ўлса қанчае.

Ғайр аз ушбу содда сўзким, беғубор,  
Топа олмасдан тиларман шаб – наҳор.

Бўлмасун кам бошларидан лутфи (ёр),  
Икки алам ичра доим бешумор.

Фитналарға тўлди бешак бу замон,  
Ҳар қаерда соғ бўлсунлар омон.

Яхшиларға аҳли бўлуб беғубор,  
Шул замонда бўлмасунлар беқарор.

Қилмасунлар фитналардин ҳеч бико,  
Сандин ўзга йўқ аларға муттако.

Чун арозий ё самовий ҳар бало,  
Бўлса ҳаргиз бўлмасунлар мубтало.

Умри бўйи ичра бўлуб сан паноҳ,  
Мустажоб эт бу дўни, ё Илоҳ.



**ЗИКРИ АҲВОЛИ ФАҚИР УЛ-ҲАҚИР  
АМОНИЙ АРАБОНИЙ**

салламаҳуллоҳ сумма раҳимаҳуллоҳ<sup>1</sup>

Осий қулман, нотавонман бенишон,  
Яхшиларни хокипойи мен Амон.

Толеим йўқ, бори ҳоилмдур забун,  
Борми манда бир кушойиш бир тугун.

Дил мусаффо қайда манда бениқоб,  
Дилда юз хил орзу тўсқун ҳижоб.

Бул тириклик бирла кўнгли пораман,  
Босмай ишим олдиға оввораман.

Чиқмасам мен тарк этиб асли ватан,  
Қайси тоат номи бирла яхшиман.

Бо шариат, бо тариқат расо,  
То ҳануз бир баҳра манда бўлмасо.

Чиқмадим мен басталиқдан то ҳануз,  
Басталиқ қилди даврон ҳам рамуз.

Шул сабабдан дилшикаста ман Амон,  
Борму манда ғам олурға меҳрибон?

**ЖАНОБИ ҲАЗРАТИ МАВЛОНО АЛ-МУКАРРАМ  
АЛ-ВОДИЛИЙНИНГ АМОНИЙГА ЁЗГАН  
МАКТУБЛАРИНИ МУСАДДАС ЖАВОБИ  
АМОНИЙДАН**

Келди Водил қарйасидан ҳиди аброр айланиб,  
Яъни мактуб бирла қанча рабти анвор айланиб,  
Эмди йўқтур борса мендан олий гуфтор айланиб,

---

<sup>1</sup> Фақир ул – ҳақир Амоний Арабонийнинг (Аллоҳ уни саломат қилсин, энди эса Аллоҳ уни раҳматига олсин) аҳволи баёнида.

Файр аз ушбу содда сўздан бошқа ночор айланиб,  
Чин дилимда ёд этарман таңда жон бор айланиб,  
Бўлмасун кам бошларидан лутфи Гаффор айланиб.

Хаста кўнглим доим эрди ул тарафга интизор,  
Кеча – кундуз, қишу ёзу куз бўлса, навбаҳор,  
Бир зиёрат мумкин ўлмай доим эрдим беқарор,  
Жонга малҳам дору бўлди хатлари ҳам бешумор,  
Ёр боис дилга таҳсин кўрсам ҳар бор айланиб,  
Воқиф ўлуб маънисидан манга бемор айланиб.

Зарра эрдим офтоб ул қанча олий бир баён,  
Манким эрдим қайда лойиқ ушбу хатга бул замон,  
Шукр айлай бу иноят катгалардан бир нишон,  
Лутфу шафқат, маъҳаматдур манга зарби бегумон,  
Кўзга суртиб ўқилишлар бўлди такрор айланиб,  
Маънисини чақди ҳар ким бўлса ҳушёр айланиб.

Шукри лиллаҳким узулмай рабти аброр ушбу кун,  
Келди хатдан, бўлди маълум қанча асрор ушбу

Шакку шубҳасиз билингким, бир нишон бор ушбу  
кун,

Дуди дилга тушти учқун ёнса яқбор ушбу кун,  
Дур эмас, дур бўлса бирдан қалби бедор айланиб,  
Бўлса шояд бу назардан бу дил Аҳрор айланиб.

Дилда доим робитамда айлар эрдим жўстужў,  
Илтифоти яхшилардан уммид айлаб орзу,  
Ё ўнгумда ё тушумда бўлсалар деб рўбарў,  
Манда лойиқ бўлмаса ҳам яхши хизмат, яхши хў,  
Келди манга ул тарафдан нури дилдор айланиб,  
Қилди равшан қора бўлган дилни яқбор айланиб.

Ҳиди келгай кўрганимда авлиёлар жисмидин,  
Дилга тушгай ул муҳожир катта устоз исмидин,  
Кўрмадим мен мунча комил ҳамқиронлар

Ҳам муҳаққиқ, ҳам мудаққиқ ҳар илмни

Мислидин,  
Қисмидин,

Эътиқодим ҳоли ҳомий қол ансор айланиб,  
Мен эмасман бошқалар ҳам қилди иқрор айланиб.

Қайда лойиқ маңда сўз бор, ўзларигадур аён,  
Афв этарлар шафқат айлаб гўрдурман пишмагон,  
Яхшилардан дарс ололмай, оҳ, қалбим кирлагон,  
Камтарин бир ходимингиз бўла олмай ман Амон,  
Белни боғлаб ҳар тарафдан эрди тайёр айланиб,  
Лек афсусдур бўлолмай қолди ночор айланиб.

### **ҲАЗРАТИ МАВЛОНО АЛ-МУКАРРАМ АЛ-ВОДИЛИЙНИНГ АМОНИЙ АРАБОНИЙГА ЁЗГАН ИККИНЧИ МАКТУБЛАРИ**

Салом ло баъд он ки дуойи ло йаҳсо,  
Сазойи дарғаҳи он дўстдори дуржи сафо.  
Расид ганжи маъориф забон хомаи ў,  
Ба халқи муқаррама маҳбуби зумраи фузало.<sup>1</sup>

### **ЖАНОБИ ВОДИЛИЙНИНГ АМОНИЙ АРАБОНИГА ЁЗГАН УЧУНЧИ МАКТУБЛАРИ**

Шукри Худоки, лутфи хафийдан нишон келиб,  
Ҳушёр қилди бизни адаби замон келиб.

Парвардигор иродаву халқи тааллуқи,  
Бўлмай, биров аёғига кирмас тикон келиб.

Тангрим на қилса ҳикмат тадбирсиз эмас,  
Чаққан каби бировни йилону чаён келиб.

Худрой бўлуб қазоға ризо бермаган киши  
Бўлғай хароб қаҳри Худо ногаҳон келиб.

---

<sup>1</sup> Маҳдум Восилий кўчирган дафтардаги варақларни кимдир йиртиши натижасида бешта байтнинг бошланиши йўқолгани учун тўлиқ ёзишга муваффақ бўлинмади. Мактуб охирида Водилийнинг юборган санаси, яъни 1355 ҳ. (1936 мил.) йил қўйилган (М.Ҳ).

Инсонга нафс душмани маҳбубдур ажаб,  
Ҳақ амри ани қаҳрига саъб имтиҳон келиб.

Нафсининг саодати ҳама нокомлиғдур,  
Аммо ҳавоси мартабаи комрон келиб.

Жаври замонда авжнаморо шикор ўлур,  
Ҳъни савоб авжиға хўб нардбон келиб.

Ҳар захми муқаддима роҳати бўлур,  
Роҳат жароҳат ичра муаххар ниҳон келиб.

Кўб ясру уср кисватида қилғуси зуҳур,  
Ҳам ранж рабҳ сувратида тавъамон келиб.

Ман ҳам эдим фруғ маишатда дилфароғ,  
Саъд маъош иззатидин ҳаминон келиб.

Вақтики шукри бўлмади мингдан бири бажо,  
Айшим баҳорин этти мукаддар хазон келиб.

Бир кунга ғам ҳужуми ошурди хижолатим,  
Ул ён замона шўриши, ҳижрон буён келиб.

Маъюс ўлуб ямину ясора боқар эдим,  
Сўрмас эди ҳолими бир меҳрибон келиб.

Ғаҳ — ғаҳ субҳи уммидим тулуъ этиб,  
Бушролик этди хат била пилик равон келиб.

Боби фараҳ очилди кўнгилға қудумидин,  
Гўё гадони қошиға мисоли жаҳон келиб.<sup>1</sup>

Ўз ҳифзи бирла асрасун изову фитнадин,  
Вақти талаби ҳусул Амоний аён келиб.

---

<sup>1</sup> Барақ йиртилиши натижасида шу ердан еттита байтнинг бошланишини ўқиб бўлмади (М.Ҳ).

Йил кўброқ ўлди Қори Сулаймон садиқингиз,  
Айтган эди салому дуо Марғинон келиб.

Айтган эдик ҳақингиза ҳаддин фузун дуо,  
Андан сурур риққати дил бекарон келиб.

Нағшав рабиъ ул — увло ёзган саломингиз,  
Абдулғани боламиз етган экон келиб.

Нағшав ичинда бизга юбормиш бу лойиҳдан,  
Бадри ражабда берди шодмон келиб.

Ёзиш — тегиш аросида ўн олти ой,  
Муштоқа ҳоли дўстким этган баён келиб.

Ҳосилки, нома ёзғучи ўзи ўтмиш кўли била,  
Осонки берса мақсадиға ҳар қачон келиб.

Гоҳи ҳадиси нафс била дерманки ҳар йили,  
Бўлғай бу ерда бир неча яҳши — ёмон келиб.

Бори невлурки, Мулла Амон дилнавозимиз,  
Ҳам бўлса бизга бир неча кун меҳмон келиб.

Қишлоқимиз мажоз мазори ҳақиқийдур,  
Кўрмас Худо паноҳида ҳеч ким зиён келиб.

Хавфу ражо каминида ҳоли каминангиз,  
Хушдур таваккул ила ризо посбон келиб.

Тинмас кўнгил агарчи ўзум банди рўзгор,  
Ки Хирабек йуртодики Андижон келиб.

Ёздим саломнома вале ким олиб борур,  
Деб босди ғам магарки дами кун факон келиб.

Назм ўлди нома наср тоқат қилолмайин,  
Ажзи балоғатим ёпилур деб гумон қилиб.

Таъъим салом авжиға парвоз этолмади...<sup>1</sup>

### ЗИКРИ

дидани фақир ул—ҳақир Амоний Арабоний жаноби  
мавлони ва устозуно ал—киром ал—машҳур ба ҳазрати  
домло Муҳаммад Юсуфхон ал—Марғиноний раҳима—  
ҳуллоҳ раҳматан восиъатан дар рӯё ва рози шудани  
ҳазрати устозуно ал—киром ал—мазкур дар ҳузури  
мулла Муҳаммад Аминжон Охунд ака салламаҳуллоҳ дар  
санаи ситгийна ва салосамиъа баъд ал—алфа дар шаҳри  
бистуми жумодис соний дар рӯзи душанба қабили субҳ<sup>2</sup>.

Уч юз олтмиш эрди таърих минг билон,  
Энг кейинги тўрт оғайни ой билон.

Кун душанба эрди, жойлар ҳам тоза,  
Бо таҳорат ётган эрдим покиза.

Чун саҳар вақт эрди нозик хоб аро,  
Рӯбарӯ бир йўлда борур пешво...<sup>3</sup>

Баҳра олур хонидан чун инсу жин,  
Бўлса кофир талқин айлаб анга дин.

Инсу жиндан қилди байъат кўб гуруҳ,  
Лек жинлар топди андан кўб шукуҳ.

---

<sup>1</sup> Восилий шу ерла суқут борлиги ҳақида ишора қилган.

<sup>2</sup> Фақир ул—ҳақир Амоний Арабонийнинг жаноби мавлономиз ва устозимиз ҳазрати домло Муҳаммад Юсуфхон ал—Марғинонийни (Аллоҳ уларга кенг раҳматини насиб этсин) тушда кўргани ва ва ҳазрати азиз устозимиз мулла Муҳаммад Аминжон (Аллоҳ уни саломат қилсин) ҳузурида 1360 (1941) йили 20 жумодис сонийда душанба куни субҳ вақтида Амоний Арабонийдан рози бўлганларининг зикрида.

<sup>3</sup> Дафтарнинг чети йиртилгани учун тўртта байтнинг бош қисмлари ҳам йўқолган.

Юрт тескай, яъни тавқотдан бири,  
Кўб мусулмон бўлди балки лашкари.

Келди жинлар каттаси атрофдан,  
Балки лашкар бирла Кўҳи Қофдан.

Таълим олиб, бўлди комил барчаси,  
Дини ислом бирла омил жумласи.

Кашфи содиқ бир киши айтган сиқот,  
Ҳеч ёлғон сўзламас бир яхши зот.

Бошқа аҳли дилларам иқрор этар,  
Воқеани ушбу хил изҳор этар.

Лозим эрмас сидқ сўзга чун баён,  
Ким тариқат аҳлидур анга аён.

## **РУЖУЪ ҚАРДАН БАР АСЛИ СУХАН<sup>1</sup>**

Чун аниқдур манга бу туш ушбу зот,  
Гўйиё ўнгумда кўргандек ҳаёт.

Орқа йўлда мулла Муҳаммад Амин,  
Бир қулоч мобаини келурлар яқин.

Тўхтадилар ғайрилиб боқиб анго,  
Розиман санъатан, дедилар раҳнамо.

Тўлғон ойдек бўлди хурсанд ул Амин,  
Лек мен ҳам бордим ул ерга яқин.

Боқсам ул устозимиз олий жаноб,  
Тик турубдур, мен ҳам қибла қароб.

Шул замон кўнглимга тушти бир хуруш,  
Мен ҳам олай розилик турмай хамуш.

---

<sup>1</sup> Асл мақсадга қайтиш.

Қўл буқуб таъзим айлаб ул замон,  
Рўбарў бўлдим камина мен Амон.

Номим айтиб, жоним айтиб шул замон,  
Ўзими маълум қилдим бегумон.

Мен дедим, тақсир, ўшал Мулла Амон,  
Аравонлик беадабдурман ёмон.

Жумла нуқсонимни айтибман узун,  
Арз қилдим илтижо айлаб фузун.

Ҳайбатидан титрабон жисмим мани,  
Маҳв эрди ул замон исмим мани.

Офтоби чеҳрасига ғарқ эдим,  
Рози бўлурларму мадин ҳам дедим.

Манга қилди юзларин ул авлиё,  
Бўлди ҳожат мушкилим гўё раво.

Чеҳрасидин бўлди зоҳир илтифот,  
Лутфидин мухбир булуб яхши сифот.

Орқада Охунд ако анга қароб,  
Мени кўрсатдилар ул олий жаноб.

Манки музтар хавф аро эрдим малул,  
Дедилар, бул ҳам манга сандек ўғул.

Манга чўзиб қўларин беиштибоҳ,  
Рози бўлдум, мунданам бўлгил огоҳ.

Дедилар, албатта шул гап ул замон,  
Биз қаерда бўлсак ул ерда Амон.

Ушбу завқи марҳаматдан дил сафо,  
Бўлди, бирдан мен ўролиб нур аро...<sup>1</sup>

---

<sup>1</sup> Варақ йртилиши натижасида шу ердаги тўрт байтнинг бошланиши ноқис бўлиб қолган.



Шул сабаб манга тасдиқ ҳам сафо,  
Ҳосил ўлди ушбу тушдан мутлақо.

Ё Илоҳи, яхшиларни ҳурмати,  
Хобу бедор ичра бўлган шафқати.

Қилма икки олам ичра ҳам забун,  
Ҳамқироним ичра бўлсам ҳамки дун.

Ҳар жиҳатдан, ҳар сифатдан мутлақо,  
Манга, ё Рабб, раҳм айлаб ярлақо!

1360 (1941), 27 рамазон ал – муборак

1385 (1965 ) йил шаввол ойининг 8 куни Марҳаматда Маҳдум ал – Восилий ал – Марҳаматий (Аллоҳ унинг гуноҳларини кечирсин) Амонийнинг ўз қўли билан ёзган хатидан нусха кўчирди.

## **ОЛИМИ МУҲАҚҚАҚ ВА АЗҲАДИ УЛАМО ДОМЛА МУҲЎИДДИН ШАҲРИХОНИЙ АЛ – МУЛАҚҚАБ БА САҲҲОФ ДОМЛА АЛ – МУТАХАЛЛИС БА ОЖИЗ АЛ – ФИҒОНИЙ ЖАНОБЛАРИНИНГ АМОНИЙ АРАБО – НИЙГА ЮБОРГАН МАНЗУМАЛАРИ<sup>1</sup>**

Саодат ёвар он касҳи ки нутқи ў равон бошад,  
Ба маҳфилҳо чу аз таъли баланд шаккар фишон бошад.

---

1 Ҳақиқий олим, уламоларнинг зоҳидроғи, “Саҳҳоф (муқовасоз) домла” лақабли, Ожиз ал – Фиғоний таҳаллусли домла Муҳўид – дин Шаҳрихонийнинг Амоний Арабонийга ёзиб юборган шеърий мактуби.

Бу шеърий мактуб Маҳдум Восилий томонидан топилган бўлиб, дафтарлардан бирига ёзиб қўйилган. Биз уни бу ерда келти – ришни лозим топдик.

Вужуди оқибат маҳмуди доно чун гуҳар донам,  
Сухандони нуктасанжон сояи пайгамбарон бошад.

Навиди хомаи анбар шамими бо дили жонам,  
Ҳаловатбахшии кому танам руҳи равон бошад.

Ба чашмони сафидам нақлҳойаш мардумак осо,  
Имоди Мир Али будӣ ба ту аз чокарон бошад.

Иноятнома гӯё омад аз Искандару Доро,  
Ғадоӣ дарбадарро илтифот аз хусравон бошад.

Ҳазорон раҳмати Изад нисори модари айём,  
Чу ту фарзанд андар буржи саъдаш фарварон  
бошад.

Варақ ғардони лайлу наҳори омаду мерафт,  
Назири ту кужо, эй нури дийда, дигарон бошад.

Ҳар он орий бувад аз кисвати фазли неку хулқи,  
Зи жинси ваҳшии байдойи имкон чун харон  
бошад.

Зи даргоҳат таманнойи Фигоний ин бувад доим,  
Худовандо Амоний аз балоҳо дар амон бошад.

## Маҳмуд ҲАСАНИЙ

### АРАВОН

Илоҳий файзлардан топган карам Аравон,  
Муқаддаслик бобида гўё Ҳарам Аравон,  
Ёт бўлсин доим унга қайғу алам Аравон,  
Бахту иқболи бўлсин доим ҳамдам Аравон,  
Гўзалликда гўёки Боғи Эрам Аравон.

Бағри иссиқ ҳаминча гўё Қуёшга ўхшар,  
Уч минг йиллик ёши бор, валекин ёшга ўхшар,  
Не кунларни кўрмаган, табъи бардошга ўхшар,  
Эли учун севимли, азиз йўлдошга ўхшар,  
Каттаю кичик учун кўш муҳтарам Аравон.

Дулдул Оти<sup>1</sup> бутун ҳам оламни ром этмоқда,  
Минг йилларнинг қаъридан ҳамон хиром  
этноқда,  
Улуғ тарихдан бзга бутун пайғом этмоқда,  
Кундун — кунга қизиқиш элда давом этмоқда,  
Диққатларни ўзига айлаган жам Аравон.

Араблар келиб бунда уни Араббон<sup>2</sup> қилди,  
Қандай ажиб ҳой дея, ўзига макон қилди,  
Бироқ ўтди в Ҷтлар, эл Обиравон<sup>3</sup> қилди,  
Йиллар ўтди. яна тиллар Аравон қилди,  
Бағрига чирои берган оби ҳар дам Аравон.

Бунда туғилиб ўсди улуғ шоир Амоний,  
Бироқ оғир кунларда ижод қилди ниҳоний,  
Ҳабиб Абдуллаевнинг<sup>4</sup> номи бўлди жаҳоний,

<sup>1</sup> Тоққа ишланган, уч минг йиллик тарихга эга бўлган Дулдул от расми ҳақида сўз кетмоқда.

<sup>2</sup> Араблар Аравонга келгач, бу ернинг сўлимлигини кўриб, ўз ҳар — бий штабларини жойлаштирганлар ва бу ер «араббон», яъни араб — лар штаби деб аталган.

<sup>3</sup> Аравоннинг қоқ ўртасидан Аравон сойи шарқираб оқиб тургани учун у Обиравон деб аталган деган фикрлар ҳам бор.

Илму ирфон соҳиби бўла олди замоний,  
Уламолар бобида<sup>5</sup> доим илдам Аравон.

Мансурқул мингбошининг<sup>6</sup> номи ҳамон  
тилларда,  
Қилган эзгу ишлари яшамоқда дилларда,  
Аъзамхон раис<sup>7</sup> қилган жасорати элларда,  
Ўчмайди улуғ номлар ўтса ҳамки йилларда,  
Ҳар соҳада ҳечқачон бўлмаган кам Аравон.

Мирзаматхон Ҳожидек азиз дўстлар бор бунда,  
Фатхулла махсум қучоқ очиб интизор бунда,  
Бурҳониддин поччанинг муҳаббати ёр бунда,  
Қосимжондек саховат пешалар бисёр бунда,  
Меҳмоннавозлик боби ичра ўктам Аравон.

Маҳмудхон қучоғингга ушбу кун азм этди,  
Зиёратлар қилай деб кўнглида жазм этди,  
Дўстлар билан қўшилиб, шод бўлди, базм этди,  
Мақтову тарихингни юракдан назм этди,  
Насиб этсин доимо лутфу қарам, Аравон.

Аравон, 2002 йил, август.

---

<sup>4</sup> Машҳур олим, академик Ҳабиб Абдуллаев Аравонда туғилган.

<sup>5</sup> Амонийнинг девонида ёзилишича ва кексаларнинг таъкидлашича — рича, Аравонда машҳур мадраса бўлиб, унда йирик уламолар дарс берганлар.

<sup>6</sup> Мансурқул мингбоши Аравоннинг ривожланиши ва халқининг фаровонлиги йўлида кўп меҳнат қилган кишилародан бири бўлган. У Россиянинг Аравондан мардикор олиши ва Дукчи Эшон қўзғолони туфайли халқ қирилишининг олдини олиб қолган. У ҳақда аравонлик баъзи адиблар китоб ёзиш тараддудида юрибдилар.

<sup>7</sup> Аравонда кўп йиллар раислик қилган Аъзамхон раис уруш йилла — рида халқ аҳволи ҳақида кўп қайғурган, пул тўплаб, танк ясаш учун Москвага юборган. Ўша пайтда ясалган танк ҳозир Аравон қишло — фиға келтирилиб, ўрнатиб қўйилган.

## МУНДАРИЖА

Амоний Арабоний. . . . .	3
Амоний Марғилонда. . . . .	4
Амоний Тошкентда . . . . .	8
Камий билан учрашув. . . . .	9
Амонийнинг «Баёзи Маҳбуб ал – маҳбуб» китоби . . . . .	11
Аравонга қайтиш . . . . .	14
Дулдулота ҳақида Амоний шеъри . . . . .	18
Хирабекка қочиш. . . . .	19
Амонийнинг Восилий билан муносабати. . . . .	23
Амонийнинг шеърий мероси ҳақида . . . . .	27
Амонийнинг яна бир девони. . . . .	28
Мазкур нашр ҳақида икки оғиз сўз. . . . .	30
«Баёзи маҳбуб ал – маҳбуб»дан. . . . .	32
«Танқидоти Амоний Арабоний»дан. . . . .	41
«Матлаб ул – анвор» рисоласидан . . . . .	101
Маҳмуд Ҳасаний. Аравон. . . . .	123

**МАХПИРАТ НОМИДАГИ ЎРТА ОСИЁ ХАЛҚЛАРИ  
ТАРИХИ ИНСТИТУТИ**

**Амоний Арабоний**

**ИСМИДУР ОБИРАВОН**

**Нашрга тайёрловчи, сўз боши ва табдил  
муаллифи Маҳмуд ҲАСАНИЙ**

**Тошкент, ЎЗР ФА «Фан» нашриёти, 2003.**

**Чоп этиш учун масъул: Ҳайдарбек БОБОБЕКОВ  
Мусаҳҳиҳа Нигора ХОЛБОЕВА  
Компьютер оператори Зайнаб КОМИЛБЕКОВА**

Теришга берилди 2003.18.06. Босишга рухсат этилди  
2003.03.07. Бичими 60 x 84<sup>1</sup>/<sub>16</sub>. Офсет қоғози. Шартли босма  
табоғи 6,0. Нашр табоғи 8,0. Адади 250. Баҳоси келишилган  
нархда.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси «ФАН»  
нашриёти. Тошкент. Я.Фулумов кўчаси, 70.

Махпират номидаги Ўрта Осиё халқлари тарихи институ –  
ти. Тошкент. 700114. Юнусобод, 18 – 14 – 17.